


С.К. САЛАЕВ  
К.Ж. АПЛАНАЗАРОВ  
А.К. АЛЫМОВ

# МИНТАҚАДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

С.К. САЛАЕВ, К.Ж. АЛЛАНАЗАРОВ, А.К. АЛЫМОВ

МИНТАҚАДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ  
ЙӮНАЛИШЛАРИ

*Монография*

ТОШКЕНТ  
«IQTISOD-MOLIYA»  
2021



**УДК:** 338.482

**КБК:** 75.81

*Масъул мухаррир:* и.ф.д., проф. И.С. Тухлиев

*Такризчилар:* и.ф.д., проф. К. Убайдуллаев  
и.ф.д., проф. Р. Нуримбетов

**С 25 Минтақада экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари.** Монография / С.К. Салаев, К.Ж. Алланазаров, А.К. Алымов – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019. – 112 б.

Ушбу монографияда экологик туризм тушунчаси, унинг моҳияти ва объектив зарурлиги асосланган. Шунингдек, Куйи Амударё давлат биосфера резерватида экотуризмни ривожлантириш йўллари, Устюрт платосининг табиий-ландшафт салоҳиятидан экотуристик маршрутларни ишлаб чиқишида самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари ҳамда минтақадаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда экотуризмни ривожлантириш модели таклиф этилган.

Монография ПЗ-2017-09-2718 - «Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг илмий асослари» мавзусидаги амалий лойиханинг илмий натижалари ёритилган.

Монографияда келтирилган илмий-амалий тавсия ва таклілардан мингтақада туризм бизнесини ташкил қилиш ва ривожлантиришда ҳамда туризм йўналишларида таълим олаётган талабалар, тадқиқотчилар, шунингдек, “Минтақавий туризм”, “Экологик туризм” каби фанларни ўқитишида кенг фойдаланиш мумкин.

Ушбу монография Қорақалпоқ давлат университети Кенгашининг 2019 йили 3 декабрдаги №4/9.2-сонли баённомаси билан нашр этишга рұхсат этилган.

**УДК:** 338.482

**КБК:** 75.81

ISBN 978-9943-13-715-9

© С.Салаев, К.Алланазаров,  
А.Алымов, 2021  
© «IQTISOD-MOLIYA», 2021

## КИРИШ

Ҳозирги кунда жаҳондаги ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳаси таркибида туристик хизматларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ)нинг маълумотларига кўра, 2020 йилга бориб ҳалқаро туристларнинг сони 1,6 млрд. киши туризмдан олинадиган даромад 2 трлн. АҚШ долларига етиш туристик оқимнинг барқарор равищда ҳар йили 3-5%га ошиши кутилмоқда<sup>1</sup>. Бугунги кунда экотуризм энг жадал ривожланаётган туризм тармоқларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. «БТТнинг маълумотларига кўра, экотуризмнинг йиллик ўсиш даражаси 30%ни, жаҳон туризми даромадларидағи улуши 10-15 %ни ташкил қиласди»<sup>2</sup>. Экотуризмнинг жадал ривожланиши саноат тараққиётининг атроф-муҳитга салбий таъсири туфайли ахолининг табиатда дам олишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши билан изоҳланади.

Жаҳонда олимлар томонидан экологик туризмни ривожлантиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик туризмнинг меъёрий-хуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда туризмнинг атроф-муҳитга таъсирини аниқлаш, табиат ва туризм ўртасидаги мувозанатни сақлаш, экотуризмни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда миллий иқтисодиётдаги экологик туризмнинг улуши ва экотуризмнинг иқтисодиётдаги самарасини аниқлаш муҳим масалалар қаторига киритилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, инновацион ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар натижасида туризм соҳаси ҳам янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида туризм фаолиятини равнақ топтириш масаласи ўз аксини топгани бежиз эмас. Шу туфайли Қорақалпогистон

<sup>1</sup> Boltabayev M.R., Tuxliyev I.S., Safarov B.Sh., Abduxamidov S.A. Turizm: nazariya va amaliyot. -T.: «Fan va texnologiya», 2018. – Б.6.

<sup>2</sup> Travel & tourism global economic impact & issues 2017 // World travel & tourism council, -UK:, 2017.

Республикасида экологик туризмни ривожлантириш йўналишларини аниқлаш ва истиқболини белгилашнинг назарий-услубий ва амалий жиҳатлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантириши таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4861-сон, 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун кулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сон Фармонлари, 2017 йил 18 январдаги «2017-2021 йилларда Оролбўйи миңтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-2731-сон Қарори ва бошқа мевёрий-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат килади.

Туризмни ривожлантириш-нинг назарий, услубий ва ташкилий масалалари хорижлик Е.Боо, Х.Цебаллос-Ласкурейн, В.Адиана, А.Алонсо, А.Огле, А.Аминиан, Х.Аяла, В.Брамвелл, Б.Лейн, Р.Батлер, Ж.Кукиер, Е.Маттеус каби олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Жумладан, экотуризмни ривожлантириш юзасидан В.Адиана туризмнинг атроф-муҳитга таъсирини бошқариш, А.Алонсо ва А.Огле туризм ва меҳмонхона хўжалигининг экологик барқарорликка таъсири, В.Брамвелл ва Б.Лейн, Р.Бутлер барқарор туризмни ривожлантириш, Ж.Кукиер ривожланаётган мамлакатларда туризмда бандлик, Е.Маттеус экотуризмнинг ҳозирги ривожланиш амалиёти масалаларини тадқиқ этган<sup>3</sup>.

Шунингдек, туризм ҳамда экотуризм муаммолари М.Б.Биржаков, А.П.Дурович, Н.И.Кабушкин, В.А.Квартальнов, В.С.Сенин, Т.Т.Христов, А.Д.Чудновский, А.В.Дроздов,

<sup>3</sup> Boo, E., Ecotourism: The Potentials and Pitfalls. Volumes 1-2. World Wildlife Fund. Washington, 1990.; Lascurain, H., Integrating Biodiversity into the Tourism Sector: Best Practice Guidelines. 2001.; Adriana B. Environmental supply chain management in tourism: The case of large tour operators. Journal of Cleaner Production, 17, 2009. –P. 1385-1392.; Alonso, A.D., Ogle, A. Tourism and hospitality small and medium enterprises and environmental sustainability. Management Research Review, 33, 2010. –P. 818-826.; Aminian, A. Environmental performance measurement of tourism accommodations in the pilgrimage urban areas: The case of the Holy City of Mashhad. Procedia – Social and Behavioral Sciences, 35, 2012. –P. 514-522.; Ayala, H. Ecoresort: A 'Green' master plan for the international resort industry. International Journal of Hospitality Management, 14, 1995. –P. 351-374.; Bramwell, B., Lane, B. Towards innovation in sustainable tourism research? Journal of Sustainable Tourism, 20(1), 2012. –P. 1-7.; Butler, R.W. Tourism and the environment: A geographical perspective. Tourism Geographies: An International Journal of Tourism Space, Place and Environment, 2, 2000. –P. 337-358.; Cukier, J. Tourism employment issues in developing countries: Examples from Indonesia. In R. Sharpley, D.J.Telfer (Eds.), Tourism and development, concepts and issues. 2002. –P. 165-201.; Matthews E.J. Ecotourism: Are current practices delivering desired outcomes? A comparative case study analysis. April 30, 2002. Blacksburg, Virginia.

В.Е.Борейко, Е.А.Джанджугазова, Н.В.Моралева каби МДХ мамлакатлари олимлари томонидан ўрганилган.<sup>4</sup>

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари К.Х.Абдурахмонов, М.Р.Болтабоев, М.Э.Пўлатов, Н.Т.Тухлиев, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, М.М.Мухаммедов, Д.К.Усманова, А.Н.Норчаев, О.Ҳ.Хамидов, У.Р.Матёкубов, С.С.Рўзиев, Н.Э.Ибодуллаев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган.<sup>5</sup>

Республикамизда ўзига хос ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасига, экологик вазиятига ва менталитетига эга бўлган бевосита Қорақалпогистон Республикаси мисолида туризмни, хусусан, экотуризмни ривожлантириш, туристик хизматлар рақобатбардошлиги, ташкилий-иктисодий омилларидан самарали фойдаланишнинг илмий-амалий масалалари бўйича яхлит илмий изланишларнинг амалга оширилмаганлиги тадқиқотлар йўналишини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпогистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини

<sup>4</sup> Биржаков М. Введение в туризм. СПб: «Герда», 2008. –С. 576.; Дурович А. Организация туризма. – СПб: Питер, 2009. –С. 320.; Кабушкин Н. Менеджмент туризма. Минск: Новое знание, 2002. –С. 407.; Кварталнов В. Туризм: Учебник. – М.: ФиС, 2003. – 320 с.; Сенин В. Организация международного туризма. –М.: ФиС, 2004. –С. 379.; Христов Т. Религиозный туризм: уч.пос.-3-е изд., –М.: «Академия», 2007. –С. 288.; Чудновский А. Управление индустрией туризма России в современных условиях: уч.пос. –М.: КНОРУС, 2007. –С. 416.; Дроздов А.В. Как развивать туризм в национальных парках России. Рекомендации по выявлению, оценке и продвижению на рынок туристских ресурсов и туристского продукта национальных парков. –М.: ЭкоСентр «Заповедники», 2000.; Борейко В.Е. Дорога к заповеднику (Природоохранная пропаганда и экспрессирование в заповедных объектах). –М.: Экоцентр «Заповедники», 1996.; Джанджугазова Е. Экотуризм: причина популярности и пути развития. «Академические вестн.», 1996. №57; Moraleva, N., Ledovskikh, E., Sheftel, B. Ecotourism in Russian Nature Reserves: Possibilities, Problems, Perspectives. In: Report of the International Expert Workshop «Case Studies on Sustainable Tourism and Biological Diversity». German Federal Agency for Nature Conservation. 2000.

<sup>5</sup> Абдурахмонов К.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. –Т.: Филиал ФГБОУ ВПО РЭУ им.Г.В.Плеханова в г. Ташкенте, 2013. –С. 248.; Boltaboev M.R., Tuxliev I.S., Safarov B.Sh., Abdixamidov S.A. Turizm: naqiziga va amalijoti. –Т.: «Fan va tekhnologiya», 2018. –В. 400.; Пўлатов М.Э. Бизнес флајиётини баҳолаш интеграл мезонини хисоблаб чиқишнинг замонавий моделлари. Ўзбекистон иктисолий ахбортономаси. –Т.: 2011. №4. –Б. 23-26.; Тўхлиев Н., Абуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. –Т.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006. –С. 386.; Пардаев М., Атабаев Р. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ. 2006. –Б. 74.; Тўхлиев И., Курдатов Ф., Пардаев М. Туризми режалаштириш. Дарслик. –Т.: Иктисолид ва молия, 2008. –Б. 262.; Мухаммедов М., Рахматов Ф. Туризм соҳасида бозор муносабатларнинг шаклланиши ва унинг тармок самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири // Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари. Халкаро анжуман материаллари. Самарқанд, 2007.; Усманова Д. Особенности формирования туристского продукта и перспективные направления его развития. Икт. фан. ...дисс. – Самарқанд, 2009. –Б. 25.; Норчаев А. Халкаро туризмни ривожлантиришнинг иктисолий ўсишга таъсири. Икт. фан. номз. ...дисс. 2004. –Б. 120.; Хамидов О. Ўзбекистон экологик туризмини ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. И.ф.д. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2017.; Матъякубов У. Экологик вазиятини инобатта олиб туризм самарадорлигини ошириш йўналишлари ва истикблолари (Хоразм вилоятини мисолида). Икт. фан. номз. ...дисс. – Самарқанд, 2011.; Рўзиев С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истикблолари. Икт. фан. ...дисс. –Т., 2009.; Ибадуллаев Н. Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорли-гини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). Икт. фан. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2010.

аниқлаш ва истиқболини белгилашга оид илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

экологик туризм ривожланишининг генезиси, ижтимоий-иктисодий аҳамияти ва объектив зарурлигини асослаш;

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-хуқуқий асосларини тадқиқ қилиш;

Қорақалпогистонда туризмнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

минтақада экологик туризмнинг ресурс салоҳиятини баҳолаш;

Қорақалпогистонда экологик туризмни ривожлантиришда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг ролини асослаш;

минтақада янғи туристик маршрутлар асосида экотуризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда экотуризмни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида Қорақалпогистон Республикаси туризм соҳаси ва ундаги барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги кўйидагилардан иборат:

«экологик туризм» тушунчасининг экологик инқироз ҳудудига мос бўлган ижтимоий-иктисодий моҳияти, табиат ва аҳоли ўртасидаги синергетик алоқалар инобатга олинган таърифи ишлаб чиқилган;

минтақа туман ва шаҳарлари, Кўйи Амударё давлат биосфера резервати, Султон Увайс тоги, Устюрт платоси, Судочье ва Сайгачий буюртмахоналарида ҳамда Орол денгизининг экотуристик ресурс салоҳиятидан келиб чиқиб, туристик йўналишлар ишлаб чиқилган;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан туристик мақсадда фойдаланиш орқали экотуризмни ривожлантириш модели такомиллаштирилган;

минтақада 2018-2021 йилларга мўлжалланган туристик хизматлар ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, минтақаларда экотуризм салоҳиятидан ва ташкилий-иктисодий омилларидан самарали фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар ҳамда таклифлар Қорақалпогистон

Республикасига хорижий ва миллий туристлар оқимининг, ижтимоий-иктисодий ривожланишда туризм ролининг ошишига, минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини, туризм ва бевосита экотуризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишига қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти минтақада экотуризм салоҳиятидан кенгрөк фойдаланиб, барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланишга эришиш, туризм ва экотуризмни ривожлантириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари тасарруфидаги тузилмалар фаолиятида бевосита фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси»да белгилангандан вазифаларни бажариш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқишига муайян даражада хизмат қилиши билан белгиланади.

# **І БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Экологик туризм ривожланишининг генезиси, ижтимоий- иқтисодий аҳамияти ва объектив зарурлиги**

Маълумки, дастлабки даврларда экологик туризм сифатида пайдо бўлган «табиий туризм» тарихи жуда узок ўтмишга бориб тақалади. Қадимги мисрликлар атроф-мухит ва ташқи олам тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш мақсадида узок жойларга сафарларни амалга оширганлар. Геродот, Аристотель, катта Плинний кўпгина мамлакатларга нафақат маданий ва тарихий ноёб объектларни ўрганиш учун, балки табиий шароитларни тадқиқ қилиш учун ҳам боришган. Бундан муайян вакт ўтиб, Александр Гумбольд, Чарльз Дарвин каби бошқа тадқиқотчилар ўз ҳаётларининг кўп йилларини қитъамиз бошқа бурчакларининг хилма-хил турли ландшафтларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, маҳаллий туб аҳолининг турмуш тарзи ва маданиятини ўрганиш мақсадига ўз тадқиқотларини бағишлигандар. Бироқ, ўтган асрнинг ўрталаригача «коммавий туризм» тушунчаси мавжуд бўлмаган, Ер қитъасининг бетакрор табиат манзараларидан, экзотик бурчакларидан, саргузаштлардан, иродали, айрим саноқли ўзига тўқ бой инсонларгина баҳраманд бўла олган, холос. Бироқ бундай сафарлар саёҳатчилар томонидан борилган миңтақаларда ҳеч қандай ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга олиб келмаган, улар ноёб табиат ҳудудларини, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ноёб турларини, маҳаллий ибтидоий маданиятни сақлашни, салмоқли молиявий маблағларнинг шу жойларга оқимини таъминлай олишмаган.

Ташкилий туризм ривожлана бошлагандан кейин, табиат дунёсига саёҳат қилиш унинг дастлабки йўналишларидан бири бўлди. Ўтган асрнинг ўрталарида Томас Кук Шотландия тогларига саёҳатлар уюштириди ва 1863 йилда ўзининг биринчи тижорий Монблан тогига чиқиш турини таклиф қилди. Бундай саёҳатларга инглиз ёзувчи-романтикларининг ўз асарларида ёввойи табиатни, Альп чўққиларини, қояларини, адирларини ифодалашлари маълум

даражада таъсир қилди. Америка қитъасида эса табиат кўйнига саёҳат қилиш табиатшунос ёзувчилар М.Льюсек, В.Кларк, Д.Одюбонларнинг табиат манзаралари ҳақидаги адабий асарлари ҳамда илмий экспедициялари туфайли оммалашди.

МДҲ мамлакатлари ичida Россияда XIX асрнинг иккинчи яримларида Н.Пржевальский, П.Семенов-Тян-Шанский, Д.Мамин-Сибиряқ каби саёҳатчилар табиат кўйнига инсонларни жалб қилишда катта роль ўйнашган. Ўша даврда кўпгина шаҳарларда филиалларига эга бўлган «Табиатни севувчилар жамияти», «Крим тог клуби», «Кавказ тог жамияти» каби ташкилотлар пайдо бўлиб, мамлакатда тог туризми, экскурсия фаолияти ривожланишига кенг имкониятлар яратилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин бутун дунё бўйлаб туризм саноати ривожланиб, оммалаша бошлади ва транспорт ҳамда коммуникациялардаги техник инқилоб оммавий туризм учун инсон оёғи етмаган Ер шарининг чекка худудларида табиат бурчакларини ҳам бориб кўришни осонлаштириди. Ўтган асрнинг 70-йилларга келиб ўртacha даромадли ахоли учун бутун дунёда ёшлилар туризми, яёв ва отда юриш, тоққа чиқиш, тог-чанғи спорти, дарёларда сузиш каби туризмнинг янги турлари ривожлана бошлади.

Туризм соҳасига жуда катта миқдорда капиталларнинг оқиб келиши, қисқа муддатларда туристик саноат учун меҳмонхона занжирлари ва бошқа инфратузилмаларнинг курилиши натижасида ноёб табиат мажмуаларини мувофиқлаштиришни мураккаблаштириди. Табиат манзаралари ва ланшафтига, ноёб ўсимликларга зиён етказди, дараҳтлар кесилиб, сув ҳавзалари ифлосланди, тупроқ таркиби бузилди, кўпгина ноёб ҳайвонларнинг турлари қирилиб, қабул қилувчи мамлакатларнинг ёввойи табиати ҳавф остида қола бошлади.

Туризмнинг бундай бирёклама ривожланиши кўпгина мамлакатларда «қаттиқ туризм» номини олди. Шу йилларда қудратли монополияларнинг фойда кетидан қувиб, табиатга етказган заарини ҳеч қандай восита билан тўхтатиш имкони йўқдек туюлди. Бироқ айнан шу йиллари альп мамлакатларининг олимлари ва туризм бизнесининг фаол вакиллари (туризм классиги И. Криппендорф ва қисман Р. Юнг) «қаттиқ туризм»га муқобил сифатида альп минтақаларининг ижтимоий-иктисодий фаровонли-

гини назарда тутувчи «юмшоқ туризм» концепциясини ишлаб чиқдилар ва ҳаётга тадбиқ қила бошладилар.

Шу йилда 5 та альп мамлакат «Альп конвенцияси»ни ишлаб чиқиб, қабул қилдилар ва табиий ҳамда маданий меросни сақлашни таъминлашга имкон берувчи мазкур минтақанинг узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини амалга ошира бошладилар.

Шу тариқа гарбий Европанинг табиатга йўналтирилган, экологик ва ижтимоий масъулиятли туризм модели дунёга келди. Экотуризмнинг бузилмаган табиатда амалга оширилувчи 2 та модели фарқланади: 1. АҚШ ва Канадада шаклланган, Австралияда тўлиқ жорий қилинган ва шунинг учун ҳам, баъзан «Австралия модели» деб ҳам аталади; 2. Маданий ландшафтда амалга оширилувчи гарбий Европа модели.

Ўтган асрнинг 60-йилларида инсон фалиятининг глобал оқибатларини англаш бошланди. Саноати ривожланган мамлакатларда жамоатчилик назорати кучайди, табиат ва саёҳатлар тўғрисидаги телекўрсатувлар жуда кенг оммалашди. Қушларни, филларни, туяларни, китларни ва бошқа турли ҳайвонларнинг ҳаёт тарзини, кўпайиш хусусиятларини ўрганиш бўйича тажрибали гидлар ёрдамида маҳсус турлар ташкил қилина бошланди. 1966 йилга келиб жамоатчиликнинг босими билан, ҳатто, бир нечта китларнинг мутлоқ муҳофазага олинишига эришилди.

Ушбу давр бутун туризм саноатини атроф-мухитга дўстона муносабатда бўлувчи – экотурист деб аталувчи янги турдаги саёҳатчилар тоифасининг юзага келиши билан ифодаланади<sup>6</sup>.

1980 йилда немис футурологи Роберт Юнг «юмшоқ туризм»<sup>7</sup> тушунчасини, 1983 йилда мексикалиқ иқтисодчи-эколог Цебаллос-Ласкурейн «экологик туризм» («экотуризм») тушунчасини фанга киритишган<sup>8</sup>.

Инглиз тилида нашр этилган кўпгина илмий адабиётларда<sup>9</sup> туризмда «экологик туризм» ва унинг қисқартилган шакли – «экотуризм» атамаси кенг қўлланилади. Бундан ташқари, «яшил

<sup>6</sup> Ледовских Е.Ю., Моралева Н.В., Дроздов А.В. Экологический туризм на пути в Россию: принципы, рекомендации, российский и зарубежный опыт. Тула. «Гриф и К». 2002. –с. 248

<sup>7</sup> <https://ccodelo.org/3288-11>

<sup>8</sup> [https://ccodelo.org/3288-11\\_nemnogo\\_istorii\\_vzglyad\\_na\\_puteshestviya\\_v\\_prirodu\\_v\\_istoricheskoi\\_retrospekte\\_voznikneniem](https://ccodelo.org/3288-11_nemnogo_istorii_vzglyad_na_puteshestviya_v_prirodu_v_istoricheskoi_retrospekte_voznikneniem)

<sup>9</sup> Progress in Tourism, Recreation and Hospitality Management. Editorial Board: Prof. B.H.Archer, Dr. C.Cooper, Prof. P.R.Gamble, Mr. M.Kipps, Mr. A.J.Lockwood, Dr. I.stevenson. Belhaven Series. Published in association with the Department of Management Studies for Tourism and Hotel Industries, University of surrey, UK, 2004., -pp. 28-30; 45-54; 97-103.

туризм» (green tourism), «табиий туризм» (айниқса, немис тилида сұзлашувчи мамлакатларда), «soft tourism» «юмшоқ туризм» (одатда, «қаттық туризм»га қарама-қарши қўйилади) атамалари ҳам ишлатилади. «Қаттиқ» туризмнинг бош мақсади мумкин қадар кўироқ даромад олишдан иборат бўлса, «юмшоқ» туризмда симарали иқтисодий натижалар билан бир каторда, экотуризм амалга оширилаётган жойларнинг маданий ва экологик барқарорлигини таъминлашни молиялаштириш муҳим ўрин тутади.

Нуфузли ҳалқаро ташкилотларнинг таърифларида ҳам барча соҳалар қамраб олинмаган, уларда экологик туризмнинг барча муҳим белгилари деярли ифодалаб берилмагани маълум бўлмоқда. Шундай қилиб, туризм экологик ва ижтимоий талабларга ҳамоҳанг, табиат олдида масъул ва уни муҳофаза қилишга имкон берувчи, саёҳатчиларнинг экологик маданиятини оширувчи, маърифий нағизфани бажарувчи, анъанавий маданиятлар ва маҳаллий ҳамжамиятларга эҳтиёткорона муносабатда бўлувчи ҳодиса сифатида намоён бўлади.

«Экотуризм» тушунчасининг пайдо бўлишига бир қанча тенденциялар сабаб бўлган:

биринчидан, туризм йирик глобал иқтисодий фаоллик сифатида намоён бўлди. Бутун дунё бўйлаб муҳофаза қилинувчи худудларга борувчилар сони шу даражада ошдики, уларнинг табиат мажмуасига етказиши мумкин бўлган зиёни жиддий хавотирни келтириб чиқармоқда. Ўз навбатида, туризмни рационал ташкил этиш табиатни муҳофаза қилишни молиявий жиҳатдан реал қўллаб-куватлаши ва дастлабки кўринишда сақланиши керак бўлган табиий худудларнинг аҳамиятини ошириш муқаррар бўлиб қолди. Демак, туризм табиатни муҳофаза қилиш учун «ишилаши», яъни муҳофаза қилинувчи худудлар «ўзи учун ўзи пул топиши» керак бўлади;

иккинчидан, муҳофаза қилинадиган тадбирлар фақатгина чеклаш ёки таъқиқлаш билан, айниқса, маҳаллий аҳолининг манфаатларига зид бўлса, муваффақият қозониши қийин бўлади. Маҳаллий аҳоли ушбу фаолиятнинг бевосита ҳамкорига айланиши ва улар учун ҳам табиатга эҳтиёткорона муносабат фойдали бўлиши ва бунда туризм етакчи роль ўйнаши лозим;

учинчидан, туристларнинг интилишларида ўзгаришлар рўй берди. Тобора кўпроқ одамлар, айниқса, саноати ривожланган мамлакатларда катта шаҳарлардан бузилмаган чекка табиат

кўйнига боришига интила бошлишди. Анъанавий «пляж-курорт» дам олиш турига қарама-қарши равишда фаол-англаш йўналишидаги турларга талаб ошиб кетди.

Демак, экологик туризм концепцияси табиий ҳудудларни барқарор ривожлантиришнинг муҳим воситаларидан бири сифатида замонамизнинг муҳим табиатни муҳофаза қилиш, иктиносидий ва ижтимоий муаммолари кесимида вужудга келди.

Илмий адабиётларда келтириладиган айрим тушунча ва атамалар кўпчилик ҳолларда «экологик туризм» тушунчасининг моҳиятини қисман ёритиб беради, холос. Мавжуд таърифларнинг кўп қирралилигига мисол сифатида куйидагиларни келтиришимиз мумкин:

«Экотуризм - бу табиатга йўналтирилган туризм тури бўлиб, ўз ичига экологик таълим ва маърифатни қамраб оловчи ҳамда экологик барқарорлик тамойиллари асосида амалга оширилувчи туризм шаклидир»<sup>10</sup>.

«Экологик туризм - мавжуд экотизимларнинг яхлитлигини бузмаган ҳолда ва маҳаллий аҳоли учун мавжуд табиий ресурсларни муҳофаза қилишни кўзда тутувчи маҳаллий маданиятни ҳамда табиий муҳитни янада чукур ўрганиш мақсадида табиий ҳудудларга мақсадли саёҳат қилишдир»<sup>11</sup>.

«Экотуризм - табиий туризмнинг экологик барқарор шакли бўлиб, асосан, у ахлоқий меъёрларга риоя қилган ҳолда атроф-муҳитга минимал таъсир кўрсатиш, истеъмол ва харажатларни камайтириш асосида ёввойи табиатда яшаш ва уни англашга қаратилади. Одатда, бундай туризм шакли муҳофаза қилинадиган ҳудудларда амалга оширилади»<sup>12</sup>.

«Экотуризм табиатни муҳофаза қилиш ва ривожлантиришга имкон бергани ҳолда, у энг камида туристик фаолият, биохилмачиллик ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги ижобий синергетик муносабатларни ўрнатишни ва тегишли ташкилот ҳамда ушбу фаолиятни бошқаришни назарда тутади»<sup>13</sup>.

«Экотуризм - бу бузилмаган табиат ҳудудларида амалга ошириладиган, атроф-муҳитга, унинг сифатига зарар етказмайдиган,

<sup>10</sup> Commonwealth Department of Tourism (1992), Australian National Ecotourism Strategy, Canberra.

<sup>11</sup> [https://ecodelo.org/3290-12\\_chto\\_takoe\\_ekoturizm Sovremennoyaya\\_konsepsiya\\_ekoturizma-ekologicheskii\\_turizm\\_kak\\_sovremen](https://ecodelo.org/3290-12_chto_takoe_ekoturizm Sovremennoyaya_konsepsiya_ekoturizma-ekologicheskii_turizm_kak_sovremen)

<sup>12</sup> Уша жойда: Қаранг

<sup>13</sup> Ross, S and Wall, G (1999), «Evaluating Ecotourism the Case of North Sulawesi, Indonesia», Tourism Management, Vol 20, No 6. -pp 673-682.

табиий ҳудудларни муҳофаза қилишга ва уларни самарали бошқаришга бевосита ҳисса кўшувчи туризмдир».<sup>14</sup>

«Экотуризм - бу режали ташкил қилинган туризм тури бўлиб, табиатдан ва тирик мавжудотлардан баҳра олишининг уйғунлашуви бўлиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ижобий таъсир кўрсатувчи, маҳаллий аҳоли ижтимоий гурухларининг турмуш даражасига ижобий таъсир қилувчи, ҳам инсонлар ва ҳам табиат учун адолатли барқарор ривожланишни назарда тутувчи туризмдир»<sup>15</sup>.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги берилган таърифларда экотуризмнинг табиий ва ижтимоий жиҳатларига катта ургу берилгани ҳолда экотуризмни ривожлантиришнинг иқтисодий, молиявий жиҳатларига, экологик ижобий самараларига алоҳида ўтибор қаратилмаган. Шу боис, ҳар бир мамлакат ёки унинг ҳудудларида экотуризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришда, албагта, биринчи навбатда, унинг иқтисодий томонларига ҳам иҳамият бериш керак.

«Экотуризм ўз ичига З та асосий мезонларни қамраб олади: туристларни жалб қилувчи дикқатга сазовор объектлар табиий бўлади (масалан, флора, фауна, геологик хусусиятлар) ва бунда маданий мухит хусусиятлари аҳамият касб этади ҳамда асосий ўтибор бориладиган минтақадаги табиий ресурсларга юмшок таъсир қилишга қаратилади. Экотуризм бақарор туризм тушунчаси билан ўзаро боғлиқ бўлиб, маҳаллий ҳамжамиятлар, аҳоли учун манфаатли, ҳудудларнинг рекреацион сигимидан ошмаслиги керак»<sup>16</sup>.

Таҳлилларимизга кўра, юқорида қайд этилган туризм ва хизматлар соҳаси бўйича етакчи олимлар томонидан берилган таърифлар жаҳон ҳамжамиятида экологик муаммолар авжига чиққан пайтда берилган. Бу илғор тажрибаларни ривожланган давлатларда амалиётга тадбиқ этилиши натижасида бир қатор экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал қилинган. Айнан шулардан келиб чиққан ҳолда, республикамизнинг туристик салоҳияти юқори бўлган минтақаларда юқоридаги илғор хорижий

<sup>14</sup> Valentine, P (1993) Ecotourism and Nature Conservation A definition with some recent developments in Micronesia Tourism Management, Vol 14, No 2. -pp 107-115.

<sup>15</sup> Evans-Pritchard, D. and Salazar, S. (1992), «What is Ecotourism?» Eco-Institute of Costa Rica and ULACIT.

<sup>16</sup> Weaver, D.B. (1999), «Magnitude of Ecotourism in Costa Rica and Kenya», Annals of Tourism Research, Vol. 26, No. 4. -pp.792-816.

тажрибаларни қўллаш, шубҳасиз, мамлакатимиз туризмининг ривожланишида муҳим омиллардан бири бўлади.

Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи «экотуризм нисбатан бузилмаган табиий худудларга ўрганиш ва маданий обьектлардан баҳраманд бўлиш учун атроф-мухитга зиён етказмаган ҳолда маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаол иштирокини ва уларнинг ушбу фаолиятдан наф олишларини таъминловчи саёҳат»<sup>17</sup>, деб таърифлайди.

Шунга ўхшаш таъриф «Экотуризм жамияти» (The Ecotourism Society) томонидан берилади: «Экотуризм - табиий худудларга масъулиятни ҳис қилган ҳолда табиатни муҳофаза қилишга кўмаклашувчи ва маҳаллий аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтирувчи саёҳатдир»<sup>18</sup>.

Германиялик, австриялик ва швейцариялик мутахассисларнинг илмий асарларида<sup>19</sup> «юмшоқ туризм» ўрнига «экологик ва ижтимоий масъулиятли туризм» атамаси қўлланилади. Фикримизча, бу атама узун ва мураккаб бўлса-да, «юмшоқ» туризмнинг мазмун ва моҳиятини аниқроқ акс эттиради. Сўнгги йилларда инглиз тилидаги адабиётларда «барқарорлик» атамаси кенгрок қўлланилмоқда ва экотуризмни бузилмаган (ёки кам бузилган) ва муҳофаза этиладиган табиий ландшафтлардан фойдаланиш билан ўзаро боғлашга уриниш кузатилмоқда.

Россиялик олимлардан Е.Ю.Ледовский, А.В.Дроздов, Н.В.Моралевалар «экотуризм экологик ва ижтимоий талабларга мос келади, табиат олдидаги масъулиятни ҳис қилади, унинг ҳимоясига кўмаклашади, маърифий вазифани бажаради, анъанавий маданий ва маҳаллий ҳамжамиятларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлувчи сайёҳларнинг маданиятини оширади»<sup>20</sup>, деб таърифлашади.

БГТ эса экотуризмни «экологик туризм – табиатнинг инсон оёғи етмаган гўшаларига саёҳат», Жаҳон ёввойи табиат фонди эса «экотуризм – табиатни муҳофаза қилишга кўмаклашувчи табиий туризмдир»<sup>21</sup>, деб таърифлайди.

<sup>17</sup> [https://ecodelo.org/3290-12\\_chto\\_takoe\\_ekoturizm Sovremennoyaya\\_konsepsiya\\_ekoturizma-ekologicheskii-turizm\\_kak\\_sovremen](https://ecodelo.org/3290-12_chto_takoe_ekoturizm Sovremennoyaya_konsepsiya_ekoturizma-ekologicheskii-turizm_kak_sovremen).

<sup>18</sup> Ўша жойда: каранг.

<sup>19</sup> Witt, Stephen F., Moutinho, Luiz. Tourism marketing and management handbook. Printed by Prentice Hall International (UK) Ltd., 2009. -p. 49.

<sup>20</sup> [www.wwcf.com](http://www.wwcf.com)

<sup>21</sup> Ernie Heath, Geoggey Wall. Marketing Tourism Destinations. A Strategic Planning Approach. Printed by John Wiley&Sons, Inc., 2010. p. 225.

Экотуризмнинг таърифларида кўпинча барқарорликка эришиш, табиатга салбий таъсирларни камайтириш, атроф-муҳит равнақи йўлида иқтисодий қайтимни ёки экологик таълимни кучайтириш низарда тутилади. Шунинг учун ҳам, Крэг Линдберг томонидан жуда оддий ва концептуал таъриф берилади<sup>22</sup>: «Экотуризм - бу бирқарор ва табиатга йўналтирилган туризм ва рекреация фаолияти бўлиб, у туризмнинг экологик, ижтмоий-маданий ва иқтисодий таъсирларининг ўзаро мувозанатини назарда тутади».

Экотуризмни ривожлантиришда унинг мазмун-моҳияти, мақсад иш визифалари билан бирга, уни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш тамойилларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, ҳар қандай тармокнинг ўзига хос бошқа тармоклардан фарқли жиҳатлари, хусусиятлари, уни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқаришнинг асосий тамойиллари, туризмнинг бошқа турларидан алоҳида характеристли белгилари мавжуд бўлади. Таҳлилларимизга кўра, экотуризмнинг асосий тамойиллари сифатида куйидагиларни келтириш мумкин (1.1.1-жадвал):

#### *1.1.1-жадвал*

#### **Экотуризмнинг асосий тамойиллари ва фарқли хусусиятлари<sup>23</sup>**

Тамойиллар	Экотуризмнинг фарқли жиҳатлари ва хусусиятлари
Экологик ижтимоий-маданий характердаги салбий оқибатларни минималлаштириш ва экологик барқарор муҳитни сислауб туриш	<ul style="list-style-type: none"> <li>мумкин бўлган чегаравий рекреацион юкламалар ошмайди;</li> <li>туризмни ривожлантириш чукур режалаштирилади, назорат килинади ва бошқарилади;</li> <li>бориладиган худудлар учун ишлаб чиқилган этикет коидаларига риоя килинади;</li> <li>туристлар томонидан ишлатиладиган транспорт экологик тозалиги;</li> <li>ахлатлар умумий ахлатхона ёки чиқиндиҳонага эмас, балки маҳсус йигиб олиниб, худуддан олиб чиқиб кетилади ва кейин экотехник қайта ишловга берилади;</li> <li>тўхташ ва тунаш жойлари, гулханлар факат маҳсус жойларда ташкил килинади;</li> <li>тирик табиат обьектларидан қилинган сувенирларни харид қилишига йўл қўйилмайди;</li> <li>қўзикорин, гуллар, мевалар, доровор ўсимликлар, исталган табиий сувенирлар факат рухсат берилган жойлардан терилади;</li> <li>туристлар тўхтайдиган отеллар, кемпинглар, уйчалар,</li> </ul>

<sup>22</sup> <https://ecodelo.org/3290-12>

<sup>23</sup> Муалиф томонидан ишлаб чиқилган

	<p>кулбалар, атрофнинг ландшафтини барқарор экологик ривожланишини ташки кўринини бузмаслиги керак;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ушбу отел ва кемпинглар экологик заарсиз материаллардан курилиши ва унда яшовчилар сув ва энергияни ортиқча сарфламасликлари, окова сувларни, чикндиларни тозалаш ускуналари, «ёпик экотехнологиялар» билан жихозланиши зарур;</li> <li>• туристлар овқати экологик тоза ва фойдали, маҳаллий маҳсулотлардан тайёрланиши керак.</li> </ul>
Табиатни муҳофаза қилиш ва маҳаллий ижтимоий-маданий мухитга кўмаклашиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• туристик фаолият муҳофаза килинувчи худудлар ёки табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини молиялаштиришнинг кўшимча манбаларини таъминлайди;</li> <li>• турлар иштирокчилари табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида имкон қадар катнашади (волонтерлар, болалар экооромгоҳлари ва бошқа.);</li> <li>• туристлар маҳаллий маданий анъаналарга, одатларга, ҳаёт тарзига хурмат билан муносабатда бўлиб, тушунишга, ўрганишга интиладилар;</li> <li>• туризмнинг ривожланиши АМҚҲ билан маҳаллий аҳолининг ҳамкорлигини йўлга кўйишга, АМҚҲларнинг оммавийлигини ошишига, халқаро алоқаларининг кенгайишига имкон беради.</li> </ul>
Экологик таълим ва тарбия	<ul style="list-style-type: none"> <li>• туристлар олдиндан турни ўтказиш жойидаги хулқ автор қоидлари ва табиати бўйича етарли ахборотни оладилар;</li> <li>• ТМҚҲларда табиатни асраш бўйича ўз маъсулиятларини туристлар тўла англайдилар;</li> <li>• турлар ва экскурсиялар, албатта, экологик-танишув кисмига эга бўлади;</li> <li>• турларни малакали гид-экологлар ўтказади;</li> <li>• бориб кўриладиган обьектлар албатта қизикарли ва кулаг табиий, маданий ландшафтлари бўлади;</li> <li>• дастурга, албатта, ўкув экологик сўмкокларга, табиат ва ўлкашунослик музейларига, экотехнологик хўжаликларига бориш киритилади;</li> <li>• туристлар маҳаллий экологик муаммолар ва уларнинг ечиш йўллари, амалга оширилаётган табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари билан танишадилар;</li> <li>• туристлар ўзларига мақбул усуслар билан маҳаллий экологик муаммоларни ечишда қатнасадилар.</li> </ul>
Маҳаллий аҳоли томонидан туристик фаолиятда иштирок қилиб, даромад олиш ва уларда табиатни муҳофаза қилишга рағбат ўйғотиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• имкон қадар маҳаллий маҳсулот ва ишчи кучи ишлатилади;</li> <li>• маҳаллий яшовчилар туристик бизнесга жалб қилинади ва ўзларининг анъанавий хўжалик шаклларини ривоҷлантириш имконига эга бўладилар;</li> <li>• экотуристик фаолиятдан даромадни турли аҳоли тоифа ва гурухлари оладилар ва бунда атроф мухитни саклаш маҳаллий аҳоли учун нафли бўла бошлайди.</li> </ul>

Сайёхлар борадиган минтақаларнинг бирқорор ривожланишига хисса кўшиш ва иктисодий символик	<ul style="list-style-type: none"> <li>туристик фаолиятни ривожлантиришга комплекс ёндашилади;</li> <li>чукур режалаштириш, мониторинг ва бошқарув;</li> <li>минтакавий ривожланишнинг режаларига экотуризмнинг уйғунлашуви;</li> <li>турли йўналишдаги ташкилотларнинг узвий ҳамкорлиги;</li> <li>туризмдан даромадлар маҳаллий бюджетга тўлиқ ушлаб колинмайди, аммо унинг тўлдирилишига, маҳаллий иктисодиётни кўллаб-кувватлашга йўналтирилади.</li> </ul>
--	--

Экотуризмни тушунишнинг замонавий талқини, асосан, барқорорликка эришиш бўлганлиги сабаби саёҳатчиларни ривожлантириш ва туристик оқимнинг ҳажми каби анъанавий мезонилар бўлса-да, ҳал қилувчи роль йўнамайди. Экотуризм бўлини учун экотуризмнинг барча тамойиллари тўлақонли бажарилиш керак, акс ҳолда, фақат сайд қилиб кўриб келиш, саргузаштлар, атроф-муҳитни яхшиламаслик ёки экотуристик тамойилларнинг қисман бажарилиши экотуризм саналмайди.

Цебаллос-Ласкурейннинг<sup>24</sup> тадқиқотларида саргузашт туризми слёҳатчиларининг ташриф буюрадиган жой ва худудлар тўгрисидаги тасаввурлари кенгайган бўлса-да, уларнинг табиий қудудларга ижобий таъсири сезилмаганини келтириб, бу экотуризм ҳисоби, деб таъкидлайди. Масалан, Ҳимолай этакларига кейинги 50 йилда борувчилар сони 25 марта га ошган бўлса-да, маҳаллий аҳоли кемпинглар ва кўпчилик меҳмонхоналар учун ўрмонни кескин кеса бошлидилар ва натижада 2 та катта ТМҚҲлар Аннапурна ва Сагарматада ўрмоннинг пастки чегараси бир неча фут юқорига кўтарилиган, кўпгина қушлар ва ҳайвонларнинг популяцияси қисқарган.

Непалдаги Кхумбуда маҳаллий аҳоли туристик фаолиятда қатнишиб даромад олган бўлсаларда, аҳолининг бандлик тизими ва маданияти бузилиб, табақалашув кучайди. Шундай қилиб, борувчилар ўзларини экотуристлар деб аташса-да, аслида улар табиий ва маданий муҳитни издан чиқаришди. Шунинг учун ҳам, кўнгина мамлакатларда турлар ўтказиладиган худудларга туристларни ҳайвонларни қўрқитмаслик учун вертолётларда ёки сув ҳавзаларини ифлослантирмаслик учун моторли бензинли қайиқларда олиб боришмайди. Умуман олганда, экотуризмни ривожлантиришнинг ҳам ижобий ва ҳам салойи таърибаларини

<sup>24</sup> <https://ecodelo.org/3290-12>



нафақат чет мамлакатларда, балки республикамизда ҳам учратиш мүмкін.

Демак, табиатни асраш учун туризмнинг реал кўлами ёки туристларни рағбатлантириш эмас, балки улар саёҳатининг табиатга таъсири асосий ўрин тутади. Бу эса, саёҳатнинг қандай ташкил қилинганилигига боғлик. Аниқроқ айтганда, режали ташкил этилмаган ва мониторингиз 10 нафар туристнинг табиатга зарари 100 кишиникидан кўп бўлиши мүмкін. Шу билан бирга, дунёнинг ривожланган кўпгина давлатларида миллий паркларга минглаб туристлар бир неча кун бўлиш учун келиб, маҳсус жихозланган ташриф-марказлари ва эко-сўқмоқларга бадал тўлаб, атроф-муҳитга зиён етказмасдан ТМҚҲлар ва маҳаллий аҳолининг даромадини таъминлайдилар. Шунинг учун, уларни кўпкунлик мураккаб ёввойи табиат бўйлаб, елкасида рюкзак ва тунаш учун палаткалари билан сафар қилишларини инобатга олган ҳолда, маълум маънода, экотуристлар деб аташ мүмкін.

Демак, юқоридагиларга кўра, экотуризм бугунги кунда — бу комплекс, фанлараро йўналиш бўлиб, туризм, табиат ва маданиятни муҳофаза қилишнинг ўзаро алоқасини таъминлайди.

Экотуризм туризмнинг бошқа турлари билан бевосита боғлик, 1983 йилда Гектор Цебаллос-Ласкурейн «экотуризм» атамасини фанга киритган вақтида унга яқин бўлган 30 тача турдош ва ўзаро боғлик тушунчалар бор эди.

Табиий туризм (*nature tourism*, *nature-based or nature-oriented tourism*) — туризмнинг ландшафт, рельеф, сув, ўсимлик ва ёввойи ҳайвонлар каби табиий ресурсларни ўзгармас ҳолатда ишлатиш билан боғлик бўлган ихтиёрий турлари саналади. Экологик туризмдан табиий туризмнинг асосий фарқи, туристларни рағбатлантиришга қаратилгани (ёввойи табиатда дам олиш, треккинг, сувда сузиш, ов ва х.к.) бўлиб, экологик, ижтимоий ва бошқа барқарорликни инобатга олмайди.<sup>25</sup>

Табиий туризмнинг бир кўриниши сифатида биотуризм (*wildlife tourism*) ва ёввойи табиатга саёҳат (*wilderness travel*) бўлиб, уларнинг асосий мақсади тирик табиат обьектлари, алоҳида турлар ва биоценозлар саналади.

Экологик туризм баъзан саргузашт туризми (*adventure tourism*) билан ҳам боғлик, бироқ экологик туризм саргузашт қисмини ҳар

<sup>25</sup> Healy, R., 1988. Economic Consideration in Nature-Oriented Tourism: The Case of Tropical Forest Tourism. Southeastern Center for Forest Economics Research, Research Triangle Park, N.C.: FPEI Working Paper No. 39.

доим ҳам ўз ичига олмаслиги мумкин. Бошқа томондан, барча саргузашт турлар экологик мезоналарга, айниқса, ресурслардан барқарор фойдаланиш жиҳатига мос келмайди. Тирик үлжаларни овлашга қаратилган спорт ва сафари-турлари экологик туризм тамойилларига умуман мос эмас.

### 1.1.2-жадвал

#### **«Юмшок» ва «қаттиқ» туризм хусусиятларининг Р. Юнг бўйича такомиллаштирилган таққосланиши<sup>26</sup>**

«Қаттиқ» туризм	«Юмшок» туризм
Оммавийлик, тартибсизлик	Якка ва оилавий турлар, дўйстлар даврасига бориш
Кисқа муддатли сафарлар	Давомий саёҳатлар
Тезкор харакатланиш воситалари	Секин ва писбатан тез харакатланиш воситалари
Олдиңдан келишилган дастур	Қўққисдан қарор қабул қилиш
Типикаридан рағбатлантириш	Ичкаридан рағбатлантириш
Ҳаёт тарзини импорт қилиш	Бориладиган мамлакат маданиятига мос ҳаёт тарзи
«Ликкатга сазовор жойлар»	«Таассуротлар»
Комфорт ва пассивлик	Фаоллик ва хилма-хиллик
Сафарга олдиндан интеллектуал тийёргарликнинг учча катта өмаслиги	Саёҳат мақсади — мамлакат олдиндан ўрганилади
Турист мамлакат тилини билмайди ва бунга ҳаракат ҳам килимайди	Бориладиан мамлакат тили олдиндан ҳеч бўлмагандан оддий даражада ўрганилади
Турист мамлакатта хизмат кўрсатилишини талаб килувчи кўйжайнинг хисси билан келади	Саёҳатчи янги маданиятни англайди
Харидлар утилитар (шоппинг) ёки стандарт	Харидлар - бу эсдаликлар, дўйстлар учун совгалар
Саёҳатдан кейин факат стандарт суннинрлар колади	Саёҳатдан кейин янги билимлар, хиссиятлар ва эсдаликлар колади
Турист турили кўринишдаги открытикалар сотиб олади	Саёҳатчи расм чизади ёки суратга туширади
Қизикувчаник	Тартибилик, изчилилк
Қаттиқ овозилик	Вазминлик, сокинлик, хокисорлик

Агротуризм (agrotourism), айниқса, АҚШ ва ғарбий Европа мамлакатларида кенг ривожланган бўлиб, қишлоқ жойларида, кулбаларда, дехқонлар уйчаларида дам олишни назарда тутади. Туристлар маълум вақт қишлоқ ҳаёт тарзи, амалий санъат, қўшиқ

<sup>26</sup> Манба: Junk R., Wieviel Tounsten pro Hektar StrandP GEO, Heft 10, 1980, -р. 154-156 асосида муаллиф томонидан такомиллаштирилди.

ва ўйинлар, маҳаллий урф-одатлар билан танишиб, халқ фестиваллари ва байрамларида бевосита иштирок қиласидилар.

«Яшил» туризм (green tourism) туризм саноатида экологик усуллар ва технологияларни қўллашни назарда тутади. Бир қатор муаллифларнинг фикрича, «юмшоқ туризм» «яшил туризм»га яқин ва ресурслардан оқилона ёндашган ҳолда табиатдан фойдаланишини назарда тутади. У меҳмонхона хўжалигидан тортиб, авиайўналишлар, транспорт турлари, ТМҚҲларга уюштириладиган турларгача ўз ичига олади ва факат бунда экологик технологиялардан фойдаланишга асосий эътибор қаратилади.

Барқарор туризм (sustainable tourism) нисбатан кенгроқ тушунча сифа-тида қаралади. БТТ ва Туризм ва саёҳатлар бўйича Кенгашнинг таърифига биноан, барқарор туризм туристик марказларга борувчи туристларнинг, марказлар аҳолисининг эҳтиёжларига жавоб беради. Барқарор туризм ижтимоий, маданий, экологик ва иқтисодий мақбуллик мезонларига мос бўлиши керак. Барқарор туризм - бу узок муддатли истиқболда муайян этник ва маданий хусусиятларга мослашиши, ижтимоий адолат талабларига жавоб бериши, экологик мақбул ҳамда иқтисодий жиҳатдан нафли бўлиши лозим.<sup>27</sup>

Цебаллос Ласкурейннинг тарифига кўра, туризм – бу табиий ресурс-ларни чегараланмаган узоқ муддатга сақлаб туришдир. Барқарор туризм янада кенг маънода туризмнинг барқарор ривожланишига ҳисса кўшувчи табиий ва сунъий ресурсларнинг барча турларидан фойдаланишдир<sup>28</sup>.

Барқарор туризм - туризмнинг барча турлари учун мос келувчи умумий концепция ҳисобланади. «Барқарор» ва «ривожланиш» (БТТ) тушунчаларига ургу берилади. Масалан, «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Швеция Агентлиги»да Барқарор туризмнинг 10 та тамоилига амал қилинади:

1. Табиат ресурсларини тежаб-тергаб, барқарор фойдаланиш;
2. Ортиқча истеъмол ва чиқиндиларни қисқартириш;
3. Табиий, ижтимоий ва маданий хилма-хилликни сақланишини таъминлаш;
4. Чукур режалаштириш, ком-плекс ёндашув, экотуризмни минтақавий ривожланиш режаларига уйғуллаш-тириш;
- 5.

<sup>27</sup> «Атроф-муҳит ва ривожланиш» Форуми таърифи: [https://ecodelo.org/3290-12\\_chto\\_takoe\\_ecoturizm\\_sovremennoy\\_konseptsiya\\_ekoturizma-ekologicheskii\\_turizm\\_kak\\_sovremen](https://ecodelo.org/3290-12_chto_takoe_ecoturizm_sovremennoy_konseptsiya_ekoturizma-ekologicheskii_turizm_kak_sovremen)

<sup>28</sup> Е.Ю. Ледовских, Н.В. Моралева, А.В. Дроздов. Экологический туризм на пути в Россию: принципы, рекомендации, российский и зарубежный опыт. Тула. «Гриф и К», 2002. -с. 248.

Маҳаллий иқтисодиётни қўллаб-кувватлаш; 6. Маҳаллий аҳолини туризмни ривожлантиришда иштироки ва ушбу фаолиятдан олинадиган молиявий ҳамда бошқа маблагларни улар ўртасида тақсимлаш;

7. Манфаатдор шахсларга маслаҳат бериш; 8. Ходимларни ўқитиш; 9. Туризмнинг масъулиятли маркетинги; 10. Экотуризм табиатга йўналтирилади ва барқарор туризм «чорраҳасида» жойлашади.

Демак, ўтказган тадқиқотларимиз натижаларидан келиб чиқсан ҳолда, айтиш лозимки, экотуризм – ижтимоий масъулиятли ва экологик барқарор ривожланишни, табиий ва маданий меросни сақлашни, муҳофаза қилишни таъминловчи туристик фаолият, биохилма-хиллик ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги синергетик муносабатларга асосланган, табиатга саёҳат қилишни кўзда тутувчи, туризмнинг сердаромад инновацион йўналишидир<sup>29</sup>.

## 1.2. Экологик туризмнинг турлари ва шакллари таснифи

Маълумки, туризм ва экотуризмга оид Ғарб, Европа, Шарқ ва МДҲ давлатларидаги ёндашувлар бири-биридан ўзаро фарқланади. Шу сабабли, тадқиқотимизнинг ушбу бўлимида экотуризмнинг мавжуд турлари ва шаклларини чукур таҳлил қилган ва ўрганган ҳолда ўзига хос экотуризм таснифини ишлаб чиқишига ҳаракат қилинади. Бугунги дунё амалиётига кўра, экотуризмга режалаштириш, ташкил этиш ва бошқарув фаолияти мақбул бўлганда, узоқ илмий экспедициялардан тортиб, то қисқа мuddатли дам олиш кунлари бўладиган табиат қўйнидаги дам олишларни ҳам киритиш мумкин. Экотуризмнинг бу хилма-хилликларини шартли равишда турли мезонлар бўйича, хусусан, саёҳатчилар гуруҳлари, бориб кўриладиган бош обьектлар, туристик фаолият турлари, борилган жойда бўлиш давомийлиги (ва ҳ.к.ларга) кўра ажратиш мумкин.

Экотуризмнинг обьектлари унинг классик ва тор доирадаги талқинига кўра, бузилмаган табиий комплекслар ёки унинг алоҳида элементлари ҳисобланади. Кўпинча, танишиш ёки илмий туризмнинг обьектлари сифатида машҳур ва ноёб биологик турлар, жумладан, шарқий Африкада филлар, шерлар, Осиёда йўлбарслар майдонга чиқади. Бунга яққол мисол Руанда ташкил этилган тоғ

<sup>29</sup> Экотуризм атамасига муаллиф томонидан берилган таъриф

горилла маймунлари яшовчи Дес Волканс номли миллий парк ҳисобланади. Шунингдек, экотуристларни ўлик табиатнинг ноёб объектлари, геоморфологик, гидрологик ва бошқа хусу-сиятлар (*алоҳида тоғлар ва тепаликлар, горлар, шаршараплар, кӯллар ва дарёлар ва ҳ.к.*) ҳамда палеонтологик топилмалар қизиқтиради. Бундан таш-қари, экотуризм объектлари бу - экзотик ўсимликлар ва биоценозлар, тропик ўрмонлар, ёзда гуллаётган тундра ёки баҳордаги чўл манзараси ва ҳ.к. келтириш мумкин.

Шунингдек, экотуризм объектлари маданий, этнографик, археологик ва тарихий ёдгорликлар ҳамда табиий-антропоген (маданий) ландшафтлар, айниқса, кенг талқиндаги экотурлар учун хосдир.

Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда машғулотлар хусусиятига қараб, шартли равишда илмий, танишув ва рекреацион туризм фарқланади.

Farb давлатларида рекреация туризми нисбатан кенг тушунча бўлиб, у туризмнинг бир қисми сифатида қаралади. Ҳақиқатан ҳам, рекреацион машғулотлар – кенг спектрдаги қисқа муддатли машғулотлар сифатида давомийлиги бир суткадан кам бўлади ва БТТ томонидан қабул қилинган тариф доирасига тушмайди.

Илмий туризмга эса олимларнинг экспедициялари, талабаларнинг ёзги дала амалиётлари ва бориладиган минтақада ахборотлар тўплашга йўналитирилган бошқа саёҳатлар тегишли бўлади. Илмий туризмнинг умумий экотуристик оқимдаги улуши нисбатан кам бўлса-да, бироқ унинг роли етарлича катта бўлиши мумкин. Хусусан, илмий туризм кам ўрганилган районлар ва объектлар ҳақидаги ахборотларни сезиларлича тўлдирилишга имкон беради. Олинган ахборотлар нафақат фанни ривожлантириш учун, балки минтақада истиқболда экотуризмни барқарор ривожлантиришда фойдали бўлиши мумкин. Туризмнинг ушбу шакли турли мамлакатлар ўртасида илм-фан ва таълим соҳасида алоқаларни кенгайтириш, хайрия жамғармалари ва халқаро лойиҳаларни амалга оширишга асос бўлади. Айрим хорижий давлатларда муҳофаза қилинувчи ҳудудларда дала тадқиқотларини ўтказишида юқори малака талаб қилмайдиган оддий турист-волонтерлардан фойдаланилади. Масалан, Коста Рика бўйича сафарда кўпгина экотуристлар ноёб тошбақаларнинг уялари, яшайдиган жойларини карталаштириш, кушлар ва сут

Омизувчиларнинг сонини ҳисоблаш, муҳофаза қилиш билан шугулланадилар.

Танишув экотуризми — бу «экотуризмнинг классик кўринишидир». Унинг турларидан бири қушларни (бердвотчинг - инг. birdwatching), китларни ёки экзотик капалакларни кузатувчилар, ботаник экспедициялар, археологик, этнографик ва палеонтологик саёҳатлар, экосафарилар, видео ва фотосуратга тушенишни севувчилар кабиларни ўз ичига олади.

Рекреацион туризмнинг асосий мақсади табиатда дам олиш саналади ва у муайян танишув мақсадларини ҳам ўз ичига олади. Бундай туризм саргузашт туризмининг бир кўриниши сифатида ҳам актив ва пассив ҳам бўлиши мумкин. Актив шаклига пиёда юриш, отда, тұяда ва чанғида юриш, альпинизм, спелеотуризм, тог ва сув саёҳатларининг кўпигина турлари (катамаранларда ва плутларда сузиш, байдарко, каноэ ва х.к.), рекреацион туризмнинг пассив шаклларига эса палаткали лагерларда дам олиш, яқин масофага походлар ва сайд қилиш, табиат кўйнида овқатланишлар киради. Шунингдек, пассив рекреацион экотуризм экологик барқарорлик шароитларида балиқ овлаш, табиат инъомларини йигиш кабиларни ҳам қамраб олади.

Экотуризмнинг турли шакллари ва турлари, улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни қўйидаги 1.2.1-расмдан кўришимиз мумкин бўлади.

Экотуризмнинг барча хилма-хилликларини 2 та асосий синфга ажратиш мақсадга мувофиқ. 1.2.1-расмга кўра, экотуризм табиатга йўналти-рилган туризм синфига киради ва шунинг учун ҳам, экотуризмни аниқловчи мезонлар ишбилармонлик, конгресс ва бошка турлардан фарқ қиласи:

- Махсус муҳофаза қилинадиган ҳудуд (ММҚҲ)лар (акваторий) чегараларидаги ва «ёввойи» бузилмаган ёки кам ўзгарган табиат шароитидаги экотуризм. Бундай турларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш экотуризмнинг классик йўналиши бўлиб, бундай турлар экотуризмнинг тор доирадаги моҳиятига тегишли, «австралия» ёки «шимолий-америка» моделлари ҳисобланади.

- ММҚҲ ва акваторийлар чегараларидан ташқаридаги, маданийлашган ёки маданий ландшафт (кўпинча, қишлоқ хўжалиги) доирасидаги экотуризм. Турларнинг бундай тоифасига экологик йўналтирилган турларнинг жуда кенг доирасини, хусусан, агротуризмдан тортиб, то катта лайнердаги круизгача киритишимиз

мумкин ва бу экотурларни «немис» ёки «ғарбий европа» моделига хос ҳисобланади.

Демак, экологик турларни бир қатор белгилари бўйича таснифлашимиз мумкин, жумладан, ҳаракатланиш усулига кўра, иштирокчилар таркибига кўра, давомийлигига кўра, туристлар яшайдиган мамлакат чегарасига нисбатан. Бироқ, асосан, 2 та муҳим белгисига эътибор қаратиласди: экотур мақсади ва обьекти.

Ўз мақсадига кўра, экотурларнинг қўйидаги турлари фарқланади:


- «ёввойи» ёки «маданийлашган» табиатни экологик билимларни ўқитиш билан кузатиш ва ўрганиш;
- эмоционал ва эстетик мақсадларда табиат қўйнида дам олиш;
- табиий омиллар билан даволаниш;
- спорт ва саргузашт мақсадларидаги турлар.

Асосий обьекти, турнинг мазмуни, унинг ташкил қилиниши шакли бўйича экотурларнинг қўйидаги турлари фарқланади:

- ботаник, зоологик, геологик ва шунга ўхшаш турлар;
- экологик-этнографик ёки археологик, экологик –маданий турлар;
- агротурлар;
- спелеологик, сув, тоғ турлар ва ҳ.к.

Экологик турларнинг мақсади ва обьектлари ўзаро боғлиқ бўлиб, ҳар иккита белгини ҳам мутлоқ мустақил белгилар деб санаб бўлмайди, чунки айрим экотурларда, кўпинча, мақсад ва обьектлар ўзаро қўшилиб, уйғунлашиб кетади. Шундай бўлса-да, экотурларнинг ҳар бир иштирокчиси унинг асосий белгилари ва хусусиятларини ажратиб кўрсатган ҳолда, турни у ёки бу турга таснифлаш мумкин.

Ниҳоят, экотурларнинг жуда аҳамиятли таснифи белгиларидан бири қатнашчиларнинг ёши ва соглиги даражаси саналади, чунки кўпгина мамлакатларда ногиронлар учун, муайян гуруҳдаги кишилар учун маҳсус турлар ташкил қилинади. Худди шунингдек, айнан ёш болалар учун экспедиция ва саёҳатлар, походлар, катталарга, қарияларга мўлжалланган, кичик ва катта гуруҳдаги иштирокчилар учун мўлжалланган экотурлар фарқланади (1.2.1-жадвал).



1.2.1-расм. Экотуризм турлари ва шаклланишининг ўзаро боғлиқлиги<sup>30</sup>

<sup>30</sup> Ушбу расм муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Мазкур таснифлаш жуда содда ва қулай бўлиб, кўпгина, асосий экотурлар барча хусусиятлари билан ушбу таснифга мос тушади.

Шунингдек, экотурларнинг ташкил қилиниши ва режалаштирилиши бўйича ҳам бир қанча турлари фарқланади, хусусан, биринчи синфдаги экотурларда туристларнинг ММҚҲлардаги режим асосида хуљат-автор қоидаларига риоя қилинишини назорат қилувчи профессионал гидлар иштироки талаб қилинса, иккинчи синфдаги экотурларда ҳаммага маълум чекловларгагина амал қилиниб, туристлар бироз эркин бўлади ва гидлардан ҳам жуда юқори малака талаб қилинмайди.

### 1.2.1-жадвал

#### Экотурларнинг иерархик таснифи<sup>31</sup>

Иерархик даражা	Таснифлаш мезонлари
Йўналиши	Табиий йўналтирилган (техник имкониятлилик, иқтисодий жиҳатдан маъсадга мувофиқлик, экологик қулайлик)
Синфлари	1. ТМҚҲлар чегараларида «ёввойи табиат» даги экотурлар 2. ТМҚҲ лар чегараларидан ташкарида маданий ландшафт маъонидаги экотурлар
Турлари	1. Асосий маъсадига кўра 2. Асосий объектига кўра
Шакллари	1. Иштирокчиларнинг ёшига кўра (болалар, катталар ва қариялар) 2. Уларнинг саломатлик ҳолатига кўра (имконияти чекланган ва чекланмаганилар) 3. Гурухлар сонига кўра (кичик, ўрга ва катта гурухлар) 4. Иштирокчиларнинг жинсига кўра (аёллар ва эркаклар)

Бундан ташкари, биринчи синфдаги экотурларда ўта юқори туристик инфратузилма, жойлаштириш воситалари билан туристларга хизмат қилинса, иккинчи синфдаги экотурларда нисбатан юқори ва қулай даражадаги воситалар билан амалга оширилади. Тарькидлини лозимки, кўпгина мамлакатлада, жумладан, бизнинг Ўзбекистонда ҳам алоҳида якка, марказлашмаган экотур шакллари ҳам кенг тарқалган бўлиб, масалан, спорт ва сафари-турлари антиэкологик турлар бўлиши мумкин.

<sup>31</sup> Коростелев Е. М. Практикум по экологическому туризму: учебно-метод. пособие. – СПб., 2008. Ушбу кўйламанинг 12-бетица келтирилган А.Н.Проздовининг 2005 йилда таклиф кираган таснифи асосида муаллиф томонидан такомиллангирилган

Ууман айтганда, экотуризмнинг ривожланишида кейинги йилларда бир қанча тенденциялар кузатилади. Бир томондан, экотуризм борган сари хилма-хиллашиб, тобора янги турлари пайдо бўлмоқда. Бошқа томондан эса, туризм саноатининг бошқа тармоқлари билан уйғунлашув ўсмоқда. Тор доирадаги классик табиатни муҳофаза қилиш экотуризми тарафдорлари экотуризмнинг ТМҚҲ доирасидан чиқади, маданий ланшафтлар, ўз навбатида, оммавий «курорт» ёки «экскурсион» туризмда экологик туризмнинг янги элементлари пайдо бўлди, масалан, миллий боғлар на бошқа табиий ҳудудларга қиска муддатли ташрифлар шулар жумласидандир.

Экотуризмнинг ижтимоий-иктисодий аҳамиятига мисол сифатида Канадада ҳар йили ёввойи табиатга ички туризм ЯИМнинг 25 фойзини ташкил қилишини, табиий туризмдан ҳукумат 1,7 млрд. доллар солиқ олишини ва бу ҳукумат томонидан ёввойи табиатни муҳофаза қилиш учун сарфланадиган маблағдан 5 марта кўп эканлигини, яъни табиий туризм табиатни муҳофаза қилиш тадбирларида салмоқли молиявий маблағ манбайи эканлигини<sup>32</sup>, Дес Волканс номли Руандадаги миллий парк горилаларни саклаб қолиш ва мамлакатга қаттиқ валюта олиб келишда экотуризм З-ўринли манбага айланганлиги, БМТ ва БТТ томонидан кейинги 20 йилда ривожланётган мамлакатларга экотизимларни, бой флора ва фаунани кузатиш учун туристлар оқимининг ошиб боришини, Кения, Эквадор, Коста-Рика, Непал каби кичик давлатларда экотуризм қаттиқ валютадаги даромад олишнинг энг асосий манбаси эканлигини айтишимиз мумкин<sup>33</sup>.

Таъкидлаш керакки, экотуризмнинг ижтимоий афзалликлари ҳам жуда катта. Масалан: янги иш ўринларининг яратилиши, экологик таълим, аҳоли маданият даражасининг ошибиши, инфратузилма тармоқларининг ривожланиши, қолоқ ҳудудлар иқтисодиётининг кўтарилиши. Бундан ташқари, экотуризмнинг ижтимоий афзалликларига табиатни муҳофаза қилишнинг турли жиҳатларини мисол келтириш мумкин. Чунончи, ривожланётган давлатларда экотуризм кам самарали қишлоқ ҳўжалиги, ов, фойдали қазилмалар қазиб олиш, оммавий курорт туризмини ривожлантириш каби соҳаларга муқобил сифатида ривожланиши мумкин. Экотуризм иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига, хусусий

<sup>32</sup> Fillion, 1992: <https://ecodelo.org/3294-16>

<sup>33</sup> Whelan, 1991: <https://ecodelo.org/3294-16>

тадбиркорлик соҳасининг ривожланишига ҳам кучли таъсир кўрсатади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра, экотуризм маҳаллий ва минтақавий иқтисодиётни диверсификация қилиш воситаси, даромаднинг нобарқарор манбаси (чунки, сиёсий вазият ўзгариши туристлар оқимиға жиддий таъсир қиласди), табиий оғатлар, валюта курси ўзгаришларига жуда таъсиричан, мавсумий тавсифга эга, инфратузилмаларнинг йил бўйича тўлиқ ишлашини таъминламайди, албатта, йил 12 ой мавсум бўладиган худудлар бундан мустасно. Бироқ туризм маҳаллий ахоли учун асосий машғулотига тўлдирувчи сифатида муваффақиятли қўлланилиши мумкин .

Шунингдек, туризм мультиплекатив самараға эга бўлиб, ундан олинган дастлабки даромадлар маҳаллий иқтисодиётнинг барча соҳаларини харакатга келтиради. Масалан, туристик автобус ҳайдовчиси ёки сувенир сотувчи ҳунарманд топган пулини бензин, озиқ-овқат сотиб олишга сарфлайди ва иқтисодий фаолият спиралсимон кечади.

Албатта, бунда нисбатан паст ривожланган мамлакатларда валюта оқиб кетиши юқори бўлиб, ривожланган мамлакатларга яна валюталар қайтиб кетади. Жаҳон банкининг маълумотларига қараганда, ривожланган мамлакатларда туризмдан олинган ялпи даромаднинг 55-60 фоизи яна шу давлатларга қайтиб беради. Таъкидлаш жоизки, Жаҳон ресурслар институтининг баҳолашларига кўра, Зимбабве, Непал ва Аннапурна ҳудудларида табиий туризмдан келган даромаднинг атиги 10 % гина қолади, холос.

Шунинг учун ҳам, кўпгина давлатларда мана шу даромадларни сақлаб қолиш, мамлакатдан чиқиб кетишининг олдини олиш бўйича хусусий корхоналар томонидан ердан фойдаланганлик учун турли соликларни, тўловларни жорий қилиш, фаолият олиб бориш учун лицензияларни аукцион усулида сотиш каби бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тахлилларга кўра, экотуристлар инсон оёғи етмаган жойларда ёввойи табиатдан уйғунликда баҳраманд бўлиш, қолоқ шароитларга тушиб кўриш, ҳар кунги шовқин сурон-شاҳар шароитларидан узоклашишни исташади.

Экотуризм маҳаллий ахоли турмуш даражасини оширади, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига мультиплекатив самара кўрсатади, хусусан, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги, енгил

саноат, курилиш материаллари саноати ва ҳ.к. Бирок айрим мимлакатларда бой-бадавлат туристларнинг келиши маҳаллий товар ва хизматларнинг баҳоларини ошириб юборади. Бунинг ўринини янги яратиладиган иш ўринлари, инфратузилма обьектлари на пул тўловлари қоплади. Бирок маҳаллий аҳоли тобора қилишоқлашади, ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмаса, туризм ривожланишига нисбатан салбий муносабат шаклланиши ҳам мумкин.

Туризмдан бирламчи ва иккиласми даромадларни иқтисодиётнинг турли субъектлари ва секторлари олиши мумкин. Шунинг учун ҳам, бирон ҳудуд ёки минтақада экотуризмни ривожлантириш режалаштирганда кайси кишилар гурухи учун даромадлар ошиши ва қайслари учун камайиши мумкинлигига утибор қаратиш керак. Чунки янги даромадлар маҳаллий шхолининг даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириши ёки иксинча, мавжуд тенгсизликни янада чуқурлаштириши мумкин. Масалан, ҳалқ хунармандчилиги буюмларини жойида ишлаб чиқарувчи 8 нафар маҳаллий хунарманд аҳоли Коста-Риканинг Монтерверде кўриқхонасида 90-йилларда арзимаган кичик микдорларда савдони бошлаб, иилига 50 минг АҚШ доллари микдорида даромад оладиган даражага чиқишиган<sup>34</sup>.

Экотуризмнинг афзал томонларидан яна бирини маҳаллий аҳоли міданий онг даражасининг ижтимоий ва маданий трансформациялашуви, учинчи дунё мамлакатлари эътибори қаратилиши ҳисобланади.

Экотуризмни ривожлантиришнинг янги стратегияси қишлоқ ҳўжалиги, туризм ва табиатни муҳофаза қилиш манфаатларини уйғунлаштиришдан иборат. Фермер ва деҳқонлар томонидан ишлаб чиқариладиган экологик тоза сут ва пишлөқнинг хилма-хил турлари, колбаса маҳсулотлари туристлар учун алоҳида эътиборга молиқдир. Фермерлар нафақат ўз маҳсулотларини сотади-лар, балки ўз уйларини кичкина пансионат, қулай ва шинам квартиралар сифатида меҳмонларга ижарага бериб, туризмдан оладиган даромадларини

2-3 марта гача оширадилар.

Экотуризмни ривожлантиришнинг мавжуд тажрибаларидан келиб чиқкан ҳолда, куйидаги ижобий иқтисодий ва шу билан

<sup>34</sup> K. Ziffer. Ecotourism: The Uneasy Alliance. 1990.: [https://ecodelo.org/3294-16\\_ekoturizm\\_kak\\_mirovoe\\_yivlenie-ekologicheskii\\_turizm\\_kak\\_sovremennoyaya\\_ideologiya\\_puteshestvi](https://ecodelo.org/3294-16_ekoturizm_kak_mirovoe_yivlenie-ekologicheskii_turizm_kak_sovremennoyaya_ideologiya_puteshestvi)

бирга, ижтимоий вазифа ҳамда афзалликларини келтириб ўтишимиз мумкин:

1. Маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш;
2. Табиатдан фойдаланишнинг анъанавий шакллари, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
3. Табиатни муҳофаза қилиш билан бирга, инфратузилмага ва сервисга инвестициялар киритиш;
4. Маҳаллий аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиши, туристик ва табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган қасбларни ўзлаштириш билан боғлиқ маҳсус таълимнинг ривожланиши;
5. Ҳунармандчилликнинг ривожланиши;
6. Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ривожланиши;
7. Маҳаллий яшовчиларнинг ман-фаатларини инобатга олган ҳолда ривожланиш режаларини шакллантириш.

Юқоридаги санаб ўтилган афзалликлар билан бирга, экотуризмнинг ўзига яраша салбий жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар бевосита ва билвосита таъсиrlарга ажратилади. ТМҚҲларда экотуристлар оқимининг қўпайиши, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш, меҳмонхоналар қурилиши маълум даражада табиий муҳитга, ёввойи ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига салбий таъсиr кўрсатади.

Шунингдек, табиий туризмнинг салбий оқибатлари Цебаллос-Ласкурейннинг ишларида куйидагича таснифланади: геологик формацияларга сал-бий таъсиrlар<sup>35</sup>; тупроқ<sup>36</sup>; сув ресурслари<sup>37</sup>, ўсимлик дунёсига<sup>38</sup>, ёввойи ҳайвонларга салбий таъсиrlари<sup>39</sup>;

<sup>35</sup> Petrified Forest National Monument «Тошга айланәтган ўрмон» номли АҚШнинг Аризона штатида «сувснр овчиларининг, яна бир Рокланд Давлат парки номли (Rockland State Park) худудда туристлар минералларни коллекцияларни келишади учун 100 та жойнинг ажратиб берилиш каби тадбирлар сабабли сувснр сифатида кўлгина конлардан ноеb сталактит каби минералларнинг қазиб олиниши;

<sup>36</sup> туризм инфратузиласи объектлари қурилиши учун тупроқ кўчириш, олиб ташлаш ишлари, сўкмок, йўллар ва майдончаларда палаткалар қуриш учун тупроқни кукун даражасигача майдалаш, кирок худудлари, горлар, йўлларда турист оқимининг хаддан зиёд кўлгига, отда, машиналарда юриш сабабли тупроқнинг зинчаниши, унумдор катламишининг йўқолиши, тупроқ эрозияси, эвтрофикацияси ва ҳ.к.

<sup>37</sup> сув сифатининг, таркибининг бузилиши, сув қозида турли ёт жисмларнинг қалқиб юриши натижасида қайнотларни сувининг қийинлашувчи, кўлмаклар ҳосил бўлиши, паразитар қасалликларнинг таркалиш ханфи, сувга турли тозалочи хлор ва башка кимчёвий моддаларнинг ташланини натижасида сув остидаги флюор ва флуорининг қиринини ва ҳ.к.

<sup>38</sup> ўсимликлар турлирининг, зичигининг, манзарасининг бузилиши, кесилиши натижасида уларда яшониҳи ҳайнопларнинг кўнч кетини ва ҳ.к.

<sup>39</sup> турлистарнинг куни ва бонни қайнотларнинг рўйхатга олиш, расмiga олиш учун улар ҳудударига жуда яхин мисофилирга оммийн «боистирик қиринлари» уларни уя қуриш, кўпайиш, таркалиши, овқатланиши жарнисирига салбий таъсиr қилини Айнеке, ТМҚҲларга инсонларнинг ташрифи, радиоприёмник, уяли алоқи телефонлари, ертакчишар, моторни қайнотиши ва автотранспорт воситалари, уларни сунъий овқатлантитрига уришишлар, ҳайнопларга берилган озиқ-овқат, айниқса, гўнгут маҳсулотларнинг бузилиши

санитар шарт-шароитларнинг<sup>40</sup>; ландшафт эстетик хусусиятлари-нинг ўзгариши<sup>41</sup>; маданий муҳитга салбий таъсиirlар<sup>42</sup>.

Баъзан экотизимлар мураккаблиги туфайли туризмнинг таъсирини узоқ муддатли кумулятив таъсиirlар сабабларини тиңиқлаш қийин бўлади. Шунинг учун, республикамиз ва минтақаларда экотуризмни ривожлантиришда туризмда табиий ресурсларни исроф қилмасдан, бузмасдан фойдаланишини режалаштириш, экологик ресурсларни бошқариш, салбий таъсиirlарини юмшатиш ёки йўқотишни илмий-амалий жиҳатдан ўрганишимиз зарур.

Демак, агар туризм атроф-муҳитга зиён етказса у том маънодаги экотуризм таърифига мос келувчи туризм бўлмайди. Чунки, ҳақиқий экотуризм табиатни муҳофаза қилувчи қудратли поситалардан бири ва унинг асосий вазифаси — табиатга қилинадиган саёҳатларнинг салбий таъсиirlарни камайтириш ва инфазалликларини оширишдан иборат.

### 1.3. Экотуризмни ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси

Кейинги 20 йил давомида туризм саноати даромадлари ва туристлар сони бўйича ҳам барқарор ўсишга эришиб, дунёning деярли барча минтақаларида иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик аҳамият касб этмоқда. Жаҳонда ҳалқаро туризм ривожланишида ҳали ҳам ЕИ, Американинг саноати ривожланган давлатлари пешқадамлик қилгани ҳолда Шарқий Осиё ва Тинч Оксани худудида, Жанубий Осиё, Африка ва Яқин Шарқда бир неча туристик йўналишларнинг ўсиш суръати жуда тез ва бу ҳудудлардаги бир неча давлатларда эса жуда юқори ҳисобланади. ИХТ давлатларининг жаҳон туризм бозоридаги улуши 9,4 фоизни

спублика касалликларнинг тарқалиши, ҳайвонларнинг ўлиши, онасидан болаларини ажратиб олишлар, ёнини хайвонлар, күшлар ва йирик сут эмизувчилар, баликлар ва бошқа сув ости ва усти хайвонларининг кулк-атвorigа жуда ёмон таъсиirl килади, улар суткалик харакат ва овқатланиш рационини, тухум қўйиш жойбилиарни ўзgartириб юборишади.

<sup>40</sup> бир марталик стаканлар, цеплофан пакетлар ишлатилиши оқибатида чикинди ва ахлатлар кўпайиши, чинкилиларни кўміш ёки ёкиш натижасида ер таркиби, табиий сув ва ер усти хавзаларининг иғлосланиши.

<sup>41</sup> йўл атрофларида кожатхона когози, консерва банкалари, цеплофан пакетлар, баклажжаларнинг ахлатни чикинди уломларининг тўпланиб колиши, ТМҚҲларда дарахтлар пўстложларининг кесилиши, дарахт ва куяларга йўйб, ёзувлар ёзиш, бино ва ишошотларга зиён етказилиши натижасида туристларнинг таассурот-шари монишашиб, масзур ҳудудларга боргиси келмай колади

<sup>42</sup> умуман олганда, туризмнинг экотизимларга таъсиiri бир катор омилларга боғлиқ, жумладан, туристлар сони, уларнинг бўлиш давомийлиги, фаoliят тавсифи, муайян ҳудудларнинг экологик кусусиятлари, ўсимлик ва хайвонлар хайтий циклининг қайси боскичидаги ташриф амалига ошмоқда ва х.к.

ташкил қиласада, күп давлатлар мавжуд туристик салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. ИХТга аъзо давлатлардан Малайзия, Туркия, Миср, Тунис, Индонезия, Марокашгина нисбатан туристик фаоллиги юқори саналади.

Ўзбекистонда ҳам туризм секторини ривожлантириш ва иктисадиёт-нинг стратегик соҳасига айлантириш мамлакатимиз ва минтақалар учун энг юқори устувор долзарб масалалардан саналади. Айниқса, экотуризмни ривожлантиришда илғор хорижий тажрибаларни ўрганишимиз ва улардан республикамиз шароитида самарали фойдаланиш зарур. Шу сабабли, тадқиқотда динимиз, маданиятимиз яқин бўлган Миср ва Туркиянинг экотуризмни ривожлантириш бўйича тажрибаларига тўхталиб ўтамиш.

Миср Араб Республикаси – Араб давлатлари орасида етакчи, тарихи ва маданияти жуда бой бўлган ноёб давлатdir. Африка китъасидаги аҳоли сони бўйича энг катта давлат ҳисобланади. Миср Африканинг шимолий-шарқий қисми ва қисман Осиё (*Синай ярим ороли*)да жойлашган давлат. Майдони 1001,4 минг  $\text{km}^2$ . Аҳолиси 69,5 млн. киши. Пойтахти – Қоҳира шаҳри. Истроил, Фаластин, Судан, Ливия давлатлари билан чегарадош. Миср шимолида Ўрта Ер денгизи, шарқида Қизил денгиз жойлашган. Аҳолиси Нил дарёсининг бўйида истиқомат қиласди ва ер майдонининг 95 фоиздан ортиқ қисми саҳрордан иборат. Шундай оғир шароитга қарамасдан, бутун дунёдан ташриф буюрадиган туристлар сони бўйича Африкада етакчи ҳисобланади. Миср ҳудудининг деярли ҳаммаси чўл зонасида жойлашган. Шундан факат 3,5 % (35 минг  $\text{km}^2$ ) Нил дарёси дельтаси ва водийсига тўғри келади. Рельефи ва геологик тузилиши жиҳатидан Миср ҳудуди шартли равишда 4 зонага бўлинади: 1) *Ливия чўли*; 2) *Арабистон чўли*; 3) *Синай я.о.*; 4) *Нил дарёси ва водийси ва дельтаси*.

Мамлакатнинг катта қисмida ҳаво куруқ ва кам булутли, тропик континентал чўл иқлими, ёғин аҳён-аҳёндагина ёғади. Мамлакатдан биргина Нил дарёси ўтади ва сизот сувлар, майда кўллардан, Нил дельтасида каналлардан сугоришда фойдаланилади. Миср ҳудудининг катта қисми сувсиз ва ўсимликсиз чўллар бўлиб, асосан бутасимон ва ўт ўсимликлар кенг тарқалган. Нил водийсида, асосан, маданий ўсимликлар, Ўрта денгиз соҳилларида чўл пиёзи, наъматак, янтоқ экилади. Ҳайвонлардан судралувчилар, жумладан, калтакесак кўп. Чўлларда чия-бўри, тулки, сиртлон, Нил бўйида фоз, оқкур, ўрдак, шунингдек, йиртқич қушлар бор.

Аҳолисининг 98 % мисрлик араблар бўлиб, греклар, арманлар, италянлар, инглизлар, французлар ҳам яшайди. Аҳолининг 43,9 фоизи шаҳарларда истиқомат қиласди ва энг йирик шаҳарлари Қохира, Искандария, Порт-Саид, Исмоилия, Танта, Сувайш, Ал-Мансура, Даманхур, Ал-Махаллат-ул-Кубро саналади.

Мисрда туризм асосий даромад келтирувчи соҳа бўлиб, XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб давлат томонидан ушбу тармоқни ривожлантириш учун катта аҳамият қаратилди ва инвестицияларнинг асосий улуши немис тадбиркорларига ҳисобига тўғри келди. Натижада 90-йилларнинг бошларига келиб, туризмдан келадиган даромад Сувайш каналида кемалардан тушадиган даромаддан ошди ва 2 млрд. АҚШ долл.ни ташкил қилди.

Денгиз соҳилидаги Шарм аш-Шайх, Хургад ва бошқа курорт шаҳарларида курорт мажмуалари интенсив равишда қурилган ва модернизация қилинган бўлиб, дайвинг, серфингни севувчилар учун жуда мароқли. Мисрда қадимги Миср, христианлар ва ўрта асрларда араблар цивилизациясиларидан мерос қолган ёдгорликлари мавжуд. Туристлар Қадимги Миср эҳромлари, Гиза пирамидалари, Шоҳлар водийси, Фиръавнлар эҳроми Ўрта асрлар ёдгорликлари, яъни Ислом ва Кўҳна Миср.

Экотуризм кенг қамровли инфратузилмани талаб қилмайдиган, туризмнинг бошқа турларига караганда кичик аммо тез ўсиб бораётган бир ҳаракат ва атроф-муҳитга катта таъсир кўрсатади. Миср туризмининг деярли 75 фоизи асосан Синайда ва Қизил денгизда дам олишга эътибор қаратилган.<sup>43</sup>

Миср Туризм вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган туризмни ривожлантириш стратегиясида экологик жиҳатларга эътибор қаратилган. Ушбу стратегия Мисрнинг ноёб ёдгорликлари билан бир қаторда экотуризм ресурсларини ҳам ҳимоя қилишга қаратилганлиги катта аҳамиятга эга. Туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига Акаба кўрфазининг қирғоғи, Хургададан Қизил денгиздаги Сафагагача, Нил қирғоқларидаги Соҳагдан Асуанагача бўлган ҳудудлар ва яхта туризми киради.<sup>44</sup>

<sup>43</sup> Smits, R., & Shousha, N. (1998). Egypt's Red Sea Resorts...trends and Opportunities ... Retrieved from [http://www.hotel-online.com/Trends/Andersen/1998\\_EgyptResorts.html](http://www.hotel-online.com/Trends/Andersen/1998_EgyptResorts.html)

<sup>44</sup> Wahab, S. E. A. (1997). Tourism development in Egypt: Competitive strategies and implications. In C. Cooper & S. Wanhill (Eds.), *Tourism development: Environmental and community issues*. London: John Wiley & Sons.

Мисрда 1280 км.лик маржон қоялар мавжуд ва уларнинг кўпчилиги Қизил денгиз ҳудудида жойлашган бўлиб, ҳудуд катта биохилма-хилликка эга. Масалан, факат Хургада ҳудудига ҳар йили 600000 атрофида сайёҳ сув остига тушиш учун ташриф буюради. Денгиз сохили ресурслари, маржон қоялар умумий мулк бўлиб, дайвинг ҳудудларга кириш учун восита сифатида қаралмоқда. Шу сабабли, маржон қоялар ва унга боғлиқ жойларни кўриқлаш, рекреацион фаолиятни самарали бошқариш учун экологик сиёсатни ишлаб чиқиши зарурати пайдо бўлди. Ҳозирги кунда Миср ер майдонининг 9 фоизида 23 та кўриқланадиган ҳудудни ичига олган табиий резерватлар мавжуд ва яқин йилларда яна 17 та табиий ҳудудни ташкиллаштириш кутилмоқда. Кейинги йилларда бир қатор тарихий ёдгорликлар қазилган ва қайта тикланган жойларда бир неча миллий парклар ва кўриқланадиган ҳудудлар очилди. Кўпчилик маҳаллий туроператорлар жуда кўп ҳар хил табиий маҳсулотлар, саргузашт ва спорт туризми, балиқ ови ва овга чиқишини таклиф қилмоқда. 1983 йилда Рас-Мухаммад Миллий парки (РММП ТМҚҲ) сифатида эълон қилиниши Хургада-Сафага ҳудудида экологик яхшиланиш Жанубий Синайда табиатни муҳофаза қилиш сиёсати ва фаолиятига нисбатан секин ривожланишини бошлади. №102/1983 қонуни билан ҳимоя қилнадиган Гебель-Эльба муҳофаза қилинадиган ҳудуди билан боғлиқ Хургаданинг соҳил ҳудудидаги қоялар тизими мавжуд еттита орол мавжуд.<sup>45</sup>

Туркия Республикаси – Осиёнинг гарбий ва Европанинг жанубий қисмida жойлашган. Пойтахти – Анқара шаҳри. Давлат тили – Турк тили. Майдони — 783,562 км<sup>2</sup>. Аҳоли сони – 81 млн. киши. Греция, Болгария, Грузия, Арманистон, Эрон, Суряя, Ироқ давлатлари билан чегарадош. Шимолий қисмини Қора, жанубини Ўрта ер денгизи, гарбини Эгей денгизи сувлари ювиб турса, Мармар денгизи, Босфор ва Дарданелл бўғозлари орқали мамлакатнинг Европа ва Осиёдаги ҳудудлари ажralиб туради. Истанбул, Анқара, Измир, Адана, Бурса, Коня, Антalia. Истанбул – туризмнинг йирик марказларидан бири. Унга милоддан аввалги XII асрда асос солинган. Дастлаб Рим империяси пойтахти бўлган. У пайтда Константинопол деб ҳам юритилган. Ҳозирги номини 1930-йилда олган. Шаҳарда муқаддас София музейи, ажойиб

<sup>45</sup> Mohammed I. Eraqi. Ecotourism resources management as a way for sustainable tourism development in Egypt // Tourism Analysis, 2007, Vol. 12, pp. 3

масжидлар бор. Византия ва мусулмон архитектураси ёдгорликлари кўп.

Асосий дарёлари – Ёшил, Ирман, Дажла, Фрот, Аракс, Чорах. Үрмонлар 15% майдонни эгаллайди. Унда қайрағоч, арча, сарв дарахти, эман, граб ва буталар ўсади. Ҳайвонлардан буғу, олмахон, ёввойи чўчка, бўри, чиябўри, айик, тоб эчкиси, сиртлонлар яшайди. Қушлардан қарға, бургут, лайлак, қалдирғоч ҳамда илон ва калтакесаклар кенг тарқалган.

Туркия табиати ниҳоятда рангбаранг ва жозибадор. Рельефининг аксари тоб ва ясситоғлик; шим. ва жан. соҳилларга параллел равишда ястанган тоб тизмалари орасида кенг ва очик текислик, қир, кўл, плато ва дарёлар мавжуд. Шим.да Қора денгиз соҳилига ёндош равишда Шим. Анадолу ясситоғлари, жан.да Торос тоглари, Мармар денгизи томонда Сомонли, Улутог, Истронжа ва Текиртоғлар, эгей денгизи томонда Қозак, Юнт ва Ойдин тоғлари, Ўрта Анадолуда Кизилтоғ, Раман ва Сўф тоғлари, Шарқий Анадолуда Ағри тоғлари (бу тобда Т.нинг энг баланд нуқтаси бўлган Буюк Ағри чўққиси — 5137 м) қад кўтарган.

Кейинги 20 йилда Туркия иқтисодиётида туризм алоҳида пхамиятга эга тармоқлардан ҳисобланади. Ушбу соҳада 2 млн.дан ортиқ киши банд бўлиб, жаҳонда туристлар орасида оммавийлиги бўйича 6-ўринда туради.

Туркия қиргокларини тўртта денгиз ювиб туриши, хизматлар соҳасини ривожлантириш учун барча шароитлар мавжуд, денгиз соҳилларида Ўрта Ер денгизининг субтропик иқлими (соҳил узунлиги 7200 км, 355 пляж), 700 минг ўринли 2870 та меҳмонхона, термал манбаларнинг сони бўйича Европада 2- ва жаҳонда 7-ўринда туради (1300); кўп сонли диққатга сазовор жойларининг мавжудлиги (*Афсонавий Троя қалъаси каби қадимги Юнон ва Рим шаҳарлари, Византия ва Усмонийлар давридаги ёдгорликлар*). Ривожланган транспорт тармоғи мамлакат ичида исталган жойга кулагай бориш имкониятини беради. Туркияда экотуризмни ташкил қилиш бўйича илк қадамлар 1956 йилда чиқсан Ўрмон Қонуни асосида кўйила бошланди. Бу қонун асосида бир неча резерватлар, миллий парклар ташкил этилди.

**Туркия Маданият ва Туризм Вазирлиги экотурзим билан  
боглиқ лойиҳалари (Байкал вд, 2011)**

<b>Лойиҳалар</b>	<b>Мазмуни</b>
Хужум лойиҳаси	Лойиҳа 1989 йили бошланган ва Егей ва Оқденгиз кирғоқларида шаҳар ва қишлоқларни инфратузилмасини ривожлантириш, кейинчалик соҳилда янги йўналишларни очиш мақсадида ишлаб чиқилган. Лойиҳа 2020 йилга якунланиши режалаштирилган.
Мовий байроқ лойиҳаси	Мовий байроқ табиатнинг сайдёхлар учун зарур стандартларга эга бўлган замонавий пляжларни ва портларни барпо эти учун иномидир. Бу туризмни ривожлантириш учун катта имконият хисобланади.
Плато туризм лойиҳаси	Шарқий Кораденгиз ва Оқденгиз соҳилларида бугунга кадар 26 та яйла «Плато туризм маркази» очилган.
Тоғ табиатига юриш лойиҳаси (Трекинг)	Тоғ табиати салоҳиятидан режали равишда туристик мақсадларда фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқилган.
Сув туризми (каное-рафтинг) лойиҳаси	Чорух дарёси, Кўпприкчай, Манавгат дарёси, Дим дарёси, Алара дарёси, Адана Феке Кўксув, Заманти, Фирот дарёси ва бошқа дарё ва каналларда рафтинг, каное, кайик каби воситаларнинг кўлланилиши мақсад килинган.
Велотуризм маршрутларини ривожлантириш бўйича лойиҳа	Иқтисодиётни диверсикациялаш шароитида велотуризмни табиий спорт сифатида ривожлантириш ва тарғиб қилиниши мақсад килинган.
Табиатга отда чиқиши лойиҳаси	Кападокия, Кастаному, Антalia, Мугла каби худудларда ташкил килиш.
Гор туризми лойиҳаси	Торослар, Марказий Анадоли, Жанубий Анадоли, Фракия ва Шимоли-гарбий Анадоли каби худудлардаги юзлаб катта-кичик горларда илмий ва спорт туризмини йўлга кўйиш таклиф килинган.
Спорт балиқ ови	Саёҳат давомида сайдёхларнинг саёҳат қилиш давомийлигини ошириш мақсадида спорт ва рекреацион тур сифатида тарғиб килиш ва ташкил килиши режалаштирилган.
Орнитологик туризм	Туркия Рамсар конвенциясига аъзо бўлганлиги ва ҳалқаро аҳамиятга эга сувли ерларидаги күшларнинг учеб ўтиши, кўниши, кишлиши ва кўпайиши учун имкониятлар мавжудлиги сабабли Орнитологик туризмни ривожлантириш мақсад килинган.
Ботаник туризм	Туркияning ўсимлик оламининг бойлиги (Европада 12000 га яқин ўсимлик тури мавжуд, Туркияда эса бу кўрсаткич 9000 га яқин), туризмнинг бу турининг ривожлантириш учун имкон яратади.
Ов туризми	Туркияning ҳайвонот оламининг бойлиги ва ресурсларнинг кўплиги сабабли ов туризмини йўлга кўйиш мақсад килинган.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб Туркия иқтисодиётида ривожланиш стратегияси, 70-йилларидан иқтисодиётнинг

юксалиши, 80-йилларда туризм саноатининг ривожланиши натижасида ресурслардан меъёрдан ортиқ фойдаланиш, атроф-муҳитга зарар етказиш каби салбий оқибатлар юзага кела бошлади. Туркияда туризмнинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида табиатга ёрдам берадиган, унга зарар етказмайдиган ва унинг мақсади табиатни муҳофаза қилиш бўлган туризмнинг янги турларини (экологик, маданий, диний, тоғ, илмий туризм ва ҳ.к.) ёкотуризм ва маданий туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди.<sup>46</sup>

Туркия Маданият ва туризм Вазирлиги туризмнинг жозибадорлигини ошириш, соҳилларга бўлган босимни камайтириш, туризмни табиатга ва ривожланмаган ҳудудларга йўналтириш мақсадида бир неча лойиҳаларни амалга ошириган.

Бутун дунёдаги каби Туркияда ҳам ёкотуризмни МҚТҲларда ривожлантириш йўлга қўйилган. Туркияда МҚТҲ сони 358 та бўлиб, уларнинг майдони 995 417,56 гани ташкил қиласиди. МҚТҲлар майдони Туркия ҳудудининг 1,22 %ини ташкил қиласиди.<sup>47</sup> МҚТҲлар ёкотуризмни ривожлантириш учун жуда аҳамиятлидир.

### Туркиядаги МҚТҲлар

МҚТҲ	Сони	Майдони (га)
Миллий парклар	40	848 119
Табиий парклар	181	83 604
Табиат муҳофазасига олинган ҳудудлар	31	63 694
Табиат ёдгорликлари	106	0,560
<b>Жами МҚТҲ</b>	<b>358</b>	<b>995 417,56</b>

<sup>46</sup> Altan S., 2006; Türkiye'de Eko-Turizm Uygulamaları ve Ekonomiye Katkıları, Niğde Üniversitesi SBE, İktisat ABD, Yüksek Lisans Tezi.

<sup>47</sup> Akpinar E., Bulut Y., 2010; Ülkemizde Alternatif Turizm Bir Dalı Olan Ekoturizm Çeşitlerinin Bölgelere Göre Dağılımı Ve Uygulama Alanları, III.Uluslararası Karadeniz Ormancılık Kongresi.

## **II БОБ. ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

### **2.1. Қорақалпогистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ривожланишида туризмнинг ҳозирги ҳолати таҳлили**

Қорақалпогистон Республикаси Ўзбекистоннинг шимолигарбидаги, Амударёнинг қуви, Орол дengизининг жанубий қисмида жойлашган. Республика Қоракум ва Қизилкум саҳроларига тулашиб кетган бўлиб, умумий ер майдони 166,6 минг квадрат километрдан иборат. У худудининг катталиги бўйича Ўзбекистон Республикаси минтақалари ўртасида биринчи ўринда туради. Минтақа ер майдонларининг 80 фоиздан ортиғини кум барханларидан иборат чўл худудлари ташкил қиласди. Орол дengизининг қуриб бораётганлиги туфайли минтақа экологик талофат зонаси ҳисобланади.

Қорақалпогистон Республикасининг аҳолиси 1,75 миллион кишидан ортиқдир. Аҳолининг миллый таркибида ўзбеклар 38,1, қорақалпоқлар 35,7, қозоқлар 18,2, туркманлар 5,1, руслар 0,7, корейслар 0,4, татарлар 0,3 ва бошқа миллат вакиллари 1,5 фоизни ташкил қиласди.

Республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилмаси 15 та туман ва 1 та шаҳардан иборат. Минтақа Қозогистон (990 км) ва Туркманистон (784,1 км) давлатлари, Хоразм (263,2 км), Навоий (300 км) ва Бухоро (66 км) вилоятлари билан чегарадошдир. Унинг ҳудудидан ҳалкаро аҳамиятга эга магистрал темир йўллар ва автомобиль йўлларининг ўтганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Қорақалпогистон Республикаси туризм ва меҳмонхона хизматларини ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга. Ҳозирги вақтда республикада 48 та меъморчилик ва архитектура ёдгорликлари, 42 та монументал ва санъат ёдгорликлари ҳамда 3 та дикқатга сазовор жойлар (*Султон Увайс мемориал мажмуаси, Савицкий номидаги санъат музейи, Миздахкан архитектура мажмуаси*) ва 255 та археологик обидалар мавжуд. Бундан ташқари, Нукус шаҳрида 545 ўринли 15 та меҳмонхона фаoliyat

юритмокда<sup>48</sup>. Шунингдек, туманларда 12 та меҳмонхона ва «юрта» (қора уй)лар ишлаб турибди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, хозирги вактда миңтақанинг Қонлиқўл, Чимбой ва Кегейли туманларида меҳмонхоналар умуман мавжуд эмас. Элликкалья туманидаги Тупроқ қалъа (э.ав. I-IV асрлар), Аёз қалъа (э.ав. III-IV асрлар), Қирққиз қалъа (э.ав. III-IV асрлар), Бургут қалъа (VI-VIII асрлар), Амударё туманидаги Шилпик (I-IV асрлар), Хўжайли туманидаги Миздакхон мажмуи (III-IV асрлар) катта тарихий-маданий ва маънавий аҳамиятга эга. Шундай бой салоҳият мавжудлигига қарамасдан, республикада туризм ва меҳмонхона хизматлари яхши ривожланмаган.

Туризм ва меҳмонхона хизматларининг жами хизматлардаги улуши 0,1 фоизни ташкил этмоқда. Туризм хизматлари Нукус шахри, Беруний, Элликкалья туманларида йўлга кўйилган, холос. Миңтақанинг қолган туманларида, айниқса, Элликкалья, Кўнгирот, Гўрткўл, Хўжайли, Амударё туманларида туризмни ривожлантириш учун жуда катта салоҳият мавжуд ва улардан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Биз ушбу тадқиқотимиз давомида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш стратегияси асосида ишлаб чиқилган экотуризмни ривожлантириш бўйича SWOT-таҳлилини амалга оширдик (2.1.2-жадвалга қаранг).

Қорақалпоғистон Республикасининг туристик салоҳиятини тарғиб килиш борасида кўпроқ чет эл тажрибасини ўрганиш, реклама ва маркетинг ишларини янгича ташкил қилиш, ҳар бир тарихий обидага тегишли ўзига хос афсоналарни ёзиб олиш, электрон, хорижий ва миллий ОАВларида, даврий нашрларда тарқатиш лозим.

<sup>48</sup> Қорақалпоғистон Республикасида туризм ва дам олиш ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Статистик Бюллетень.-Нукус, 2017.

## 2.1.2-Жадвал

### Коракалпоғистон Республикасыда экотуризмни ривожлантиришнинг SWOT-тахлили<sup>49</sup>

КУЧТИН ТОМОНДЛАРИ (Strengths)	ЗАИФ ТОМОНДЛАРИ (Weaknesses)	ИМКОНИЯТЛАР (Opportunities)	ХАТАРЛАР (Threats)
<ul style="list-style-type: none"> <li>- тарихий обидаларнинг кўллиги ва рекреация ресурсларига бойдилди, археоэкотуризмни ривожлантириш имконини;</li> <li>- экспонатлари сони бўйича, Марказий Осиёда ятона бўлган Савицкий номидаги санъат музейининг мавжудлиги;</li> <li>- Кўлай транспорт инфраструктураси, автомагистрал ва темир йўллар билан Козогистон, Россия ва бошقا давлатлар орқали Европага, Туркманистон орқали Эрон ва бошقا мамлакатлардан туристлар жалб килиш имконини;</li> <li>- ўзига хос тарихий аъзандарини ўз ичига олган гастрономик хизматлар (балик ва балик маҳсулотларини табераш, кимиз, бешбармок ва бошқи);</li> <li>- экотуризмни ривожлантириш учун хилма-хил рельеф, гидрогеология, балнеологик ресурслар, сув обектлари, кўллар, орнитологик кўриконолар, дарёлар, дениз, тарихий археологик ёдгорниклар, ер ости мачгизлари, некрополарнинг мавжудлиги.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- туризм саноатининг жуда колок холати;</li> <li>- Гостиници инфраструктурининг етарли дарражада ривожланмаганлиги ва худудлар бўйна ўта хотекис таҳсимиоти;</li> <li>- Туристик ва экотуристик хизматлар кўрсатишда норасмий сектор улушининг юкорилиги (сафдо, транспорт хизматлари, манший ва тиббий хизматлар);</li> <li>- миннаткала туристик бирюза ва ташкилотларнинг ўта камлиги, соҳибиятларнинг замонавий касбий-экологик туризмни таъсизлашсанни, мактака даражасининг поастлиги;</li> <li>- туристик объектларда йўл ва йўл бўйин инфраструктурасининг ривожланмаганлиги, турсурслар на объектлар атрофида оддий машний инфраструктуранинг йўқлиги ёки паст дарражаси;</li> <li>- миннаткала туризм, хусусан, экотуризм бўйича реклама-ахборот материалларининг халқаро мавзилий электрон, амбанавий О.В.Ларда ёритилмаслиги ёки коникарсиз ёрттиллиши;</li> <li>- миннаткала экологик шароитнинг, ичимлик сувининг яхши эмаслиги ва шўрланиши дарражасининг юкорилиги;</li> <li>- тарихий археологик объектларга олиб борадиган йўлларнинг йўқлиги ва бошقا инфраструктураларнинг ёмон ахволда эканлиги ва х.к.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Кўйи Амуларде бирорезерватидаги юкори экотуристик салоҳиҳт мавжудлиги;</li> <li>- Устюрги платосидаги юкори экотуристик салоҳиҳт мавжудлиги;</li> <li>- Туристик ва рекреация салоҳиҳт юкори бўлган Нукус шаҳрида, Элинкальта, Кўнгирот, Тўрткўл, Хўжайли, Амуларе туманларда туризм ва меҳмонхона хўжалиги хизматларини ривожлантириш;</li> <li>- ов туризми, диний ва соломлаштириш, археоэкотуризми янада ривожлантириш имкониятлари;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Кўрисикона ва биорезерватидаги фюора ва фауаннинг холатига хавфлар;</li> <li>- кўпшини давлатлардаги иктисолидай иктисолидай хотарлар;</li> <li>- акони ўргасидаги табакалашув ёки ишъизликнинг ошиши хисобига МЭТҲлар атрофидаги иктиномий-иктисолидай ривожланшиша жилдий хавфлар;</li> <li>- хизматлар соҳасининг хозирги холатига ривожланниш тенденцияси келажакда норасмий секторнинг янада куччишига олиб келиши мумкин.</li> </ul>

<sup>49</sup> Муаллиф ишланмаски.

Минтақада экотуризмни ривожлантириш бүйича ишлаб чиқилган SWOT-тахлили натижаларига кўра, республикада туризмни ривожлантириш имкониятлари жуда катта бўлиб, булар каторига Қўйи Амударё биорезерватида Устюрт платосидаги юқори экотуристик салоҳиятнинг, туристик ва рекреация салоҳияти юқори бўлган Нукус шаҳрида, Эликқалъя, Кўнғирот, Мўйноқ, Тўрткўл, Хўжайли, Амударё туманларида туризм ва меҳмонхона хўжалиги хизматларини, ов туризми, зиёрат, спорт ва соғломлаштириш, археоэкотуризмни янада ривожлантириш имкониятлари мавжудлигини айтиш мумкин.

Мазкур таҳлилдаги заиф томонларнинг аксариятини бартараф этиш учун ҳукumat идоралари томонидан бир қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, минтақада туристик ташкилотларнинг ўта камлиги, соҳа ходимларининг замонавий қасбий-екологик ва туристик таълим, малака даражасининг настлиги кўрсатилган, аммо кейинги вақтларда соҳада фаолият юритувчи ходимларни Туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш республика марказида ўқитиш йўлга қўйилган. Лекин соҳани етук мутахассислар билан таъминлаш мақсадида минтақада жойлашган ОЎЮларида туризм бакалавр таълим йўналишини очиш (ташкил этиш) мақсадга мувофиқ. Яна бир заиф томон сифатида туристик обьектларда йўл, йўл бўйи инфратузилмасининг ривожланмаганлиги, туристик ресурслар ва обьектлар атрофида оддий майший инфратузилманинг йўқлигини бартараф этиш бўйича Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Конгани томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар асосида 2017 йилда автомобилларга газ ва ёқилғи қўйиш шаҳобчалари, улар атрофида, кафе, ошхона ва тамаддихона-лар, йўл бўйларида замонавий ҳожатхоналар куриш ва уларнинг ҳолатини стандартларга мослаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди.

Туризмнинг ривожланишида ОАВ ва рекламанинг роли бекиёс ҳисобланади. Таҳлилларимизда заиф томонга, умумий маънода, минтақада туризм, хусусан экотуризм бўйича reklama-ахборот материалларининг халқаро ва миллий электрон, анъанавий ОАВларида ёритилмаслиги ёки қониқарсиз ёритилишини киритдик. Аммо 2017 йилнинг баҳор ва ёз ойларида ОАВ ходимлари, туристик бюро ва фирмалар ходимлари, қизиқув-чилар томонидан «Оролга саёҳат» йўналиши бўйича турлар, Тошкент-Мўйноқ-Орол

йўналиши бўйлаб автораллилар амалга оширилди, ОАВ ва интернет сайтларида ёритиб борилди. Бу соҳадаги амалий ишларнинг бошла-ниши бўлиб, истиқболда реклама хизматларини янада ривожлантириш зарур.

Умуман олганда, кўрсатилган заиф томонларни бартараф этиш учун ёки уларни кучли томонга айлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Соҳа ривожидаги хавф-хатарларга Амударёда сувнинг камайиб кетиши ҳисобига кирғоқ бўйларида жойлашган ландшафт қўриқхона ва биорезерватлардаги флора ва фаунанинг ҳолатига хавфларни киритдик. Бу муаммонинг ечими сифатида Амударёнинг қўйи қисмида соҳилдаги тўқайзорлар ҳажмини кўпайтириш ва уларни дарё суви билан сугориш мақсадида ҳар 50 км.да дарёға тўғонлар қуриш лозим. Бу орқали дарё сувини тежашимиз, дарё ва унинг ҳар иккала соҳилининг флора ва фаунаси шароитини яхшилашимиз мумкин.

Сиёсий хавф-хатарлардан бири сифатида қўшни давлатлардаги иқтисодий ва сиёсий бекарорлик сабабли минтақага хорижий туристларнинг кириб келишидаги хатарларни киритдик. Аммо ҳукумат раҳбари ташаббуси асосида Марказий Осиёдаги барча чегарадош давлатлар билан яқин қўшничилик алоқалари ўрнатилади, чегаралар делегимитация қилиниб, доимий равишда автомобиль, ҳаво, темир йўл қатновлари йўлга қўйилди.

Мазкур йўналишда «Устюрга саёҳат», «Сайғоқлар сайли», «Саҳролар ичра ўтмиш садолари»; «Оролга саёҳат»; «Қорақалпоғистонга экотур»; «Тилаклар қудуғи»; «Жип турсафари»; «Қорақалпоғистоннинг қадимий қалъалари»; «Кўмда сузаётган кемалар»; «Амударё экотуризм» каби янги экотуристик йўналишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қорақалпоғистонда туристик хизматларни янада ривожлантириш учун минтақа ва мамлакат даражасидаги бир қатор масалаларни ҳал қилиш талаб этилади. Жумладан, худуддаги ноёб маданий-тарихий мерос объектларидан, рекреация ресурсларидан старли даражада фойдаланилмаётганлигини ва чет эллик туроператорларнинг бундай салоҳиятдан бехабарлигини ҳисобга олиб, маҳаллий ҳокимият органлари ва тегишли ташкилотлар томонидан минтақанинг туристик салоҳияти тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда интернет саҳифаларига фаол равишда жойлаштириб бориш, янги туристик маршрутлар ишлаб

чиқиши, туристларга буклетлар ва тарихий обидаларнинг географик жойлашуви бўйича хариталарни тизимли ва бепул равиша тарқатиш зарур.

Қорақалпогистонда туризмни ривожлантириш мақсадида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг минтақавий бошқармаси ва Ўзбекис-тон касаба уюшмалари федерациясининг Курортлар бошқармаси минтақа туристик бюроси ишини самарали ташкил этишда қўмаклашиши керак.

Тегишли ташкилотлар маданий мерос ва архитектура объектларини ўз вақтида доимий равиша таъмиrlаш ишларини йўлга қўйиши зарур. Шу билан бирга, худуднинг тарихий обидаларга олиб борадиган йўллар ва бошқа инфратузилма объектлари билан таъминлаш зарурати ҳам мавжуд.

Минтақанинг транспорт салоҳияти унинг худудидан ўтган ҳалқаро

А-380 автомобиль йўли, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган темир-йўл ва автомобиль йўлларининг ривожланганилиги ҳолати билан белгиланади. А-380 ҳалқаро автомобиль йўли Гўрткўл, Беруний, Нукус, Хўжайли ва Кўнғирот туманларидан ўтади ҳамда бу ҳолат ушбу худудларга транспорт хизматларини ривожлантиришда рақобат устуворлигини бахш этади.

Бугунги кунда Қорақалпогистон ҳудудидан 16 та йўналиш бўйича хорижий автоташувчиларнинг транзит ҳаракати амалга оширилмоқда<sup>50</sup>.

Қорақалпогистон Республикасининг бошқа вилоятлардан (Самарқанд, Сирдарё, Жizzах, Қашқадарё, Навоий ва Наманган) устун томонларидан бири минтақа ҳудудидан ўтадиган хорижий автоташувчиларнинг транзит ҳаракатланишидир. Бундан ташқари, темирйўлнинг Қозогистон ва Туркманистон давлатларига ўтиши чегара олди савдосини ривожлантириш имкониятини беради. Қозогистон орқали Россияга тўғридан-тўғри ўтиш имконияти фақат Тошкент вилояти ва Қорақалпогистон Республикасида мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу транспорт-логистика хизматла-рини ривожлантиришда минтақа учун муайян кулагилклар туғдиради.

<sup>50</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Хорижий автоташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб транзит ҳаракат килиши учун мўлжалланган йўналишлар рўйхатини тасдиқлаш тұрғысidaғы 9 декабрь 2011 йилда кабул қилинган 323-сонли Қарори.

Умуман олганда, Қарақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича қўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш натижасида мавжуд дастурлардан ташқари, қўшимча равишда 4,4 мингга яқин инфратузилма обьектларини ишга тушириш ва 18 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш имкони туғилади.

2016 йилда Қарақалпоғистондан мамлакат ичидаги амалга оширилган сафарларнинг 86,9 фоизи давлат ва хусусий автомобил компаниялари транспортида, 9,4 фоизи шахсий ва бошқа транспорт воситаларида, 3,6 фоизи темирйўл транспортида амалга оширилган. Шунингдек, сафарларнинг қарийб 82,7 фоизи тунаб қолишиларсиз ва 17,3 фоизи эса тунаб қолиш билан амалга оширилган. Мамлакат ичидаги амалга оширилган сафарларда 3189, 4 минг тун тунаб қолинган ёки жами сафарларнинг қарийб 46,8 фоизини ташкил қилган<sup>51</sup> (2.1.3- жадвал).

2016 йилда Қарақалпоғистон Республикасида турфирма ва ташкилотлар томонидан 87 нафар, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари томонидан эса 5 671 нафар туристлар қайд этилган. Минтақада ички туризм бўйича 6 804 387 нафар киши сафарни амалга оширган, шулардан 1 245 кишига турфирма ва ташкилотлар томонидан, 32 659 нафари меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари томонидан, 6 197 киши санатория-курорт муассасалари томонидан ва 4 647 киши эса дам олиш муассасалари ва сайёхлик базалари томонидан жойлаштирилган. Колган қарийб 6,4 млн киши эса давомийлиги 1 кунгача бўлган экскурсия хизмати тарзида ташриф қилишган (1-иловага қаранг).

### 2.1.3- жадвал

#### 2016 йилда Қарақалпоғистондан мамлакат ичидаги амалга оширилган сафарлар

Т.р	Кўрсаткичлар	минг	Фоизда (%)
1	Мамлакат ичидаги амалга оширилган сафарлар сони	6804,4	100
2	Сафар давомида фойдаланилган асосий транспорт воситалари тури бўйича:		
	хаво йўли		
	темир йўл	246,7	3,6
	Автомобил йўли	5915,3	86,9
	шахсий ва бошқа транспорт воситалари	642,4	9,4

51 Қарақалпоғистон Республикасида туризм ва дам олиш ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Статистик Бюллетенъ. -Нукус, 2017.

	Шу жумладан сафар түри бүйича:		
	тунаб қолишиз	5628,4	82,7
	тунаб қолиш билан	1176,0	17,3
4	Мамлакат ичида амалга оширилган сафарлар давомида тунаб қолишилар сони (түн)	3189,4	46,8

Минтақада 2016 йилда 352,6 мингта уй-хўжаликлари бўлиб, улардан 273,5 мингтаси ёки 77,5 фоизи мамлакат ичида сафарни ималга оширган, шулардан 6804,4 мингта сафарни амалга оширган, 2103,9 мингта сафарни ёки 30,9 фоизни туман ичида, 4606,2 мингтаси ёки 67,7 фоизи тумандан ташқарига, 94,3 минги ёки 1,38 фоизи республикадан ташқарига сафар қилишган.

Минтақа ичида амалга оширилган сафарларнинг 14,6 фоизи таътил ва дам олиш мақсадида, 35,5 фоизи қариндош ва танишибилишларни кўришга бориши, 15,5 фоизи диний жойлар ва чиёратгоҳларга ташриф, 5,2 фоизи ишга доир ва бошқа касбий мақсадлар, 5,1 фоизи даволаш, соғломлаштириш ва бошқа муолажалар, 13,9 фоизи бошқа шахсий мақсадларда амалга оширилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мамлакат ичида тунаб қолишиларнинг умумий сонида энг катта улуш, 66,6 фоизи қариндошлар ёки дўстларницида меҳмонда бўлишга, 12,8 фоиз даволаниш ва соғломлаштириш муассасаларига, 10,1 фоизи меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари улушкига, 5,5 фоизи ижарага олинган уй ёки квартиralарга, 2,9 фоизи эса шахсий уй ёки квартиralарга, 0,7 фоизи эса дам олиш муассасаси ва ёзги оромгоҳлар улушкига тўғри келган.

2016 йилда 1 та кишига тўғри келувчи ўртача сафар харажатлари 93,9 минг сўмни ташкил қилган ва унинг 19,4 фоизини транспорт, 7,9 фоизни овқатланиш, 4,5 фоизни яшаш, 2,0 фоизни спорт ва ҳордиқ чиқариш, 64,9 фоизни бошқа харажатлар ташкил қилган.

Биз тадқиқотларимиз давомида ўтказган таҳлилларимиздан келиб чиқсан ҳолда минтақа худудларида экотуризмни ривожлантириш учун қуйидаги йўналишларни тавсия қиласиз.

2.1.4-жадвалдаги Кўнғирот ва Мўйноқ туманларида экотуризмни ривожлантириш учун тавсия этилаётган йўналишларни имлый жиҳатдан асослайдиган бўлсак, Кўнғирот тумани иқтисодиёти Қорақалпоғистондаги энг ривожланган

худудлардан бўлиб, туманда гигант корхоналардан Кўнгирот “Сода заводи” ва “UzKorGaz Chemical” қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Кўнгирот тумани Қозогистон ва Туркманистон Республикалари билан чегара дошлиги, бетакрор Устюрт платоси чинклари, турли-туман ноёб балиқларга бой ва қушларни кузатиш (birdwatching) мумкин бўлган кўллар, тарихий қалъаларнинг (археоэко туризм) овқатланиш, меҳмонхона, савдо, маиший хизматлар, темир-йўлларнинг мавжудлиги, тумандан замонавий халқаро автомагистрал йўлнинг ўтганлиги (велотуризм), Устюрт кенгликларида чорвадорларнинг ҳаёти билан танишиш, туяларда ва отларда юриш, авто-мотоциклларда раллилар ўюнтириш (спорт, экстремал туризм) орқали платонинг ажойиб манзараларидан баҳраманд бўлиш, Орол денгизига ва Судочье кўлига Кўнгирот ва Мўйнок туманлари худудидан борилиши пляж, экстремал ва орнитологик туризмни ривожлантириш имкониятини яратади.

Бунинг учун эса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси туристик ташкилотлар билан ҳамкорликда қўйидаги йўналишларни ташкил этиш зарур.

#### 2.1.4-жадвал

#### **Қорақалпоғистон Республикаси худудларида тавсия қилинаётган экотуризмни ривожлантириш йўналишлари<sup>52</sup>**

Туманлар	Ривожлантириш тавсия қилинаётган туризм турлари	Худуддаги туристик обьектлар
Кўнгирот	Экотуризм, от туризми, тая туризми, велотуризм, спорт туризми, орнитологик туризм	Устюрт платоси (чинклар), худудда жойлашган тарихий қалъалар, Нукус-Кўнгирот автомобил йўли, кишлоқлар
Мўйнок	Экотуризм, этнотуризм, экстремал туризм, пляж туризми	Мўйнок тумани, Кўксув, Шегекўл, Судочье кўллари, Акгумсик тепалиги, кишлоқлар
Қонликул	Этнотуризм, ов туризми, экотуризм	Амударё соҳиллари, туман худудидаги кўллар
Шуманай	Экотуризм, тарихий-маданий туризм	Устюрт платоси, худуддаги тарихий қалъалар
Нукус ш.	Ишбилармонлик туризми, экотуризм, спорт туризми, гастрономик туризм	Музейлар, Дўстлик канали соҳили, ресторан ва меҳмонхоналар
Ҳўжайли	Зиёрат ва гастрономик туризм, этно ва тарихий туризм	Миздахкан мажмуаси, ресторанлар, кишлоқлар

<sup>52</sup> Муаллиф талкитотлари асосида ишлаб чиқилган ва тавсия қилинган.

Тахтакўпир	Сув, согломлаштирувчи туризм, экотуризм, ов туризми	Қаратеренг кўли, Белтау (Боршиштау), Айдоскальъа, Қизилкўм
Беруний	Зиёрат туризми, спелеотуризм, тарихий, агротуризм, табиий ва илмий туризм, орнитологик туризм	Тарихий қалъалар, Қўйи Амударё давлат биосфера резервати, Султон Увайс тоги ва мажмуаси, Амударё соҳиллари, қишлоқлар
Олийкальъа	Экотуризм, ов туризми, тарихий туризм, пляж туризми	Худудда жойлашган тарихий қалъалар, Қизилкўм, Ақчакўл, қишлоқлар
Тўргўкўл	Ов туризми, экотуризм, тарихий туризм, агротуризм	Худудда жойлашган тарихий қалъалар, Қизилкўм, қишлоқлар
Амударё	Экотуризм, ов туризми, тарихий туризм, спелеотуризм	Султануваис тоги, худудда жойлашган тарихий қалъалар, Шилпик қўргони, Шайх Жалил мажмуаси, Амударё соҳиллари, қишлоқлар
Чимбой	Экотуризм, ов туризми, маданий туризм, согломлаштирувчи туризм	Қозоқларё тўқай ва овчилик хўжалиги, Кусханатуа, иссиқ сувлар, қишлоқлар
Кегайли	Эко, ов, тарихий-маданий туризм, от ва тұядаги турлар	Ақтуба кўли, Ишанқалъа, қишлоқлар
Қораузак	Зиёрат туризм, спелеотуризм, агротуризм, илмий туризм	Султан Увайс тоги, қишлоқлар
Пукус т.	Экотуризм, тарихий-маданий туризм, пляж туризми	Амударё соҳиллари, Дауткўл, Кўктау, Кердер археологик мажмуаси,
Тахиатош	Агротуризм, орнитологик туризм	Амударё соҳиллари, қишлоқлар

2017 йили Қорақалпогистон Республикасида 2 кун давомида бўлиб ўтган “Орол ва Мўйноқнинг қайта тикланиши” халқаро экофестивали, шоирлар Бердақ ва Ажиниёз халқаро шеър ва мусиқа фестивали, “Орол балиқларидан 99 таом” гастрономик фестивалида лунёнинг 9 та давлатидан (Қозоғистон, Россия, Франция, Германия, Бельгия, Жанубий Корея, Хитой, Америка ва Англия) 30 дан ортиқ сайёҳлар, минтақа ва вилоятлардан 18 та меҳмонхона ва 6 та туристик корхоналар иштирок этишли. Мўйноқ туманидаги “Мадели” ОФИ ҳудудидаги “Кўк сув” кўли бўлиб ўтган “Орол балиқларидан 99 таом” гастрономик фестивалида моҳир ошпазлар томонидан тайёрланган балиқ таомлари, миллий хунармандчилик, кўл меҳнати намуналари кўргазма-лари бўлиб ўтди, сайёҳлар кўлда катерларда сайёҳат қилиб, соҳилда санъат усталари концерт дастурини томоша қилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралида ПФ-5326-сонли “Ўзбекистон Республикаси туризм

салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўйимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши билан қатор давлатларнинг фуқарола-рига виза режимининг бекор қилиниши туфайли ҳудуддаги туристик фирмаларга Орол дengизига туристик маршрутларни амалга ошириш учун йўлтанламас автомобилларни олиб киришларига қулай шароитларнинг яратилиши соҳани ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратгани ҳолда, чет эл сайёхларининг дастлабки оқимининг ошишига хизмат қилмоқда. Демак, Кўнғирот ва Мўйнок туманлари каби бошқа ҳудудларда ҳам экотуризмни ташкил этиш, ёндош тармоқларнинг ҳам ривожланишига, янги иш ўринларининг яратилиши, маҳаллий аҳоли даромадлари ва валюта тушумининг ошишига, турфирмалар сони ва миintaқага туристлар оқимининг ошишига олиб келади деб ҳисоблаймиз.

## **2.2. Минтақада экологик туризмни ривожлантиришда ресурс салоҳиятини баҳолашга услубий ёндашувлар**

Барчамизга маълумки, миллий иқтисодиётни бошқариш тизимида экотуризмнинг ўрни мазкур соҳанинг мамлакат ЯИМни ишлаб чиқаришдаги иштироки ва улуши билан белгиланади. Туризм бўйича олимларимиздан и.ф.д.О.Ҳамидовнинг ҳисобкитобларига кўра, экотуризмнинг туризм умумий кўрсаткичларидаги улуши 30 % ни, яъни 18,5 млрд. сўмни ташкил этади ва экотуризм соҳасида олинган соф фойда, айниқса, 2014-2015 йилларда сезиларли даражада - 2 марта га ошган<sup>53</sup>. Шу муносабат билан асосий туризм йўналишларида (*туризм, археологик, экстремал ва, маънавий туризм, ҳаво йўллари туризм йўналишлари, қишики туризм, хусусий туризм ва бошқалар*) экологик туризмнинг ўрнини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 2005-2016 йиллардаги молиявий натижалари таҳлили олинаётган соф фойданинг 2006 йилдан бошлаб ўсиш тенденцияси мавжудлигини кўрсатади (2.2.1-жадвал).

<sup>53</sup> Ҳамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. Икт.фанд-ри дисс. -Самарканд, 2017. -Б.92.

### 2.2.1- жадвал

Ўзбекистон Республикаси ЯИМда туризмнинг улуши ва туризм соҳаси субъектларининг 2005-2016 йиллардаги молиявий натижалари (млн. сўм)<sup>54</sup>

Йиллар	Махсулот (товар, иш, хизматлар) сотишдан тушган соф тушум	Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизматлар) таннахии	Фойда солигини тӯлагунча қадар фойда (зарар(-))	Соф фойда (зарар(-))	Туризмнинг мамлакат ЯИМдаги улуши, %да
2005	46459,4	33352,7	-1790,6	-2747,5	1,2
2006	66409,2	39638,0	1924,9	597,5	1,3
2007	94359,1	58721,3	1349,7	774,5	1,4
2008	138100,3	84860,5	11629,0	10468,3	1,4
2009	152436,7	89995,8	15127,8	13872,6	1,5
2010	195720,5	112403,2	24116,0	16307,0	1,2
2011	259797,4	138652,4	48295,7	38043,5	1,5
2012	342379,7	201478,7	42174,8	27481,0	1,7
2013	377779,2	223349,4	41736,7	26503,0	1,7
2014	423822,8	243876,2	47917,2	31252,3	1,8
2015	537788,5	304114,9	86917,5	61819,5	1,9
2016	641627,3	371432,7	117853,4	92653,1	2,0

Мамлакатимизда экотуризмнинг етакчи табиий асоси МЭТҲлар бўлиб, экотуризм учун энг аҳамиятлиси миллий табиий боғлар, биосфера резерватлари, қисман буюртмахоналар ва табиат ёдгорликлари саналади ҳамда МЭТҲлар 2604,1 минг га майдон ёки мамлакат ҳудудининг 5,8 фоизини эгаллайди. Улар таркибига 8 та кўриқхона, 3 та миллий табиий боғ, 1 давлат биосфера резервати, 13 та давлат буюртмахоналари, 10 та давлат табиат ёдгорликлари киради (2.2.2-жадвалга қаранг).

<sup>54</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф хисобкитоблари

## 2.2.2- жадвал

### Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий худудлари (2016 йил маълумотлари)<sup>55</sup>

№	Муҳофаза этиладиган табиий худудлар	Сони	Майдони минг га	МЭТҲ лардаги улуси
1.	Давлат кўрикхоналари	8	201,7	7,7
2.	Давлат миллий боғлари	3	598,7	23,0
3.	Кўйи Амударё давлат биосфера резервати	1	68,7	2,6
4.	Табиий питомниклар	1	158,9	6,1
5.	Давлат буюрмакхоналари	13	1572,4	60,4
6.	Табият ёдгорликлари	10	3,7	0,2
	<b>Жами</b>	<b>36</b>	<b>2604,2</b>	<b>100,0</b>

И.ф.д. О.Ҳамидовнинг фикрича, «Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришни бошқариш нуқтаи назаридан МЭТҲларни бошқаришнинг кўйидаги 2 та хусусиятини ҳисобга олиш ва уларни такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш ҳар томонлама мухим аҳамиятга эга: 1) МЭТҲлар турии давлат органлари - Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси, вилоятлар ҳокимиятлари томонидан бошқарилади. Бу ҳолат МЭТҲ ларни бошқариш ва уларнинг экотуризм салоҳиятидан фойдаланишда қатор маъмурий-бошқарув тўсикларини, биринчи навбатда, тарқоқликни юзага келтиради»<sup>56</sup>.

Шу сабабдан, МЭТҲлар тизимини бошқаришда қулайлик яратиш мақсадида уларни муҳофаза қилиш ва ривожлантиришга маъсул ягона давлат органини – Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси таркибида ташкил этиш лозим; 2) республиканинг МЭТҲлар тўғрисидаги қонунларида уларга қисман ўзини ўзи молиялаштиришга руҳсат берилган. Бундай молиялаштириш экологик туризм ва рекреацияни ташкил этиш ва ривожлантириш, табиий

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Табиятни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>56</sup> Ҳамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришини бошқариш механизмини такомиллаштириши. Икт.фанд.ри дисс. -Самарканд, 2017. -Б.92-95.

ресурслардан фойдаланиш учун рухсат бериш ҳисобига олинадиган даромадлардан шаклланиши кўзда тутилган. Мазкур ҳолатлар МЭТҲларда экотуризмни ривожлантиришга жуда кулай шароит яратади. Лекин ҳозирги вақтда экотуризм ва МЭТҲларни бошқариш тизими ўртасида уларнинг фаолиятини бошқаришни ўзаро мувофиқлаштириш йўлга қўйилмаган. И.ф.д. О.Ҳамидовнинг фикрича, Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси иштирокида МЭТҲларда экотуризмни ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқаришни мувофиқлаштирувчи маҳсус комиссия тузиш мақсадга мувофиқ<sup>57</sup>.

Бугунги кунда дунёда муҳофаза этиладиган табиий худуд (МЭТҲ) ларга туристларни фаол жалб қилиш, экотуризмни ривожлантириш долзарб масалага айланиб бормоқда. Шунинг учун, атроф-муҳитга зиён етказмаган ҳолда экотуризмнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, ресурс салоҳиятини аниқлаш ва тўғри баҳолаш, экотуризмнинг ижобий самарасини таъминлаш, экотуристик фаолиятини режалаштириш, бошқариш ва мониторинг қилиш устувор вазифалардан саналади.

Албатта, экотуризмни ривожланиши учун исталган бир мамлакат, минтаقا ёки худудда барча шарт-шароитлар мужассам бўлиши, географик ҳолати, иқлим шароитлари, рельефи, гидрогеологик, чўллар, бальнеологик ресурслар, сув объектлари, кўллар, орнитологик қўриқхоналар, дарёлар, денгиз, тарихий археологик ёдгорликлар, ер ости мачитлари, некрополлар каби экотуристик ресурслар бўлиши лозим.

Шунинг учун, туризм ёки унинг алоҳида шакли бўлган экотуризмни ривожлантиришда минтақаларда, аввало, энг устувор вазифа сифатида ҳам экологик, ҳам иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий масалаларни, минтақанинг ресурс салоҳиятини баҳолаш мухим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, экотуризмнинг бевосита бизнес фаолияти ёканлигини, агар у рентабел бўлмаса, МЭТҲлар учун иқтисодий наф эмас, балки мавуд муаммоларни мураккаблаштирувчи жиҳат бўлиши мумкинлигини ҳам назарда тутиш лозим. Ҳар бир экотуристик лойиҳани амалга оширишда барча жиҳатларига утибор қаратиш, табиат мажмуаларига зиён етказмаслик,

<sup>57</sup> Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини никомиллаштириш. Икт.фан.д-ри дисс. -Самарқанд, 2017.-Б.92-95.

маҳаллий аҳоли бандлигини, табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган даромадларни ошириш механизмларини яратиш, экологик таълимни ривожлантириш зарур.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда, хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам худудларнинг ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Минтақанинг ресурс салоҳияти ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган маълум бир худудда шаклланган барча турдаги ресурсларнинг йигиндиси бўлиб, иқтисодий ўсиш даражаси ва инвестицион жозибадорликни белгилаб беради.

Бизнинг таҳлилларимизга кўра, республикамизнинг барча минтақалари туризмни ривожлантириш учун жуда кўп имкониятларга эга, аммо ҳар хил иқлим шароити, турли ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси ту-файли туризмни ривожлантиришнинг ресурс салоҳияти бир-биридан фарқ қиласди. Шунингдек, туризм соҳасини ривожлантиришда худудий ресурсларни баҳолаш учта усул ва ёндашувлар асосида амалга оширилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий районлари, табиий-худудий тизимлари ёки минтақаларнинг маъмурий чегаралари доираси бўйича. Биринчи икки усулда чегаралар объектларини баҳолашда минтақаларнинг маъмурий чегаралари доираси бир-бирига тўғри келмайди. Худудий режалаштириш ва туризм соҳасини ривожлантиришда баҳолаш натижалари ҳамиша ҳам мос келмайди. Муайян иқтисодий районда туризм соҳасини ривожлантиришни тартиба солишда битта иқтисодий районда иккита ёки учта минтақа бўлиши каби нокулайликлар юзага келиши мумкин. Шунинг учун, минтақанинг маъмурий чегаралари доирасида туристик ресурсларни баҳолаш нисбатан қулай ва самарали ҳисобланади.

Биз тадқиқотда обьект сифатида тадқиқ қилаётган Қорақалпоғистон Республикасининг ресурс салоҳияти ҳам минтақада экологик туризмни ривожлантириш учун қулай бўлиб, ҳозирда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли мақсадни дистурлар ишлаб чиқишида минтақанинг айrim ресурслари, туристик маҳсулот яратиш учун ресурсларнинг сифати ва минқори ҳақида маълумотлар етарли эмас. Шу сабабли, Қорақалпоғистон Республикасида ресурсларни минтақалар

кесимида қиёсий баҳолашни ўтказиш жуда зарур ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. Минтақада экологик туризмни ривожлантиришда ресурсни баҳолашнинг асосий мезонларини қўйидаги 2.2.3-жадвалда кўришимиз мумкин.

### 2.2.3-жадвал

#### **Экологик туризмни ривожлантиришда минтақа ресурсларини баҳолашнинг мезонлари<sup>58</sup>**

№	Ресурслар түрүхі (баҳолаш қўсаткичлари)	Баҳолаш мезони
1	Табиий-иклиний ресурслари	<ul style="list-style-type: none"> <li>- экологик мақсадга мувофиқлиги;</li> <li>- табиий-иклий шароитлари қулайлиги;</li> <li>- эстетик ранг баранглиги (ландшафтлари хилмахиллиги);</li> <li>- жозибадорлиги;</li> <li>- алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар (АМҚХ);</li> <li>- ҳалқаро, миллий, минтақавий ва маҳаллий аҳамияти;</li> <li>- табиий ресурслар миқдори ва заҳираси, истиқболлари;</li> <li>- туристлар мослашиши ва қўничиши;</li> <li>- табиий мажмуналарга юклама, ассимиляция коэффициенти</li> </ul>
2	Тарихий- маданий ресурслари	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Тарихий ва маданий бойликлар;</li> <li>- обьектларга бойлиги;</li> <li>- эстетик жозибадорлиги ва тарихий-маданий ресурсларнинг сақланиши ҳолати;</li> <li>- ҳавфсизлиги;</li> <li>- обьектларнинг аҳамияти (ҳалқаро, миллий, минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эгалиги);</li> <li>- технологик мослашиши;</li> <li>- маданий бойликларнинг миқдори;</li> <li>- туристларнинг мослашиши;</li> <li>- маданий мажмуналарга туристик юклама, ассимиляция коэффициенти.</li> </ul>
3	Ижтимоий- иқтисодий ресурслари	<ul style="list-style-type: none"> <li>- транспортларнинг қулайлиги;</li> <li>- яшаш жойларининг етарлилиги, қулайлиги ва нархи;</li> <li>- овқатланиш корхоналарининг етарлилиги ва хилмакиллиги;</li> <li>- санатор-курорт ташкилотларининг қулайлиги ва сиғими;</li> <li>- кўнгилочар жойларнинг етарлилиги;</li> <li>- ахборот таъминоти;</li> <li>- кадрлар билан таъминланганлиги;</li> <li>- моддий-техник база билан таъминланганлиги;</li> </ul>

<sup>58</sup> Муаллиф ишланмаси.

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- инвестицион жозибадорлиги;</li> <li>- молиявий ресурслар билан таъминланганлиги;</li> <li>- туристик товар турларининг хилма-хиллиги;</li> <li>- аҳолининг маҳаллий туристик маҳсулотлар талабига тайёриги;</li> <li>- туризмни ривожлантиришнинг норматив-хуқуқий тартибга солиниши;</li> <li>- туризмни ривожлантиришнинг маъмурий тартибга солиниши;</li> </ul>
--	--	---

Қорақалпоғистонда янги истиқболли соҳа сифатида экологик туризмни ривожлантириш мақсадида минтақанинг мавжуд экотуристик салоҳиятини баҳолашга доир услубий ёндашувларни ишлаб чиқдик.

Фикримизча, экологик туризм ўзига хос хусусиятларга (нисбатан бузилмаган табиий худудларни ўрганиш, экологик барқарорлик тамойил-ларига мувофиқ, салбий омилларни ҳисобга олиш ва ҳ.к.) эгалиги туфайли унинг ресурс салоҳиятини баҳолашнинг маҳсус усулини ишлаб чиқиш зарур.

Тадқиқот ишимизда бир қанча олимларнинг услубий ёндашувларга оид илмий-тадқиқотларини таҳлил қилган ҳолда минтақада ишончли ҳолатни олиш учун максимум кўрсаткичларни ҳисобга олишга ҳаракат қилдик.

Экологик туризмни ривожлантиришда ресурс салоҳияти кўрсаткичларининг сонли тавсифини қўллаш орқали ҳисоблаганимизда, ҳар хил бирликдаги кўрсаткичлардан ҳоли бўлади.

Олинган натижаларни нормаллаштириш учун уларни солишириш ва комплекс таҳлилни амалга ошириш мумкин. Куйида нормал кўрсаткични ҳисоблаш формуласини<sup>59</sup> кўришимиз мумкин:

$$N_i = (x_i - x_{\min}) / (x_{\max} - x_{\min}) \quad (2.2.1)$$

бунда,  $N_i$  – тадқиқ қилинаётган  $i$ -объектнинг нормаллаштирилган миқдори;

$x_i$  – тадқиқ қилинаётган  $i$ -объекти миқдори;  $x_{\min}$  – кўрилаётган объект учун тадқиқ қилинаётган параметрнинг минимал миқдори;

<sup>59</sup>Иваненко В.В., Пакина А.А. Потенциал развития экотуризма: опыт оценки на примере пермского края // Учёные записки Крымского федерального университета им. В. Вернадского. Том 2 (68). 2016. №3.-С.66-81.

$x_{max}$  - кўрилаётган объект учун тадқиқ қилинаётган параметрнинг максимал миқдори.

Нормаллаштирилган индекс ёрдамида Қорақалпоғистон Республикаси экологик туризмини ривожлантиришда ресурс салоҳиятини баҳолашда, табиий ва тарихий-маданий шароитлар, ижтимоий-иқтисодий ресурслар салоҳияти ва охирги интеграл салоҳият даражаларини аниқлаймиз.

$$IS_i = \sum N_{ij} \quad (2.2.2)$$

бунда,  $IS_i$  – табиий-иқлим ресурслари салоҳияти, тарихий-маданий ресурслар салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий ресурслар салоҳияти;  $N_{ij}$  – I туманнинг нормаллаштирилган j-кўрсаткичи.

Ҳар бир омил бўйича салоҳияти аниқлангандан сўнг, формула бўйича худуднинг комплекс интеграл салоҳияти ҳисобланади.

$$IS = TIC + MTC + IIC \quad (2.2.3)$$

бунда  $IS$  – интеграл салоҳият,  $TIC$  – табиий-иқлим ресурслари салоҳияти,  $MTC$  – маданий-тарихий ресурслар салоҳияти,  $IIC$  – ижтимоий-иқтисодий ресурслар салоҳияти.

Биз тадқиқотларимиз давомида Қорақалпоғистон Республикаси худудларининг комплекс туристик интеграл салоҳиятини баҳолаш натижаси-ларини кўйидаги 2.2.4-жадвалда келтирамиз.

#### 2.2.4-жадвал

#### Қорақалпоғистон Республикаси худудларининг комплекс туристик интеграл салоҳиятини баҳолаш<sup>60</sup>

№	Худуд, туман ёки шаҳарнинг номи	Табиий-иқлимий ресурслари	Тарихий-маданий ресурслари	Ижтимоий-иқтисодий ресурслари	Комплекс туристик интеграл салоҳият
1	Амударё	0,3	0,2	0,1	0,6 (+)
2.	Беруний	0,3	0,3	0,1	0,7 (++)
3.	Кегейли	0,2	0,1	0,05	0,35 (-)
4.	Қўнғирот	0,3	0,2	0,2	0,7 (++)
5.	Қонликўл	0,2	0,05	0,05	0,3 (-)
6.	Кораўзак	0,3	0,1	0,05	0,35 (-)

<sup>60</sup> Ушбу жадвал муаллиф ҳисоб-китоблари асосида ишлаб чиқилди.

7.	Мўйноқ	0,25	0,2	0,2	0,65 (+)
8.	Нукус ш.	0,3	0,3	0,3	0,9 (++)
9.	Нукус т.	0,2	0,1	0,05	0,35 (-)
10.	Тахиятош	0,2	0,1	0,2	0,5 (-)
11.	Тахтакўпир	0,3	0,1	0,05	0,35 (-)
12.	Тўрткўл	0,3	0,2	0,1	0,6 (+)
13.	Хўжайли	0,3	0,2	0,1	0,6 (+)
14.	Элликқалъа	0,3	0,3	0,2	0,8 (++)
15.	Шуманай	0,2	0,1	0,05	0,35 (-)
16.	Чимбой	0,2	0,2	0,1	0,5 (-)


Изоҳ: - паст; -- жуда паст; + юқори; ++

жуда юқори

Шунингдек, 2.2.2-расмда Қорақалпоғистон Республикаси минтақалари экотуристик салоҳиятининг харитасини ишлаб чиқдик. Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришда ресурс турларининг ҳудудларда номутаносиб ва нотекис жойлашганига амин бўламиз.

Туризм соҳасининг ривожланишида ресурсларнинг мавжудлиги ва ҳолати минтақаларда туристик фаолият турлари бўйича ихтисослашувины белгилайди (масалан, кулай иқлим шароити ва бой табиий ресурслар, соғломлаштириш ва рекреацион туризмни, минтақада маданий ресурслар-нинг кўплиги маданий-танишув туризмини ривожлантиришга имкон беради).

Демак, минтақа шаҳар ва туманларини муайян бир туристик фаолият турига ихтисослаштириш мақсадга мувофиқ. Яъни, Қорақалпоғистонда экологик туризмни ривожлантиришда минтақанинг ресурс салоҳиятига мувофиқ кўпроқ мос келадиган туризм турлари аниқланди: рекреацион туризм, даволаш-соғломлаштириш, маданий-танишув (ҳар хил мавзуларда экспурсия), фаол (спорт ва экстремал), саргузашт (ов ва балиқ ови) туризми.



## 2.2.2-расм. Қорақалпоғистон Республикасининг экотуристик салоҳияти харитаси

Тадқиқотларимиз жараённан минтақада экотуризмни ривожланти-риш бўйича ресурс салоҳияти кўрсаткичларини баҳолаган ҳолда минтақада кўйидаги туристик йўналишларни шакллантириш устуворлиги аниқланди:

- «Нукус – Тўрткўл тумани - Беруний тумани – Элликқалъа тумани – Амударё тумани» маданий-танишув туризм йўналиши. Кўрсатилган худудларда тарихий-маданий мерос обьектларига, танишув кўринишидаги туристик маршрутларни шакллантириш, туристик инфратузилмани шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

- «Нукус – Қораўзак тумани - Беруний тумани – Элликқалъа тумани – Амударё турмани» рекреацион туризм йўналиши. Ушбу худудларда Султан Увайс тоғ тизмаси, Амударё, Куйи Амударё давлат биосфера резервати, Ақчакўл, Қизилқум жойлашган бўлиб, рекреацион туризм инфратузилмасини ривожлантириш зарур.

- «Қўнғирот тумани – Мўйноқ тумани – Тахтакўпир тумани – Чимбой тумани» фаол ва саргузашт туризм йўналишлари. Ушбу туманларда Устюрт платоси, Орол денгизи, Белтау, Сариқамиш кўли, Судочье кўли, Қоратеренг кўли, Жилтирбас кўли каби обьектлар овга чиқиш, балиқ овлаш ва экстремал туризмни йўлга кўйиш учун катта имкониятларга эга. Аммо бу ерда фаол ва

саргузашт туризмини йўлга қўйиш учун инфратузилмани ривожлантириш зарур.

Биз юқорида кўрсатилган йўналишларда худудларда ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш учун Қорақалпоғистон Республикасида экотуризмни ривожлантириш бўйича туманлараро мақсадли дастурлар ишлаб чиқишини таклиф этамиз, мақсадли дастур маблағи нафақат инфратузилмани ривожлантириш (транспорт коммуникацияси, сув таъминоти, электр таъминоти) учун, балки минтақа туристик имкониятларининг ошишига, туманлар ўртасида иқтисодий интеграциянинг кучайишига, худудда яшовчи аҳоли турмуш даражасининг ўсишига олиб келади.

### **2.3. Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришда алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий худудларнинг роли**

Кейинги йилларда алоҳида муҳофаза қилинувчи табиий худуд (МЭТХ) ларда экотуризмни ривожлантириш масаласи бугунги кунгача кўпгина давлатларда мунозаралар обьекти бўлиб келмоқда. Кам сонли давлатларда бундай худудларда экотуризмни ташкил қилиш мумкин эмас, деб ҳисобланса-да, дунёнинг аксарият мамлакатларида МЭТҲларда экотуризм фаол йўлга қўйилган. Ўзбекистонда, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бу борадаги ишларни ёки аниқроқ айтганда, мазкур худудларда экотуризм жуда яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Бу масала жуда долзарб бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси МЭТҲларининг салоҳияти халқаро табиий резерватларнинг салоҳиятидан нафақат қолишмайди, балки айрим устунликларга ҳам эга: чунки ўзига хос табиат манзаралари, ландшафт ва экотизимлари, инсон оёғи етмаган гўшалар, жайронлар, сайгоқлар, ноёб йиртқич кушлар ва ҳ.к.

Кўрикхона ва миллий боғлар экологик барқарор туризм назарияси ва амалиётини ҳаётга тадбиқ қилиш учун бир қатор хусусиятларга ва афзалликларга эга:

1) Экологик туризмни ривожлантириш – фақат бизнесгина эмас, чунки максимал фойда олиш унинг асосий мақсади ҳисобланмайди. Шунингдек, оддий тур-агентликлар экотуризм назарияси ва амалиётини жорий қилишга қодир эмас.

2) Ўзбекистон кўриқхоналарида илмий бўлимлар бўлиб, улар доимий равишда табиат экотизимларини мониторинг қилиш билан шуғуланишиди. Умуман олганда, республикамиздаги каби Қорақалпоғистонда ҳам табиат зоналари исталган турдаги танишув туризмини, талабалар амалиётларини, илмий турлар ва кўнгиллилар дастурларини ўтказишига жуда кулаги.

3) Экологик таълим ва экологик маърифатнинг уйғунлашуви, кўриқхоналар негизида экотуристик фаолият экологик таълимнинг самарадорлигини сезиларлича оширади, кенг жамоатчиликни табиатни муҳофаза қилиш масалаларига жалб қилишга, муҳофаза қилинувчи ҳудудларни жамият томонидан қўллаб-кувватлашни кучайтиради. МЭТҲ ларда эса жойлашган туманларида ижтимоий-маданий марказга айланишга реал салоҳият пайдо бўлади.

4) МЭТҲлар туристик фаолиятни режалаштириш, бошқариш ва мониторинг қилишга қодир тузилмалар бўлиб, бу эса айнан экотуризмнинг асосий талаби саналади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, экологик туризмнинг маҳаллий ва минтақавий даражаларда ижтимоий-иктисодий самарадорлиги нисбатан юқоридир. Шунинг учун ҳам, МЭТҲлар янги иш ўринлари ва маҳаллий иқтисодиётга қўшимча даромадларнинг реал манбасига айланиши мумкин. МЭТҲларда экотуризмнинг ривожланиши минтақага ҳалқаро инвестициялар ва эътиборни жалб қилишга, ўз навбатида эса, маҳаллий аҳоли кўз олдида МЭТҲларнинг аҳамиятини кучайтишига, табиатни муҳофаза қилиш муаммоларига муносабатнинг ўзгаришига олиб келади.

МЭТҲларни ёпик муассасалар сифатида қараш – минтақаларнинг умумий ижтимоий-иктисодий ривожланишидан узилиб қолиш ва маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-кувватлашнинг ўқлиги каби жиддий муаммоларга олиб келди.

Маълумки, юртимиз табиати бой ва хилма-хил. Масалан, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ҳамда «Жайрон» экомаркази, кўриқхона, миллий боғ, буюртмахоналарда жайрон, кулон, Прежевальский отлари, Бухоро тоғ қўйи каби жониворлар билан бирга, ўсимликларнинг минглаб ноёб турлари парваришланмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда истиқлол йилларида табиатни асраш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек кўриқхоналар фаолиятини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки биосфера резерватлари нафақат улар

жойлашган ҳудудларнинг гуллаб-яшнашини таъминлайди, балки жамият эҳтиёжларини қондиришга ҳам хизмат қилади.

Республикамизда бу борадаги ишлар, асосан, 2004 йилда қабул қилинган «Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонун асосида тартибга солинади. Чунки ушбу Қонунда “Биологик ранг-баранглик тўғрисида”, “Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини мухофаза қилиш тўғрисида”, “Ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган сув-боткоқли ҳудудлар тўғрисида”ги ҳалқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатларда белгиланган мажбуриятлар тўла қамраб олинган.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда биохилма-хилликни сақлаш ва мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш максадида «Қўриқхоналар мисолида мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар миллий тизими барқарорлигини таъминлаш», «Ўзбекистон нефть ва газ тармоғига биохилма-хилликни сақлаш тамойилларини жорий қилиш» йўналишида ҳалқаро лойиҳалар татбиқ этилгани ҳам эътиборга моликдир.

Қорақалпогистон Республикасида «Сайғоқ» давлат буюртмахонаси, «Судочье» орнитологик давлат буюртмахонаси фаолият кўрсатмокда. Экология ва атроф-муҳитни мухофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан «Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида ушбу буюртмахоналар ҳудуди режимини сақлаш, ҳайвонот ва наботот дунёсини мухофаза қилиш бўйича давлат назорати ўрнатилган.

Қорақалпогистон Республикасида 2005-2016 йилларда БМТ Тараккىёт дастурига мувофиқ Глобал экологик жамғармаси иштирокида Амударё дельтасида тўқайзорларни асраш ва мухофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини мустаҳкамлаш лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу лойиҳага кўра, умумий майдони 68 минг 717 гектар, шундан мухофаза қилинадиган ҳудуди 11 минг 568 гектар бўлган «Қуйи Амударё биосфера резервати» ташкил этилди. Бу ерда турли ҳайвонлар, хусусан, Бухоро буғуларини мухофаза қилиш, уларнинг яшаси ва кўпайиши учун қулай шароит яратилди.

Устюрт текислигига сайғоқларни мухофаза қилиш ва уларнинг яшаси учун қулай шароит яратиш эҳтиёждан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016 йил 22 июлдаги «Мажмуя (ландшафт) буюртма қўриқхоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

ижросини таъминлаш мақсадида «Сайғоқ» давлат буюртмахонаси базасида беш участкани ўз ичига олган 628,3 минг га. майдон ажратиш белгиланди. Бу участкаларда сайғоқлар ва бошқа кам учрайдиган ҳайвонлар яшashi учун етарли шарт-шароит – серўтлоқ яйловлар, сув манбалари яратилган. Шунинг-дек, бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ландшафтли буюртмахона худудида 219,8 минг га. майдонда муҳофаза зонаси ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг амалга оширилиши сайғоқлар, кам учрай-диган ҳайвонлар ва ўсимликлар популяцияси кўпайишига хизмат қиласди.

Атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик муаммоларни ҳал этишда табиий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда Мўйноқ тумани худудида «Мўйноқ аква саноат» давлат унитар корхонаси ташкил этиш ва унинг тасарруфига умумий майдони 39,3 минг гектар бўлган «Жилтирбас», «Судочье» ва «Рибачье» табиий сув ҳавзаларини доимий фойдаланиш учун бериш мўлжалланмоқда. Ушбу сув ҳавзаларига туташ бўлган Мўйноқ шаҳри ҳамда Қозоқдарё посёлкасида жорий йилда «Ипотека банк» кредити ҳисобидан балиқ чавоқларини етиштирувчи питомник ва инкубация цехлари ишга туширилади. 2017 йилдан бошлаб, корхона мазкур сув ҳавзасида 1 миллион дона балиқ чавоғи етиштириб, бу кўрсаткини ҳар йили 500 минг донага кўпайтириб бориш режалаштирилган.

2017 йилда 450 тонна балиқ етиштириш мўлжалланаётган бўлса, 2020 йилга бориб, бу кўрсаткич 3 минг 500 тоннага етказилади. Балиқлар учун тўйимли озуқа-ем етиштириш учун «Мўйноқ аква саноат» давлат унитар корхонасига 100 гектар экин майдони ажратилади. 2017-2018 йилларда корхона базасида йилига 375 тонна қайта ишланган балиқ ва ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга цех барпо этиш режалаштирилган. Корхонада сиғими 300 тонналик музлаткич камералари ҳам курилади.

Қорақалпоғистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ва биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш, қайта тиклаш борасида дастур ишлаб чиқилиб, қатъий назорат қилинмоқда. Дастурга кўра, Куйи Амударё ирригация тармоқлари ҳавзаси томонидан табиий кўлларда балиқчиликни, Ўрмон хўжалиги томонидан асаларичиликни ривожлантириш

мақсадида йўлга қўйилган ишлар натижасида жорий йилда 30,6 тонна шифобаҳш асал етиштириш мўлжалланмоқда.

МЭТҲларда экологик тарғибот, экологик таълим ва маънавиятни, экотуризмни ривожлантириш зарурати масалалари бюджет маблаглари чекланганлиги шароитида ўзига хос қиинчиликлар тугдира бошлади ва бюджетдан ташқари маблағлар топишни кўндаланг килиб қўйди. Дастрлабки даврларда айнан ушбу масалалар туризмни ривожлантиришнинг асосий мақсади деб саналган. Глобал мазмундаги экотуристик фаолиятга маҳаллий ахолини жалб килиш ёки минтақанинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши жараёнларига уйғунлашув масалалари қараб чиқилмади. Аслида эса, айнан шунинг ўзи экотуризмнинг моҳиятини ташкил этади. Кўпинча, қўрикхоналар-да тартибсиз равишда экотуризмни кўшимча даромад олиш манбаси сифатидигина ривожлантираётганлигига гувоҳ бўламиз. Бу эса, жуда жиддий муаммо ҳисобланади. Етарлича режалаштириш ва бошқарувнинг йўклиги, экологик туризм фаолияти соҳаси билим ва тажрибанинг етишмаслиги, МЭТҲларга салмоқли иқтисодий нафларни келтирмайди. Бундан ташкири, экотизимларга зиён етказиш ва экотуризмни ривожлантириш гоясининг ўзини йўққа чиқариши мумкин.

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, мамлакатимизда ва хусусан, Қорақалпогистон худудида МЭТҲларда экотуризмни ривожлантиришда бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан:

Миллий ва минтақавий даражада:

• аксарият минтақаларда, асосан, туризмнинг анъанавий турларининг кенг ривожланганлиги;

• яқин-яқинларгача Қорақалпогистонда туризмга иқтисодиётнинг иккинчи ёки таъбир жоиз бўлса, учинчидаражали сектори сифатида қараш. Бироқ 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан туризм соҳаси мутасаддилари билан бўлиб ўтган йигилишда «соҳани иқтисодиётнинг етакчи тармоғи сифатида янада такомиллаштириш зарурлигини давр тақозо этмоқда»<sup>61</sup>, деб таъкидланди;

• экотуризмни ривожлантириш бўйича қонунчиликнинг, айниқса, солик сиёсати, виза тизими, ердан фойдаланиш қоидаларининг номукаммаллиги;

<sup>61</sup> Шавкат Мирзиёев. Туризмни янада ривожлантириш масалаларига бағишлиланган йигилиш мактабиниши// Ҳалиқ сунн. 2017 йил 4 октябрь. -Б.1.

• ҳалигача жаҳон андозаларига жавоб берадиган қўриқхоналар негизида экотуризмни ривожлантиришнинг конкрет ривожлантириш режаси ва стратегияси мавжуд эмас. Ҳолбуки, экотуризм маҳаллий бюджетни тўлди-ришнинг, ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг муҳим локомотиви саналади.

Маҳаллий даражада:

• кўпгина МЭТҲларда экологик туризмнинг оқибатларининг рекреацион босимни аниқлаш механизmlари йўлга қўйилмаган. Бу оса, экологик туризмни амалга оширишда қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

• яшаш шароитлари, транспорт воситалари, ташкиллаштирилган туристик маршрутлар, экосўқмоклар жиҳозлари, кузатув жойлари ва бошқа воситалар билан жиҳозланган инфратузилманинг йўқлиги ёки қулай эмаслиги. Республикамиз Президенти Ш.Мирзиев таъкидлаганлариdek, «Туризмни ривожлантириш учун, аввало, зарур инфратузилмани такомиллаштириш шарт. Биринчиси, транспорт, иккинчиси логистика»<sup>62</sup>. Инфратузилма сифатини ва майший шароитларни яхшилаш МЭТҲларга ва маҳаллий аҳолига экотурист-ларни старлича кўпроқ жалб қилишга, таклиф қилинадиган пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва туризмдан келадиган даомадларни оширишга имкон беради.

• МЭТҲларда турлар ва экологик-танишув тўлақонли дастурларининг йўқлиги. Экомарказлар мавжуд қўриқхоналарда экологик таълимни ташкил қилиш соҳасида муайян тажрибанинг этишмаслиги, конкрет кишиларга йўналтирилган эмас, балки мавҳум ўргача олинган ташриф буюрувчининг ҳам минимал манфаатларига мос келмаслиги.

• ўсимликлар ва ҳайвонлар, уларнинг йўқолаётган ноёб турлари тўғрисида батафсил ихтисослашган ахборотнинг йўқлиги. Экотуризмнинг, айникса, ҳалқаро экотуризмнинг муваффакияти ташриф буюрувчиларнинг ҳудудга келишидан аввал ахборот олиш имкониятларига ҳам кўпроқ боғлиқ.

• туристларнинг турли тоифалари учун мўлжалланган комплекс маршрутлар ва дастурларнинг, яъни ҳалқаро туризм бозори талабларига жавоб берувчи турмаҳсулотнинг йўқлиги.

<sup>62</sup> Қаранг: ўша жойда.

- Қорақалпоғистонлик МЭТҲ ходимларида халқаро турларни ташкил қилиш, баҳони шакллантириш, турли тоифадаги ташриф буюрувчилар учун дастурлар уюштириш бўйича маркетинг соҳасида етарли билим ва малакаларнинг йўқлиги. Қабул қилувчи томон истеъмолчиларнинг, айниқса хорижлик меҳмонларнинг ҳақиқий хоҳиш-истакларини тасаввур қила олиш ва англаш бўйича республикамиз минтақаларида умумий туризм соҳасидаги каби, экотуризмда ҳам МЭТҲлар ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш экотуризмнинг сифатини оширган, мавжуд инфратузилма шароитида ҳам ташриф буюрувчиларнинг эҳтиёжларини максимал қондирган бўлар эди.

- Қорақалпоғистондаги табиий ҳудудлар республикамизнинг бошқа минтақаларига қараганда туристларга хилма-хил етарлича пуллик хизматларни тақдим қилиш имкони йўқ, шунинг учун ҳам, минтақада туризмдан даромадлар кутилган даражасидан анча кам.

- МЭТҲларда туристларга кўрсатиладиган хизматларга ягона баҳоналарни шакллантириш стандартлари йўқ ва тақдим қилинадиган хизматлар баҳосига яраша эмас.

- республикамиздаги кўпчилик МЭТҲлар ёки умуман туризм ҳудудларидаги каби Қорақалпоғистонда ҳам юқори рақобатли ўзига хос халқаро экотуризм бозорига чиқадиган сифатли реклама-ахборот материаллари йўқ. Минтақада экотуризмни ривожлантиришда маркетинг муаммолари жуда жиддий саналади ва ҳозиргача республикамиз, минтақаларни, улардаги МЭТҲлардаги мавжуд флора ва фауна, ноёб масканлар, ташриф буюришнинг афзалликлари ҳамда устунликлари, арzon баҳолар хусусидаги тўлақонли ахборотлар жаҳон ҳамжамиятига тақдим этилган эмас.

- минтақавий даражада экотуризмни такшил қилиш ва мувофиқ-лаштириш жараёнларини бошқарадиган ихтисослашган тузилмалар йўқ.

- молиявий тушумларнинг бир қисмини маҳаллий эҳтиёжларга йўналтирадиган механизмалар мавжуд эмас. Кўпгина МЭТҲлар маҳаллий аҳолини экотуризм ривожланишидаги иштироқини муносиб баҳолашмайди. Шу билан бирга, бу маҳаллий аҳолининг МЭТҲга бўлган муносабатини ўзгартириб, улардан кўмак олишга имкон берар эди. Чунки, манбаатдор бўлиб, даромад олгандан кейин маҳаллий аҳоли ҳам мазкур ҳудудни кўз қорачиғидек асрашга интилади.

Шундай бўлишига қарамасдан, хорижий давлатлар ва республикамиз туризм бўйича илфор минтақаларининг тажрибасига кўра, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бугунги ижтимоий-иктисодий шароитларда туризмнинг истиқболли ва ресурс салоҳияти юқори бўлган экотуризм шаклини нисбатан самарали ташкил қилиш ва ривожлантириш, унинг салбий таъсирларини юмшатиш, атроф-муҳитни асрash ва минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш нуктаи назаридан афзалликларини ошириш мумкин. Бунинг учун экотуризмни пухта режалаштириш, бошқариш ва экотуристик фаолият мониторингини олиб бориши зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, экологик туризм МЭТҲлар экологик-маънавий фаолиятининг муҳим ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг фарқли хусусияти туризмнинг бошка турларига караганда, нисбатан, ижтимоий-иктисодий йўналтирилганлигидадир.

Экотуризмни ривожлантираётган МЭТҲлар минтақада иктисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда қатнашмайдиган ёпиқ муассаса бўлиш мақомидан чиқишиади ва ташриф буюрувчилар оқимини ошириб, янги иш ўринларини яратади, янги фаолият турларини ривожлантириб, миллий, маҳаллий маданиятларнинг тикланиши ҳамда минтақада инвестициявий иқлимини яхшилаб, ишончли ҳамкорга айланишади.

### **III БОБ. ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

#### **3.1. Минтақанинг Кўйи Амударё биосфера резервати бўйлаб экотуризмни ривожлантиришнинг янги йўналишлари**

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси ўзининг 26 йиллик мустақил тараққиёти давомида асрларга teng йўлни босиб ўтди. Тарихан қисқа бу даврда шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимиз қиёфаси, жамиятимиздаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар тубдан ўзгарди.

Дарҳаққиат, ўтган 26 йиллик давр бутун мамлакатимиз минтақалари ва ҳудудлар қатори Ўзбекистонимизнинг шимолий қисмида жойлашган, мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожида алоҳида ўрин тутувчи Қорақалпогистон Республикаси ривожида ҳам ўчмас из қолдирди. Биринчи Президентимиз И.Каримов минтақанинг республикамиздаги ўрнига тўхталиб: «Қорақалпоқ ҳалқи доимо юртимизнинг таянч тоғларидан ҳисобланган»<sup>63</sup>, деб таъкидлайди. Ана шунинг учун ҳам, барча минтақалар қатори Қорақалпогистоннинг ривожланишига ҳам улкан зътибор қаратилгани ҳолда давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг бевосита ташаббус--лари билан Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилиб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда айнан қорақалпоқ диёрида мамлакатнинг экспорт салоҳиятининг ошишига бевосита ижобий таъсир кўрсатадиган, дунёда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланаётган тармоғи - туризмни ривожлантириш учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримов «Гўзал географик ва табиий шароитлар республика ҳудудида экологик туризмни ривожлантириш учун ғоят қулайдир»<sup>64</sup>, - деган эди.

Қорақалпогистон Республикасида экологик туризмни ривожлантириш учун таникли ўзбек иктисодчи олими, профессор

<sup>63</sup> Аймбетов Н. ва бошқ. Қарақалпақстан: [китоб-альбом].-Т.:Маънавият, 2011.

<sup>64</sup> Халқ сўзи, 2007 йил 26 январь.

Н.Тўхлиев келтириб ўтган 7 та талабга (туарар-жой, озиқ-овқат, хизмат кўрсатиш, инфратузилма, маҳаллий хусусиятлар сақланганлиги, ландшафт, транспорт) тўлақонли жавоб берувчи турмаҳсулотлар мавжуд<sup>65</sup>.

Қорақалпогистонда экологик туризмни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан ва ўчоқларидан бири Қўйи Амударё давлат биосфера резервати (ҚАДБР) ҳисобланади. Мазкур янги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд Қорақалпогистон Республикаси хукумати, БМТ Тараққиёт дастури (ТД) ва Глобал экологик жамғарма (ГЕЖ)нинг «Қорақалпогистондаги Амударё дельтасида тўқай ўрмонларини сақлаш ва қўриқланадиган ҳудудлар тизимларини мустаҳкамлаш» деб номланган қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилган. Янги ташкил этилган биосфера резервати нафақат табиатни муҳофаза қилувчилар, табиат учун, балки, умуман, минтақа аҳолиси учун ҳам чинакам қимматбаҳо совга бўлди. Зоро, Амударё дельтасининг ноёб ҳайвонот ва ўсимликлар оламига эга бўлган тўқай ўрмонлари дунё аҳамиятига эгадир.

Биосфера резервати деганда биологик хилма-хилликни сақлашни ва бир вактда минтақанинг барқарор иқтисодий ривожланиши тушунилади. Улар табиий ва маданий ландшафтларни сақлаш мақсадида ташкил этилади. Шундай қилиб, инсон ва барқарор хўжалик ривожланиши, шунга ўхшаш алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудуд (АМҚҲ)ларни яратишнинг асосий тамойилларидан биридир.

Хозирги вактда бутун дунё, шу жумладан, Қорақалпогистон ҳам, табиий ресурсларни сақлаб қолиш ва улардан барқарор фойдаланиш муаммоси олдида турибди. Кейинги йилларда Ер юзидаги минг йиллардан бери мавжуд бўлиб келган бир бутун табиий объектлар, улар билан биргаликда мазкур объектларнинг бетакрор ҳайвонот ва ўсимликлар олами ҳам йўқолмоқда. Биосфера резерватлари айни табиат ресурсларини сақлаб қолиш ва улардан барқарор фойдаланиш учун барпо этилади. Дунёдаги 120 мамлакатда 669 та биосфера резерватлари ташкил этилган ва улар самарали фаолият юритяпти. Ўзбекистон Республикаси хукуматининг ташаббуси ва БМТ ТД – ГЕЖ қўллаб-куvvатлаши

<sup>65</sup> Ўша жойда.

билин ташкил этилган ҚАДБР Ўзбекистонда бундай тоифадаги дастлабки муҳофаза қилинадиган ҳудуддир.

Биосфера резерватининг асосий вазифаси – табиятни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан барқарор фойдаланишдир. Унинг кўп зоналардан ташкил топиши бир вақтнинг ўзида одам оёғи тегмаган табиятнинг қимматли жойларини дахлсиз ва барқарор ривожлантириш имконини беради.

ҚАДБРнинг умумий майдони 68717,8 га.ни ташкил қилгани ҳолда ҳудуд 3 та зонага ажратилади: қўриқланадиган ҳудуд, ён ҳудуд ва ўтиш ҳудуди.

Қўриқланадиган ҳудуднинг умумий майдони 11568,3 га. тенг ва асосан, ноёб, зонада биологик хилма-хилликни сақлаш ҳавф остида бўлган, йўқолиб кетиши мумкин бўлган эски ўрмонларни сақлаб қолишга мўлжалланган ҳамда табиий тикланувчи ўрмонлардан ташкил топган. Мазкур ҳудудда ихтиёрий хўжалик фаолияти тақиқланади ва фақатгина илмий-тадқиқотлар ҳамда мониторинг ўтказишга руҳсат берилади.

Ён ҳудуднинг умумий майдони - 6731,4 га тенг бўлиб, ушбу ҳудуд қўриқланадиган ҳудудни ўраб туради. Мазкур ҳудуд қўриқланадиган ҳудуд билан ресурслардан интенсив фойдаланиладиган ҳудуд ўртасида буфер зонаси хисобланади, қўриқланадиган ҳудуднинг участкалари ўртасида муҳим экологик йўлак, коридор вазифасини бажаради ҳамда ўрмон массивларини сақлаш ва уларни қайта тиклашга имкон беради.

Ўтиш ҳудудининг умумий майдони 50418,1 га тенг бўлиб, асосий ҳудудларга (қўриқланадиган ва ён ҳудудлар) туташади ҳамда табиятдан барқарор фойдаланишини ривожлантиришга имкон беради. Ушбу ҳудудда кишлоқ аҳолиси мавжуд бўлиб, йирик аҳоли пунктлари ҳамда заарли ва ҳавфли иқтисодий ишлаб чиқариш обьектлари йўқ.

Куйи Амударё давлат биосфера резерватида умуртқали ҳайвонларнинг 356 хил тури рўйхатга олинган:

43 турдаги балиқлар; 2 турдаги амфибиялар; 29 турдаги судралиб юрувчилар; 246 турдаги кушлар; 36 турдаги сут эмизувчилар.

ҚАДБРда мавжуд 43 та турдаги балиқларнинг 12 та тури Ўзбекистон Республикасининг “Қизил китоби”га киритилган.

Шунингдек, ҚАДБРда мавжуд 246 та турдаги кушларнинг 23 та тури, жумладан, Бинафшаранг бирқозон, (*Pelesanus onosrotalus* L.,

1758), Олачипор жингалак бирқозон (*Pelesanus sisipus* B., 1832), кичик боқлон (*Phakasorah pigmaeus* P., 1773), кичик лойхўрак (цапля, *Egretta garzetta* L., 1766) ва бошқа кўпгина қушлар Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтда ҚАДБРда мавжуд 36 та турдаги сут эмизувчиларнинг 1 та тури, яъни Бухоро кийиги (*Ersvus elaphus bastrianus* L., 1900) йўқолиб бораётган, маҳаллий тарқалган тур сифатида Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган.

ҚАДБРнинг ўсимлик дунёси 419 турдаги ўсимликлардан иборат бўлиб, уларнинг 245 таси турларга ва 70 таси оиласларга тегишилдири. Мутахассислар томонидан 320 та озукавий, 68 та доривор, 73 та алкалоид, 47 та ёғочбоп, 20 та бўёқбоп, 56 та заҳарли, 11 та толобоп, 40 та асаларибоп, 25 та эфирмой-лари мавжуд дараҳт, гул ва бошқа турдаги ўсимликлар борлиги баҳоланган.

Ўрмон ҳосил қилувчи тўқайбардошлар турларининг, тўранғилнинг, асосан, иккита тури фарқланади: турли баргли тол (*Populus diversifolia*); - барглари зич тол (*Populus pruinosa*).

Шунингдек, лоҳнинг ҳам 2 та тури мавжуд: ингичкабаргли лоҳ (*Elaeagnus angustifolia*) ва шарқ лоҳ (*Elaeagnus orientalis*).

Шундай қилиб, ҚАДБРнинг генофондини ва тўқайлари биохилма-хиллигини сақлаш Жанубий Оролбўйида нафақат ҳозирги вақтда, балки келгусида ҳам катта муаммо бўлиб қолади.

ҚАДБРда ҳар йили Бухоро кийиги ва Хива қирғовулининг ҳам сони, кўпайиш динамикаси ҳисобга олинаяпти. Жаҳон ёввойи табиат жамғармасининг грант маблағларини жалб этган ҳолда Бухоро кийиги яшашининг табиий ареалини кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратилди ҳамда тўқай ўрмонларига мавжуд юкламаларни бевосита ва билвосита пасайтириш стратегияси ишлаб чиқилди. Сув ва ер ресурсларидан барқарор фойдаланиш усуллари синовдан ўтказилиб, ўз турмушида кенг қўллашлари учун маҳаллий ахолига таклиф қилиняпти. Чорвачиликни барқарор ривожлантириш учун лойиҳа асосида шарт-шароитлар яратилмоқда ва энергиянинг муқобил манбалари таклиф қилиняпти. Бошқача айтганда, биосфера резервати бундан кейин фақат лойиҳа таклиф этган ташабbusларни ривожлантириши мумкин.

Тўқайлар ва ботқоқли қамишзорлар авваллари Амударё дельтасига тегишли бўлиб, жуда катта майдонларни эгаллаган. Ҳозирги вақтда Куйи Амударёдаги тўқайларда тўқай ўсимликларининг 61 тури ҳисобга олинган. Улардан кенг

тарқалғанлари шўра ва мураккаб гуллилар оиласлари ҳисобланади. Ёғоч эдификаторларининг ҳаммаси толлар (5 тур), жийдалар (1 тур) оиласлаларига мансуб бўлиб, тўқай флорасининг 11 фоизини ташкил қилади. Буталар билан кўп йиллик ўтлар кенг тарқалган бўлиб, улар тўқайлардаги ўт қатламини ташкил қилади. Одатда, бир йиллик ва икки йиллик ўтлар гурухда кам учрайди ва кўп ўсмайди.

Амударё дельтасидаги тўқайларнинг фаунасида 27 турдаги сут эмизувчилар бўлиб, улар Қорақалпогистондаги сут эмизувчиларнинг турларининг жами 40 фоизини ташкил қилади. Бутазорларда тўрсиқ, кам бўлса-да мушук билан тулки яшайди. Бундан ташқари, тўқайларда қулоқли типратикон билан жайра ҳам учрайди. Кемирувчилардан ёввойи тўқай қуёни, уй сичқони жуда кўп бўлиб, одатда, пластинка тишли аламан, кум сичқони ва бошқалар мавжуд.

Қорақалпогистон Республикасида «Бадай-Тўқай» текислик-тўқайзор давлат қўриқхонаси мавжуд тўқайзорларни сақлаб қолиш, Бухоро буғуси ва Хива қирғовулини табиий ҳолатда кўпайтириш мақсадида 1971 йилда Беруний тумани худудида ташкил этилган. Қўриқхонанинг умумий майдони 6462 гектар бўлиб, унинг 60 фоизи тўқайзорлардир. Қўриқхона флораси 167 хилдаги ўсимликлардан иборат. Бу ерда ўсадиган лоланинг икки хили Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган. Қўриқхона фаунасида 26 хилдаги балиқ, 2 хил сувда ва қуруқлиқда яшовчи жонивор, 13 хил судралиб юрувчи, 90 хилдан ортиқ күш, 15 хилдаги сут эмизувчи бор. Қўриқхона худудида Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби»га ва Ҳалқаро «Қизил китоб»га киритилган кичик ва катта Амударё қуракбуруни, Орол ва Туркистон мўйловдори, паррак қорабузов, кичик оққўтон, Бухоро буғуси яшайди.

Тўқайларнинг ҳамма жойида туёқли ҳайвонлардан тўнғиз ва Бухоро буғуси яшайди. Тўнғизлар фақатгина тўқайларда яшаб, сунда Үсунчи екан (жекан) ва қамиш томирлари билан, кузда эса жиёнда билан озиқланади. Бадай-тўқай қўриқхонаси худудий ва жиён биологик хилма-хиллик учун аҳамиятли бўлган, Бухоро буғусининг дунёдаги ёнирик популляцияси (2010-йилги ҳисобга олиш бўйича – 582 бони) сақланадиган жой сифатида қўриқхона экотуризм учун катта оҳимиятги эта бўлиб, ундаги Бухоро буғулари ҳалқаро ва маҳаллий туристларди катта қизиқиш уйғотади.

Бундан ташқари, резерват ҳудудида Жампик қалъа, Гаур қалъа, Шилпик кўргони, Шайх Жалил бобо каби тарихий ёдгорликлар билан бирга, Султон Увайс тоги, Амударё соҳилида кўпгина табиий экотуристик обьектлар ҳам мавжуд. Ана шундай экотуристик обьектлардан бири Нукус шахридан 43 км. жанубда Амударёнинг ўнг соҳилида 35-40 м баланд тепаликда II-III-IX-XI асрлар ёдгорлиги «Шилпик кўргони» жойлашган. Вазифаси бўйича кўргон зороастризм дастури бўйича ўлган одамларнинг мурдасини олиб келган.

Ўрта асрларда (IX-XI аср) маҳаллий халқнинг дини ва маданияти ўзгариши билан Шилпик сигнал берувчи минорага, тепаликка айланган (6-илова). Кўргонга тоғнинг табиий йўли олиб боради. Унинг катта йўлга яқин жойлашганлиги халқаро магистрал йўл, трассадан ўтаётган йўловчиларни ва туристларни ўзига жалб қиласди. Туристлар кўргонга гидлар билан экспурсияга чиқишлари, атрофини айланиб томоша қилишлари ва расмга тушишлари учун жуда ажойиб, манзарали жой хисобланади. Тепалик устида туриб атроф манзарасини кузатиш ҳар бир инсонга завқ бағишлади.

“Шилпик кўргони” биосфера резерват ҳудудида жойлашган бўлиб, уни туристлар ташриф буюрадиган асосий обьектлардан бири сифатида Қорақалпоғистонинг маъмурий маркази Нукус шахрига ва Мўйиноқча туристларни олиб бораётган барча туркомпаниялар маршрутларига киритган.

Биосфера резерватининг Қипчоқ ахоли пунктида Амударё соҳилида пантон кўпригининг атрофида катта бўлмаган хусусий катер ва баржаларни (ўзи юрар ясси юк кемалар) кўришимиз мумкин.

Мазкур катер ва баржаларда хорижий вва маҳаллий туристларнинг Амударё бўйлаб сувда саёҳати амалга оширилади. Уларнинг палубалари, керакли рўзгор-ошхона ускуналари ва жиҳозлари, унча катта бўлмаган стол ва стуллари мавжуд. Катерларда туристларга қовурилган, димланган, дудланган, кабоб қилинган балиқ, қўй, корамол, товуқ гўштларидан шашлик, мавсум пайтларида ёввойи, овлаш тақиқланмаган қушларнинг парҳез гўштларидан турли хил миллий овқатлар, қорма (шавланинг суюқ қилиб қўй, парранда, қорамол ёки ов гўшти жуда кўп солинган тури, одатда, қўй гўшидан қилинади) ёки ош каби овқатлар тақдим қилинади. Шунингдек, юқоридаги сув транспортларида яхна,

салқын ичимликлар билан биргә, ўзига хос таъмга, шифобаҳш хусусиятларга эга Амударёning табиий лойқа сувидан қумғон чой (Хоразмчасига тонқачой) ҳамда бошқа күшимиңча экзотик хизматлар тақдим қилиниши мумкин. Туристлар хоҳласа ёки саёҳатни уюштираётган турфирма ёки мезбон томон ташкилотчилиги даражасига қараб катерларда Қорақалпок, Хоразм баҳшилари, созандалари, раққосалари, ҳалфа ёки лапарчиларининг хизматидан баҳраманд бўлиш мумкин.

Мазкур ҳудудда самарали ва истиқболли экотуристик йўналишларни ташкил қилиш мақсага мувофиқ. Жумладан:

1-экотуристик йўналиш. Қипчоқ аҳоли пунктидаги пантон кўпригидан Жумиртау кўпригигача бўлган тўғри чизиқли экотуристик йўналиш;

2-экотуристик йўналиш. Қипчоқ аҳоли пунктидаги пантон кўпригидан оқим бўйлаб биосфера резерват ҳудудигача тўғри чизиқли экотуристик йўналиш.

Кўприкдан ўтгандан кейин 15-20 хил турдаги балиқ таомларини тайёрлайдиган маҳаллий ошхоналар мавжуд. Туман ҳудудида Хўжакўл кўлидан 1 км. шарқда жойлашган X-XIII асрлар ёдгорлиги Хўжакўл сигнал тепалиги, минораси мавжуд. Ушбу тепалик ҳозирда 5 м. баландликда сақланиб қолган, унинг асоси лойдан ясалган бўлиб, 32x32x5 см. размердаги ғиштдан курилган 8x5 м. ўлчамдаги тўғрибурчак шаклига эга.

Шунингдек, юқоридаги жараёнларни Амударё соҳилларида жойлашган маҳаллий ошхоналарда ташкил қилиш, балиқ овлашга қизиқадиган туристлар учун қармоқларни, сув велосипедлари (катамаран), скуттерларни, моторли ва кичкина механик қайиқчаларни, саёҳат буюмларини (турли тўшамчилар, рюкзак, кўзойнак, сув кийимлари, кутқарув нимчалари ва балончалари) ижарага бериш ва сотиш шаҳобчаларини ташкил этиш лозим (8-Илова).

Бундан ташқари, Қипчоқда аҳоли турмуш тарзини, маҳаллий усулда лой-пахсадан курилган уйларни кузатиш имконияти мавжуд. Дарё соҳилида катерлар турадиган жойда тўранғилли тўқайларнинг хусусияти, тарихи, ҳайвонот дунёси, уларни муҳофаза қилишга кўмаклашиш ва экспурсия қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган стендларни осиш мақсадга мувофиқ.

Амударё соҳиллари ва резерват бўйлаб саёҳатларни йилнинг баҳор, ёз ва куз мавсумларида амалга ошириш мумкин. Резерват

худудида баҳорнинг ўзига хос яшариш мавсуми жозибаси, ёзниг иссиқ ифори ва қуёш тафтини, олтин кузнинг ажойиб мўжизасини кузатиш мумкин.

Султон Увайс тоғининг жануби-гарбий этагида Амударёнинг ўнг соҳилида қадимий ёдгорликларнинг бири - Жампик қалъя (IX - XI аср, XII - XIV аср.) жойлашган (9-Илова).

Қалъя канал четида, Бадай-тўқай қўриқланадиган худуди эса унинг ёнида жойлашган. Жампик қалъанинг максимал узунлиги 420 м., эни 288 м.га тенг. Деворлари 9 м. баландликда лой пахсадан иборат. Деворнинг устидан ўқ-ёй тарзли галерея ўтган (96 м. ёниликда). Унга зиналар ёрдамида кўтарилади. Деворнинг айrim жойлари тош парчалари билан қайта ишланган. Шарқий томонида нахса деворларининг тўғри бурчакли шаклдаги цитадел сақланган. Џеворлар ёпик устунлар билан безатилган бўлиб, бу эски қалъя ўрта асрларда порт шаҳар бўлган<sup>66</sup>.

Жампикқалъя тепалиги Амударёнинг ўнг томонида Кўянчиқ тспалигида Қаратай посёлкасидан 4 км. жанубда жойлашган. Бу жойларда тия ва отларда сафари саёҳатларини ташкил қилиш туристлар ҳаётининг унутилмас онлари сифатида ёдида қолади деб ўйлаймиз. Қалъя билан қўриқхона худуди орасидан Кўқдарё канали оқиб ўтади ва ажойиб манзарани ҳосил қиласди. Канал соҳилида катта тераклари билан Бадай-тўқайнинг тўранғилли тўқайзорлари савлат тўкиб турибди. Мазкур худуд маданий, диний ҳамда экотуристик йўналишларнинг мажмуасини ташкил қилиш керак бўлган жуда гўзал ва табиий манзарали жой ҳисобланади. Масалан, Гаур қалъя ва Жампик қалъя ёдгорликлари бўйлаб экскурсия, сигнал тепалиги ёки минорасини томоша қиласдиган кузатиш ўрни, дарё ва ён-атрофни, соҳилларни от ва туда сайд қилиш ва х.к.

Шуни алоҳида таъкиллаш жоизки, канал соҳилига шийпончалар, супалар, сўрилар ва қора уйлар, ўтовлар қўйиб, минимал зарур туристик инфратузилмани (овқат тайёрлаш ёки етказиб бериш, кўчма душ ёки ҳожатхоналар) яратиб, оқаётган сув шовқинини эшитиш, манзарани кузатиш, қуш овлаш, тия ва отда, араваларда сайд қилиш, 1-2 соатлик, 3-4 соатлик, ва ярим кунлик, 1 суткалик экотурлар, овқатланиш, санузел, ювениш, кумга кўмилиш, балчиқда ётиш каби бальнеологик ва бошқа қўшимча хизматларни ташкил қилиш мумкин.

<sup>66</sup> Хожаниязов Г., Ҳакимиязов Ж. Каракалпакстаниң эжайып жети естелиги. -Н: «Қарақалпакстан», 2004. -Б.30-31.

Агар каналнинг икки соҳилида Бухоро буғуси, жайрон, от, тuya каби ҳайвонларни боқадиган боғлар ташкил этилиб, маҳсус алоҳида жойларда буғулар, жайронлар ҳаракатини кузатадиган кузатув минораларини Кўқдарё каналининг шимолий томонида Жампиқ қалъанинг ёнида қурилса, балиқ овини ташкил этилса туристларга анча экзотик завқ бағишладиган ажойиб манзара яратиш мумкин.

Мазкур канал ёки дарё соҳиллари бўйида туристик фаолиятни ташкил қилиш учун Амударё бўйида жойлашган Ақтау аҳоли посёлкасида яшовчи одамларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, уларда маҳаллий ёки хорижий туристларни кутиб олиш, меҳмонларга сервис хизматлари кўрсатиш бўйича қисқа муддатли тренинг-семинарлар ташкил қилиш, уларни маҳсус турфирмага ностандарт тарзда (flexcible employment) мавсумий равишда бириктириш лозим. Натижада, улар йилнинг март-октябр ойларида, камида 8 ой давомида доимий иш билан таъминланади.

Гаур қалъа ёдгорлиги учбурчакли кўринишига эга. Унинг шимолий деворининг узунлиги 200 м. атрофида, шарқий қисми эса 50 м. жанубга чўзилган, кейин яна биринчи йўналиш бўйича 50 м.га давом этади.

Шарқий деворининг узунлиги 450 м., гарбий деворининг жанубий қисми Амударё суви билан ювилиб 400 м. оралиқда сақланиб қолган ва дарё бўйлаб 40 –100 м. узунликка чўзилган (10-илова).

Гаур қалъа ва Жампиқ қалъа орасидаги масофа 9 км. Йўлда X – XIII асрларнинг ёдгорлиги бўлган Жампиқ қалъа сигнал берувчи тепалигини, лой минорасини кўриш ва расмга тушириш имконияти бор. Тепалик чўзилган пирамида шаклига, асоси тўғрбурчакли шаклга эга бўлиб, 4,8x4,6 м.га тенг<sup>67</sup>.

Шайх Жалил бобо зиёратгоҳи мажмуудан иборат бўлиб, унга бир неча тарихий археологик обьектлар киради: Шайх Жалил бобо гумбази (кабри), ҳовуз, чинор, булоқ, хумбуз (loydan бўлган идиштовоқларни, фиштни пиширадиган маҳсус курилган иншоот, печь), “чиллахона”, “Жийдали булоқ”, “Кийик соғған”, “Шыбықлы”, “Муножот тепа” ва бошқалар.

Беруний тумани аҳолиси ва туристларнинг ёзги дам олиши учун Сариату тўқай массивининг чегарасидаги Амударёнинг қўлтиғини фойдаланса бўлади. Бу жой туристлар учун қулай бўлиб,

<sup>67</sup> Хожаниязов Г., Ҳакимиязов Ж. Қарақалпакстаниң әжайып жети естелиги. -Н: «Қарақалпакстан», 2004. -Б.30-31.

эни 200-250 м., узунлиги 400 м. бўлган қўлтиқ, унинг ўртасида эни 20-25 м., узунлиги 100 м. бўлган оролча бор (11-Илова).

Ҳозирги вақтда маҳаллий аҳоли ёзда бу ерга дам олиш, чўмилиш ва кумли пляжда офтобда қорайиш, табиат қўйнида корпоратив ёки яқинлар билан дам олиш учун тез-тез келишади. Бу ерда бир неча кемпинглар, ёзда қора уйларни куриш мумкин.

Шунингдек, овқатланиш жойи, қайик ва катамаранлардан фойдаланиш, супа ва сўрилар, шийпончалар, күёш нуридан ҳимоя воситалари, сувда сузиш учун ҳимоя воситаларини ижарага бериш пунклари, сувенирлар сотадиган дўконлар ташкил қилиш имкони мавжуд.

Тўқай хўжалиги ходимларида отлар мавжуд бўлиб, уларни туристларга миниш учун ижарага бериш ва улар ёрдамида Сариатуу массивининг табиати билан танишиш учун тўқай бўйлаб саёҳат қилиши мумкин.

Юкоридаги тадқиқот ва тахлилларимиздан келиб чиқсан ҳолда, мазкур ҳудудда биз 2 та туристик маршрутлар ва туристлар дам олиш дастурларини таклиф қиласиз (12-иловага қаранг):

Бу ерда биосфера резервати томонидан «яшил патруллар», «сув куни», «экология куни» каби акцияларни ўтказиш мумкин. Шунингдек, Беруний тўқай хўжалиги дарвозасидан бошлаб, йўлнинг четига Сариатуу массиви ҳудудида яшовчи сут эмизувчилар, қушлар, судралувчилар, тўқай ҳудудида юриш, кузатиш қоидалари ҳақидаги паноларни жойлаштириш керак.

Бизнинг фикримизча, ҚАДБР ҳудудида куйидаги тавсия ва таклифларни келтиришни лозим. Жумладан, ҚАДБРнинг юкорида санаб ўтилган ҳудудлари ва объектларида туристик фаолиятни ташкил этиш учун резерватнинг интернет сайтини яратиш, экскурсия йўналишларини белгилаш, боғлар барпо этиш, резерват ичида йўл белгиларини ўрнатиш, бошка алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар билан алоқада бўлиш, ҳайвонлар турларини кўпайтириш, реклама қилиш, миллий, маҳаллий ва ҳатто, ҳалқаро даражада акциялар ташкил қилиш, саёҳат давомида зарур анжомларни ижарага бериш шаҳобчаларини ташкил қилиш лозим. Шунингдек, туризм ва экотуризм масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, илмий тадқиқ этиш ҳамда кадрлар масаласини ҳал қилиш мақсадида Қорақалпоқ давлат университетида экологик туризм бўйича бакалаврият таълим йўналишини, 2020 йилга бориб, экологик туризм мутахассислиги бўйича магистратурани очиш,

ОЎЮларидаги биология, ветеринария, география, иқтисодиёт, экология, тарих каби таълим йўналишларида ўқиётган талабаларни малакавий ёки дала амалиётларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги тавсия ва таклифларни амалга ошириш, ҚАДБР худуди ва атрофида экотуристик йўналишларни йўлга кўйиш орқали қўйидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни амалда ҳал қилган бўламиз:

- Атроф-муҳит муҳофазасига аҳоли ва кенг жамоатчиликни жалб қилиш;
- резерват худудида биохилма-хилликни асрарш;
- ҳайвонот боғларини ташкил қилиш;
- маҳаллий аҳолини бандликнинг мавсумий ва ностандарт шакли асосида 6-8 ой давомида кўшимча иш ва даромад билан таъминлаш;
- тарихий обидаларни муҳофаза қилишни янада кучайтириш;
- ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;
- республикамизнинг ўзига хос ва мос бир худуди сифатида минтақанинг маданиятини, табиатини дунёга танитиши;
- худудда ер устида, ер ва сув остида дала амалиётлари, илмий тадқиқотлар ўtkазиш, археологик қазишмалар, экспедицияларни йўлга кўйиш орқали тарихимизни ва табиатимизни янада чуқурроқ ўрганиши;
- худудда туристик инфратузилмани йўлга кўйиш, мавжудларини замон талаблари, жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш ва такомиллаштириш орқали республикамизнинг ЯҲМда хизматларнинг, хусусан, туризмнинг улушкини, умумий экспорт ҳажмида эса туристик хизматлар экспорти ҳажмини ошириш ва ҳ.к.

Юқорида кўрсатилган биосфера резервати бўйлаб кўрсатилган туристик обьектлар вақт ўтиши билан Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос табиати, иқлими, ҳайвонот дунёсига эга бўлган экотуристик имкониятлари Кўйи Амударё минтақасида жойлашган Қорақалпоғистон Республикасининг туристик брендига айланиши мумкин.

### **3.2. Устюрт платосининг табиий-ландшафт салоҳиятидан экотуристик маршрутларни ишлаб чиқишида самарали фойдаланиш**

Экотуризм дунёнинг аксарият давлатларига тегишли фаолият тури бўлиб, фаол дам олишнинг бир шакли, унга кўра инсон ўз соғлигини тиклабгина қолмай, балки табиат кўйнида бирга бўлиш, флора, фауна ва атроф мухитдан завқланиш билан бирга, бир қанча ёстетик хиссиятлар олади. Бугунги кунда экотуризмнинг мақсади хозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристик йўналишда оқилона фойдаланишдан иборат. Экологик туризм деб тан олиш учун кўйидаги қоидаларга риоя қилиш керак: кўрсатилган хизмат йўналиши экологик бўлиши шарт, туристларларга хизмат кўрсатадиган транспорт экологик тоза, экологик фойдали, ичимлик ва озиқ-овқатлар экологик тоза, унинг таркибида маҳаллий маҳсулотлар бўлиши, малакали гидлар, сайёхларни қизиқарли ва экологик тоза табиий ва маданий жойларга бошлаб бориш керак.

Бутунжоҳон туристлик ташкилоти (БТТ) таърифига кўра, экотуризм – табиий худудларга масъулият билан саёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза этишни таъминлайди ва маҳаллий халқнинг турмуш даражасини яхшилайди<sup>68</sup>.

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепциясида – экотуризм деганда нафакат маърифий-маънавий мақсадларни кўзлаган ҳолда экзотик табиий худудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига саёҳат, балки ижтимоий-иктисодий масалаларнинг амалга оширилиши ёрдамида экология муаммоларини ҳал қилиш билан бир-бирига боғлиқ мажмуалар йиғиндисини тушунамиз.

Ўзбекистонлик эколог олимларнинг умумлаштирилган фикрларига кўра, экотуризм ўз ичига маърифий-маънавий тушунчалар остида экотурист-ларнинг экзотик табиий худудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига, табиий худудларнинг тарихий ёдгорликларига, археологик топилмаларига, геологиясига, палеонтологик қолдиқларига, табиат билан боғлиқ мажмуаларга саёҳатлари кабиларни қамраб олади.

<sup>68</sup> [www.wto.org](http://www.wto.org)

2005 йилда Орол бўйини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари ҳақида Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси (ХОҚЖ) Нукус филиали директори томонидан экотуризмни ривожлантириш бўйича «Қулай жойларда комплекс сервис хизматларини кўрсатадиган шоҳобчаларига, кичик меҳмонхоналарига, спорт, ов ва балиқ овлаш хўжаликларига эга бўлган экологик саёҳатни (экотуризмни) ривожлантириш бўйича доимий амал қиласидиган кичик ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш лозим», - деган таклиф билдирилди<sup>69</sup>.

Ўзбекистоннинг кўпгина миintaқаларидаги каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам нафакат умумий туризмни, балки унинг ўзига хос бўлган экотуризмни ривожлантириш учун жуда катта туристик салоҳият мавжуд. Чунки, Қорақалпоғистоннинг ҳеч бир миintaқада учрамайдиган табиати, ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, даштлари, кўл ва сув ҳавзалари, Амударё этаклари, Бадай-тўқай қўрикхонаси, Устюрт текислиги, Қизил кўм чўли ва янги пайдо бўлган Оролқум тузли чўли, Амударё дельтаси, қолдиқ тоғлар билан Султон Увайс тоғ, Белтау, Кусханатау тепаликлари табиий-худудий экотизимларининг мавжудлиги бошқа ҳудудларга нисбатан Қорақалпоғистон учун рақобат устуворликларини таъминлайди.

Айниқса, кейинги йилларда Қорақалпоғистоннинг шимоли-гарбида жойлашган, Қозогистон, Россия Федерацияси билан чегарадош бўлган Устюрт платоси Каспий билан Орол денгизлари ўртасидаги Ер шарининг сувсиз чўлистоңликларидан бири бўлиб, бу ерда дехқончилик қилиш мумкин эмас. Шундай кийин, экологик табиатга эга бўлишига қарамай, Устюртда Қадимги тош даврларидан бошлаб, XX асрнинг бошларигача бўлган даврни ўз ичига олган эсдаликларни учратиш мумкин. Хусусан, Устюрт платосида фанда қурилиши сирли бўлган қальдалар мавжуд.

Устюрт платоси - Буюк ипак йўлининг бўйида жойлашган бўлиб, қадимдан стратегик аҳамиятга эга савдо йўли ҳамда Каспий денгизи билан Орол денгизлари ўртасидан ўтадиган куруклиқдаги ягона ўтиш жойидир. Ҳозирги даврда ҳам Ўзбекистоннинг шимоли-гарбий дарвозаси ва Шарқ билан гарбни боғловчи худуд хисобланади. Устюрт платосида жойлашган жаҳон стандартларига

<sup>69</sup> «Эркин Қарақалпақстан» газетаси, 2005 йил, 11 январ, 5-сон.

жавоб берадиган автомагистрал ва темир йўли иқтисодиётимиз қон томирлари ҳисобланади.

Бу ерда қадимий *аранлар* қабиласи яшаган. Орол денгизи бўйларидан бошлаб, Каспий денгизи соҳилларигача бўлган оралиқда чўзилиб ётган Устюрт платоси худудида аранлар қурилишлари қолган. Бу ҳамон фанда сирлилигича қолмоқда. Аранларнинг (сардоба) узунлиги ўртача 600 метрдан 900 метргача, эни 400-600 метрни ташкил этган. Уларнинг умумий майдони 18 гектардан каттароқ бўлган. Бу қор ва ёмғир сувини йиғиш учун қурилган сув сақлагичлар ҳисобланади. Аранлардан сув ичиш мақсадида савдо карвонлари тўхтаб ўтган<sup>70</sup>.

Бундай сугориш, сув сақлаш усуллари Туркманистоннинг баъзи чорвадорларида ҳозиргача давом этмоқда<sup>71</sup>.

Устюрт платоси баландлиги 300 м.га етадиган туташ текислик ҳисобланади (ўртача узунлиги — 100-200 м.), унда баландлиги 292 м.гача бир қатор тепаликлар (Ақтумсик, Қарабаур) ва бир неча чуқурликлар мавжуд, уларнинг энг иирикларига Барсакелмес (- 50 м.) ва Асеке-Аудан (- 29 м.) киради. Текислик Орол денгизида ва Амударё дельтасида тик чинклар, яъни платонинг баландлиги ўртача 300-350 метр бўлган ернинг бирданига бўртиб чиқкан тик қоясимон баланд тепаликлари билан тугайди. Устюртнинг жануби-гарбида Сариқамис чуқурлигининг шимолий қисми жойлашган.

Устюртнинг гарбий ярими Қозогистон Республикаси худудига тегишли бўлиб, Қарақалпогистон Устюрти 70 минг км<sup>2</sup> майдонни эгаллаган. Устюрт платоси атрофидаги текисликлардан анча баландлиги билан ажralиб туради. У барча томонларидан атрофидаги ерларга ва чуқурликларга деярли тик қояликлар билан чинклар чегараланади. Бу қояларни географик адабиётларда «чинк» деб атайди. Устюрт платоси Америка ва Канададаги тик қоя тепаликлардан ҳеч ҳам колишмайди.

Устюрт платоси чинклар, сойлар, чуқурлик ва жарликлар билан кесишиб, улардан баъзилари платонинг устига чиқадиган йўл вазифасини ҳам бажаради. Устюртнинг жанубида тўлқин сингари бўлган Қоплон қирини, унинг шимол томонида Устюртнинг марказида шимоли-гарбдан жануби-шарққа чўзилган Қарабаур қирини учратамиз. Устюртнинг энг баланд чўққиси ҳам ўша ерда

<sup>70</sup> Ҳожаниязов Ф., Ҳәкимназов Ж. Қарақалпакстаниң әжайи卜 жети естелиги. –Нөкис: «Қарақалпакстан», 2004, -Б.30-31.

<sup>71</sup> Есбергенов Х. Конърат тарийхий ҳам мәдений естеликлери. -Нөкис, 1993, -Б.52.

Қарабаур билан яқын жойлашган Барсакелмес чуқурлиги бүйлаб Күнгирот – Мақат темир йўли ўтади.

Қорақалпоғистон Устюртида юқоридаги қирларнинг ораларида ҳар хил кўламдаги бир неча чуқурликларни учратамиз. Жумладан:

Шимолий Устюрт чуқурликлари. Устюртнинг энг шимолий қисмida жойлашиб, у шимоли-шарқдан жануби-гарб томон чўзилган. Чуқурликнинг тубларида ҳар хил кўламдаги шўр ерлар ва кумлар учрайди. Шулардан Жаринқудуқ қумлиги бизнинг республикамиз ҳудудига тегишили.

Барсакелмес чуқурлиги. Устюртнинг марказий қисмida жойлашиб, майдони 1000 км<sup>2</sup> ни ташкил қилади. Чуқурликнинг марказида Барсакелмес шўрлиги жойлашган. Шўрликнинг чети марказнинг асосига нисбатан 40-50 метр баландликка эга бўлиб, четидан марказига борган сари пасайиб боради ва товоқча тарелка шаклига эга. Унинг энг туби (ултани) Орол денгизининг юзасидан 12-15 метр баланд. Йилнинг ёмғирли кунлар ва қорлар эриган пайтида чуқурликнинг айрим жойларида ҳар хил кўламдаги кўлчалар пайдо бўлади. Бу чуқурликда қадимги даврлардан бери йиғилган жуда катта туз заҳираси мавжуд бўлиб, бу тузлардан инсонлар озиқланиши ва даволанишида фойдаланиши мумкин.

Шақпақти чуқурлиги – узунлиги 6 километр, эни 3 километр, ёнбағирлари жуда тиқдир. Чуқурликда қум тепаликлар билан бирга, шўр ерлар кўп. Шу ерда Шақпақти газ кони ишлаб турибди.

Асекеаудан чуқурлиги - Сариқамис кўлининг шимолида жойлашиб, шу кўлнинг давомига ўхшайди. Чуқурлик кенг майдонни эгаллаб, асоси ўйли-баланд шўрликлардан иборат. Асосининг дengиз сатҳидан ўртача баландлиги 40-50 метр.

Устюрт платосида 600 га яқин турдаги ўсимликлар мавжуд бўлиб, уларнинг 70 тадан ортиги шифобаҳаш ўсимликлар саналади ҳамда фармацев-тика саноати учун муҳим хом-ашё ҳам ҳисобланади. Устюрт текислигига 5,2 млн.га яқин яйловлар мавжуд бўлиб, унда 200 минг бош йилки ёки қорамолларни тўққиз ой давомида боқиши имконияти мавжуд. Устюртдаги қушлар фаунаси ҳам ўзига хос бўлиб, турли мавсумларда бу ерда 200 дан ортиқ қуш турлари учраса-да, уларнинг 52 туригина уя қиласди.

Устюртдаги сут эмизувчилар фаунаси одатда чўлдагидек: пегий путорак, кум сичқони, Северцов қўшоёқ сичқони ва кичкина қўшоёқ сичқон, қуён, авваллари бўлса, гепард яшаган. Узун игнали типратикон ва қизил қуйруқ қум сичқони учрайди. Устюрт

платосининг экотуризм учун диққатга сазовор жойлари сифатида унинг чинкларини кўрсатиш мумкин. Ён томондан қараганда, баланд тоғни эслатадиган бу текислик туристларни ўзига тортади.

Кейинги 30 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси фаунасининг энг муҳим турларидан бўлмиш сайғоқлар сони 90 фоизга камайиб, сайғоқ Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш ҳалқаро иттифоқининг “Қизил руйхати”га киритилди. Шу билан бирга, жайрон, қорақулоқ каби ноёб турлар ҳамда ноёб йиртқич қушлар турлари йўқолиб кетмоқда. Устюрт платосида сайғоқларнинг анъанавий болалаш манзиллари жойлашган. Устюрт платосида оғир иқлим шароитларига мослашган, ўзига хос ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси мавжуд. Бу ерда 700 дан ортиқ ўсимликлар ҳамда умуртқали ҳайвонларнинг 300 дан ортиқ тури яшайди. Ҳар бир тур экотизимнинг муҳим бўғини бўлиб, унинг яхлитлигини белгилайди. Устюртдаги чўл ва ярим чўл экотизимлари муҳофазага муҳтоҷ.

«Сайгачий» буюртмахонаси Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1991 йил 29 ноябрдаги 311/12-сонли Қарори билан ташкил этилган. У 1 млн. га тенг майдонга эга бўлиб, сайғоқларнинг Устюртдаги популяциясини сақлаб қолиши, муҳофаза қилиш ва уларнинг сонини кўпайтириш мақсадида ташкил қилинган. Унга 467 минг га яқин майдон ажратилган. Сайғоқ антилопа ҳисобланниб, уни томоша қилиш ҳаммага завқ бағишлидай. Сайғоқ жайронга бир оз ўхшаб кетади, аммо баландроқ (75 см.гача етади) бўлади. Оёқлари калтароқ, катта боши доим пастга қараган, бир оз хартумни эслатадиган бурни ҳам мавжуд. Нар сайғоқлар 50 кг.гача етадиган тана оғирлигига эга бўлишади, урғочилари эса нисбатан камроқ. Ўзбекистонда сайғоқлар, асосан, октябр-ноябр ойларида пайдо бўлади. Улар Устюрт ва Қизилкўм шимолида ўтлаб юришади. Декабр ойида кўпайиш даври бўлади. Май ойига келиб, одатда, 2 та, баъзи ҳолларда эса 1 та ёш сайғоқ дунёга келади. Урғочи сайғоқлар янги авлодни дунёга келтириш учун ўтсиз, такир ерли ҳудудларни танлайди. У ердаги ер ранги туфайли сайғоқларни, ҳатто, бир неча метрдан аниқлаш қийин. Ёш сайғоқлар кучга тўлишгач, тўдалар республикамиз ҳудудини тарқ этиб, шимол ва шарққа кўчишни бошлашади. Кузда эса яна қайтиб келишади. Сайғоқ бошоқли ўсимликлар, эрман билан озиқланди. Сайғоқлар тўда бўлиб яшайди ва якка ҳолда учрамайди. Тўдалар ҳар хил, бир нечта жонивордан

ёки бир неча минг сайгоқдан иборат бўлади. Аммо, кўпинча, 30-40 бошдан иборат тўдалар учрайди. Кузда, курашлардан кейин нар сайгоқлар 5-10 та ургочи сайгоқдан иборат тўда тузади. Курашлар вақтида кучсиз сайгоқлар ҳалок бўлади. Сайгоқлар 70км/соат тезлиқда югурга олгани учун бўлса керак, уларнинг «душман»лари нисбатан кам. Сайгоқлар сакраб Сирдарёдек дарёларни сузид ўтади. Фақатгина кучсиз ва касал сайгоқлар бўрилар ўлжасига айланади.

Ўтган 20 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси фаунасининг энг муҳим турларидан бири бўлган сайгоқлар сони 90% га камайиб кетти. Сайгоқ Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га ҳамда Табиатни муҳофаза килиш халқаро иттифоқини “Қизил рўйхати”га киритилди. Лекин Сайгоқлар сони тобора камайиб бормоқда, улар билан бирга, жайрон, қорақулоқ ноёб турлари ҳамда ноёб йиртқич қушлар турлари йўқолиб кетмоқда. Устюрт платосида сайгоқларнинг анъанавий болалаш манзиллари жойлашган. Устюрт платосида оғир иклим шароитларига мослашган ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси мавжуд. Бу ерда 700 дан ортиқ ўсимликлар ҳамда умуртқали ҳайвонларнинг 300 дан ортиқ тури яшайди. Ҳар бир тури экотизимнинг муҳим бўғини бўлиб, унинг яхлитлигини белгилайди.

Хукумат томонидан биохилма-хилликни сақлашни таъминлашга қаратилган «Сайгачий» буюртмахонасини комплекс ландшафт буюртмаҳо-наси сифатида қайтадан ташкил этилиши тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Устюрт платосининг Қозогистон қисмида 2015 йил май ойида сайгоқ-ларнинг оммавий кирилиши бошланди. 2014 йилда Қозогистонда 256,7 минг сайгоқ бўлса, 2015 йил май-июн ойларида 132 минг жонивор қирилиб кетди<sup>72</sup>.

Судочье кўли ўзининг жойлашиши бўйича Сибирь ва Тундрадан жанубга ва жануби-шарққа, илик ўлкаларга ва орқага учадиган трансконти-нентал мигрант қушларнинг гарбий-Осиё миграцион йўлида жойлашган. 1991 йили бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарори билан «Судочье» давлат орнитологик буюртмахонаси ташкил этилди.

Энг катта сув ҳавзаси «Судочье» кўли Мўйноқ шаҳрининг жануби-гарбига, Устюртнинг шарқида, Қўнғирот туманининг шимоли-гарбига жойлашган. 1950 йилда 40 минг гектар майдонни

эгаллаган, табиий кўриниши, жўғрофий жойлашиши жиҳатидан дунёдаги жуда ажойиб ва гўзал кўл ҳисобланади. Бу ерда ҳар йили 15-20 минг центнер мазали балиқ овланган. Кўлнинг суви чучук бўлганлиги сабабли, Ондатра сақлаш учун жуда қулай бўлган. Шунинг учун ҳам, маҳаллий аҳоли бу кўлни «суви душши кўл», яъни «суви чучук кўл» деб атаган. XIX асрда Мўйноққа, Кўнғиротга кўчиб келган руслар «суви душши» деб айта олмаганликларидан «Суви душе», яъни – «Судочье» деб атаган. XX асрнинг бошларида кўлнинг узун-лиги 130-135 км, эни 16-43 км, чукурлиги 0,6 метрдан 3 метргача бўлган.

Ҳар йили миграция даврида Судочье кўлида 8-10 млн. га яқин ҳар хил гурухга мансуб күшлар дам олиш ва озиқланиш учун тўхтайди. Судочье кўлининг худудида ва Устюрт чинкларида 44 та оиласа мансуб күшларнинг 187 тури учрайди. Бу ерда, асосан, оқ күш, ёввойи гоз, қорабойлар, ўрдаклар, чагалайлар, куликларнинг ҳар хил турлари ва бошқа сув экотизимларида яшовчи күшлар уя куради.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1999 йил 11 январда Нукус шаҳрида ўтказилган конференциясида «Орол денгизи бассейнида экологик ва ижтимоий вазиятни яхшилаш бўйича аник иш ҳаракатлари дастури» қабул қилинди. Шунга асосан, амалга оширилаётган «Амударё дельтасида кичик кўллар ташкил қилиш» лойиҳаси Судочьенинг истиқболида муҳим аҳамият касб этди. Ҳозир кўлнинг умумий майдони 40 минг гектарни ташкил қиласди. Балиқлар ва сувда яшовчи ҳайвонларни кўпайтиришга киришилди. Бугунги кунда жанубдан шимолга, шимолдан жанубга учеб ўтаётган күшлар кўлда тин оладилар. Улар орасида ҳалқаро «Қизил китоб»га киритилган товус, қўнғир соқакүш, кичик баклан, оқбош сингари жониворларни учратиш мумкин. Бу кўл республикамизнинг шимоли-гарбида жойлашган бўлиб, бир неча кўллар тизимидан (кичик ва катта Судочье, Қаратеренг, Бегдулла айдин, Омар салим, Қаражар, Акушпа ва ҳ.к.) иборат. У күшларнинг уялаш, учеб ўтиш, дам олиш, учиш олдидан озиқланиш жойи бўлиб хизмат қиласди.

Экотуристик жиҳатдан ушбу Судочье кўлида күшларни кузатиш, күш уяларини ва тухумларини томоша қилиш, қайиқда сузиш, Устюрт тоғига чиқиш, балиқ овлаш, маҳаллий аҳоли турмуш тарзини ўрганиш, ўсимликларни томоша қилиш, умуман олганда, табиат қўйнида дам олиш имконияти мавжуд.

Трансчегаравий кўл ҳисобланадиган Сариқамиш кўли ҳам Туркманистон билан Ўзбекистонда куйи Амударёнинг чап томонидаги суфориладиган майдонлардан юбориладиган дренаж сувлари тўпланадиган жой ҳисобла-нади. Суви шўрроқ бўлган бу кўлнинг майдони 3670 кв.км ва сув сигими 59 куб.км, бу кўл – балиқ овлаш кўлами бўйича Қорақалпогистонда иккинчи ўринда туради. Дарёлиқ орқали сув билан тўлиши ва тузланиши натижасида кўлга 30 дан ортиқ балиқ тури келиб тушган, улардан овланадиган абориген балиқлардан 12-13 тури, жумладан, сила, сазан, торта, жумир балиқ, тиран шабак, лаққа, ақ марқа ва қилич балиқ анча кўп тарқалган. Кўлнинг Ўзбекистонга тегишли қисмida, асосан, сила ва торта балиқ овланади.

Сариқамиш кўлига томон боришда Устюрт кенгликлари узра қумликлар ва тепаликларни ошиб йўл давомида платонинг гўзал табиатини, горларни, чуқурликларни, Устюрт кўйи, кийик, кулон, рангли калтакесаклар ва ўсимлик дунёсини кузатиш мумкин.

Судочье, Жилтирбас ва Довудкўл кўлларидан бошқа дельтанинг марказий қисмida ва дарёнинг бўйида Междуречье сув ҳавзаси, Мақпалкўл, Майпост-Домалақ тизими, шунингдек Мўйнақ кўлтиги, Сарибас кўллари жойлашган. Бу кўлларнинг умумий майдони 200 минг гектар атрофида. Бу кўлларда сувда сузуви күшларга жуда бой бўлиб, экотуризм учун, яъни туристларнинг табиат кўйнида ҳайвонот дунёсини томоша қилиб дам олиш учун катта аҳамиятга эга.

Юқорида айтилган икки кўл, шунингдек Кегейли тумани худудида жойлашган Довудкўл кўли экотуризм учун катта аҳамиятга эга бўлиб, туристларга қўшларни кузатиш жойи сифатида хизмат қиласи. Айникса, фламинго, бирқозонлар, оққушлар ва ўрдак-ғозларнинг мислсиз тўдалари туристларда катта қизиқиши уйғотмокда. Устюрт платоси этагида жойлашган Кўнғирот туманида бир қатор қадимий археологик қалъалар ва архитектура мажмуалари мавжуд (13-илова).

Худудда туризмни ривожлантириш учун қўйидаги маршрутларни таклиф қиласиз (турмаршрутнинг тўлиқ тавсифи 14-иловада келтирилади):

Қорақалпогистонда Устюрт платосидан келажақда экотуризм обьекти сифатида фойдаланиш учун барча табиий имкониятлар мавжуд ва мазкур йўналишда манзилли дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш зарур. Шу мақсадда, фақатгина маҳаллий

тадбиркорларнинг фаоллиги ва туристларни ўзига жалб қилиш учун миллий ва маҳаллий ОАВларида, интернет воситаларида самарали рекламалар зарур. Айниқса, экотуризмга, хусусан, төг туризми, экстернал туризм, агротуризмга қизиқадиган сайёхлар Устюрт кенгликларида чорвачилик хўжаликлари билан танишиш бирга, қишида Устюрт тоғи этагига баҳорда тепалик бўйлаб ҳаракат қилади. Чўпонларнинг ҳаёт тарзига қизиқадиган туристлар бир – икки кун ёки бир ҳафта улар билан бирга яшашга қизиқади.

Бундай туристларни қизиқтириш учун улар ҳаётидан парчаларни тасвирга тушириш, видео роликларни дунёning етакчи телеканаллари орқали эфирга узатиш ва интернетга жойлаштириш ҳамда етакчи кино компанияларини фильм суратга туширишга таклиф этиш мақсадга мувофиқ. Сабаби, бу ерда табиий декорациялар жуда кўп. Масалан, жаҳоннинг машҳур актрисаси Жулия Робертс Монголия саҳроларида тушган видео ролиги инсонларда Монголияга бўлган қизиқиши орттириди. Устюрт платоси эса бошқа чўллардан ўсимлик дунёси, ҳайвонот олами ва тарихи билан бутунлай фарқланади. 2002 йилда рус эстрадасидаги машҳур «Рефлекс» гурухи Тошкент, Нукус, Мўйноқ шаҳарлари ва Устюртда суратга туширган клипида Чуқурликка тушган Мерседес русумли автомобиль ҳали ҳам ўша чуқурликда ётибди. Буни кўриш учун қизиқувчилар ўша ерга борадилар.

Бундан ташқари, мазкур худудда ички туризмни ривожлантириш учун ҳам имкониятлар мавжуд. Чунки, Устюрт платоси иқтисодиётимизнинг муҳим стратегик обьекти ҳисобланади. Президентимиз ташабbusлари билан Элобод аҳоли пунктида «Қўнғирот сода заводи» қурилди. Тошкент кимё-технология институтининг маҳсус сиртқи бўлими ташкил этилиб, унинг ўқув-лаборатория базаси завод худудига жойлаштирилди. Олий ўқув юртининг мазкур сиртқи бўлимини ҳар йили тўрт ихтисослик бўйича 65 нафар бакалавр, 15 нафар магистр битириб, ушбу корхонада фаолият олиб бормокда. Дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири Сургил кони негизида қиймати 4 млрд. АҚШ долларидан зиёд бўлган – Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мажмуанинг қурилиши билан бир каторда, «Қирққиз» аҳоли пунктида ишчилар учун уйлар барпо килинмоқда. Бу ердаги ишчиларга дам олиш кунлари ёки таътил пайтида экскурсия хизматларини, Устюрт бўйлаб туристик

маршрутларни, балиқ ови, велотурларни, ҳар хил спорт мусобақаларини ташкил қилиш мумкин.

Фикримизча, Қорақалпогистонинг Устюрт платосида, Сайгачий, Судочье буортмахоналарида, Орол денгизининг Ақтумсиқ тепалиги, Қозоқдарё ва Жилтирбас кўлларида илмий, спорт-поход туризмни йўлга кўйиш имкониятлари мавжуд. Жумладан, Ўзбекистоннинг олий ўкув юртларидаги тарих, биология, география, экология ва туризм факультетлари талабаларининг ёзги ўкув, дала амалиётларини ташкил қилиш (*гербариyllар тўплаш, археологик қазишмалар ўtkазиши, чукурликлар, тепалик ва чинкларнинг географик координатларини ўлчаш ва ўрганиши, ҳайвонот дунёсининг яшаш тарзи, овқатланиши, кўпайиши, ўсимликлар хусусиятлари ва ҳ.к.*) орқали худудни илмий жиҳатдан чукур ўрганиш ва ёшлар ўртасида оммалаштириш мумкин.

## ХУЛОСА

Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантириш масалаларига бағишилаб ўтказган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. Экологик туризм – ижтимоий масъулиятли ва экологик барқарор ривожланиш, табиий ва маданий меросни сақлаш, муҳофаза қилишни таъминловчи туристик фаолият, биохилма-хиллик ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги синергетик муносабатларга асосланган, табиатга саёҳат қилишни кўзда тутувчи, туризмнинг сердаромад инновацион йўналишидир.

